

علم او گانميشىز بىرىرى سلامان اوچۇن مىسىزدەر

# الله



1-сон Ramazan

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал

САРВАРИ ОЛАМНИ  
НЕЧУН СЕВАМИЗ?

ИСЛОМДА  
ФОТОСАНЪАТГА  
МУНОСАБАТ

ДАВЛАТ ДУМАСИДАГИ  
МУСУЛМОН ҮЮШМАСИ

НАСРОНИЙ ОЛИМИНИНГ  
ХОЛИСЛИГИ

ХАЗРАТИ БИЛОЛНИНГ  
АЗОНИ

ИЛК МУСУЛМОН  
ГАЗЕТАЛАРИ


МЎҒУЛЛАРНИНГ  
ИСЛОМ ЎЛКАЛАРИГА  
БОСҚИНИ

БИРОДАРЛИК  
УНУТ БЎЛДИ

ЖАЗАВА - ОЖИЗЛИК  
БЕЛГИСИ


"ТАРИХ"ДАГИ  
ҮЙИНЛАР





## “Хилол” муборак бўлсин!

*Ассалому алайкум  
ва роҳматуллоҳи ва  
баракотуҳ!*



Камтарона уриниши-миз маҳсули бўлмиш “Хилол” электрон журнали-нинг ушбу илк сонини минг андиша, истиҳола ва ширин умидлар ила хузурингизга тақдим этаётганимиздан мамнунмиз. “Хилол” янги чиқкан, ўроқ шаклидаги Ой дегани. Ой – кечалари нур-ёғду сочиб, оламни ёритиб туриши учун Аллоҳ таоло яратган мўхъжизалардан бири. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Ойни кўриб рўза тутинглар ва уни кўриб очинглар”, деганлар (Термизий). Хилол Ислом рамзи сифатида қабул қилинган. 1453 йили Султон Муҳаммад Фотих Византия юраги Қустантанияни (Истанбул) фатҳ этаётганида ҳал қилувчи жангни бошлаш вақти этиб осмондаги Ой кўриниши белгиланди. Сўнгра ҳилол чиқиши билан ҳужумга ўтилиб, бу муҳим шаҳар эгалланди. Фотихлар шундан кейин янги чиқкан Ой суратини байроқларига тушириши.

Биз ҳам мусулмон замондошларимиз қалбларини фатҳ этиш, уларга илму ирфон тарқатиш, иймон-эҳтиқодга ошноликда ҳамнафас бўлиш ниятида электрон журналимиз номини “Хилол” дея аташга журҳатландик. Журналимиз ҳам Хилол каби маҳрифат, ҳидоят йўлларини ёритиб турса, йўлдан адашган диндошларимизга ҳақни топишда кўмаклашса, жаҳолат, шаҳват, иллат қорайтирган дилларига

бир чимдим нур олиб кирса, бошлаган ишимиздан ўқинмаган бўлардик. Шиоримиз: Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида пок ақида ва мусаффо Исломга интилиш; Курҳон ва Суннатни ўрганиб, уларга амал қилиш; исломий маҳрифат тарқатиш; солиҳ салафлар, улуғ мужтаҳидларга эргашиш; кенгбағирлик ва биродарлик руҳини таратиш; диний саводсизликни тугатиш; ихтиоф ва фирқабозликка барҳам бериш; мутаассиблик ва бидҳат-хурофотларни йўқотишдир.

Агар бу йўлда нималаргadir эриша олсак, Аллоҳ таолонинг фазли ва тавфиқидандир, Бордию, барча хатокор бандалар қатори беихтиёр хато-камчиликларга йўл қўйсак, ислоҳ қалами ила ўчириб ўқиш сиз, азизларнинг ҳиммат-илтифотингиздан бўларди.

Яна бир нарсани эслатиб ўтсак: журнал ўқувчилари, муҳлислари, муштариylари билан тирик. Шу боис барчаларингизни “Хилол” билан ҳамкорлик қилишга, унинг сахифаларида мақола-хабарлар билан қатнашишга чорлаймиз. Бебаҳо фикр-мулоҳазаларингизга, самимий маслаҳатларингизга, ҳатто дакки-дашномларингизга ҳам муштоқмиз. Аллоҳ таоло бошлаган холис ишларимизни хайрли ва осон қилсин, тавфиқини ато этсин. “Ва (бунга) ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билангина муваффак бўлурман” (Ҳуд, 88). “Хилол” электрон журналини Аллоҳ таоло барчаларимизга муборак қилсин!

**Эҳтиром ила, ходимингиз Аҳмад.**

**“ХИЛОЛ” ОЙЛИК ЭЛЕКТРОН  
ЖУРНАЛИ. 1-СОН.  
Хижрий 1432 йил, Рамазон  
Милодий 2011 йил, август**



Муассис: “Хилол” нашриёти МЧЖ  
(Москва)  
Бош мухаррир: Аҳмад Муҳаммад  
Бош директор: Абу Муслим  
Техник мухаррир: Бекзод Сулаймон

**Таҳрир ҳайъати:**

- Шайх Муҳаммад Содик  
Муҳаммад Юсуф (раис)
- Тоҳир Малик. Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
- Эркин Малик. Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист.
- Абдулҳамид Турсун. Ўзбекистон  
мусулмонлар диний идораси Фатво бўлими  
мудири.
- Муҳаммад Айоб Усмон. Тадқиқотчи.
- Муҳаммад Зуфар. Тадқиқотчи.
- Озод Мунаввар.
- Исмоил Муҳаммад Содик
- Анвар Аҳмад

Манзил: Тошкент шахри, Сўғалли ота  
кўчаси, 5-йй.  
(email: admin@islom.uz)

Журналда фикрлар хилма-хиллиги ва фарқлилиги  
тамоилилига амал қилинади. Маколанинг журналда  
берилиши ундали фикрларга таҳририятнинг  
қўшилганини англатмайди.



www.islom.uz



www.islom.uz

www.islom.dz

## Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф хазратларининг Рамазон табриги

Бисмиллааҳир роҳмаанир роҳийм!

الحمد لله رب العالمين والعاقبة للمتقين  
والصلوة والسلام على خير خلقه محمد وعلى آله وأصحابه أجمعين

Ассаламу алейкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

АЗИЗ ЗА МУХТАРАМ ДИН КАРДОШЛАРИМIZ! БАРЧАЛАРНГИЗНИ БОШИМИЗГА СОЯБОН БҮЛІБ КИРИБ КЕЛАЕТГАН МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ БИЛАН, У ОЙНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ БИЛАН ТАБРИК ЭТИШГА ИЖОЗАТ ЭТГАЙСИЗ.

БУТУН ДУНЁ МУСУЛМОНЛАРИ ҚАТОРИ, ВАТАНИМИЗ МУСУЛМОНЛАРИ ҲАМ ОРЗИКИБ КУТТАН УЛКАН ШОДИЁНА – МОХИ РАМАЗОН КИРИБ КЕЛИШИДАН БАГОЯТ БАХТИЁРМИЗ.

АЛБАТТА, УШБУ МУБОРАК ОЙ ЙИЛДА БИР КЕЛАДИГАН ҚУЛАЙ ФУРСАТ БҮЛІБ, БАРЧА МҮМІН-МУСУЛМОНЛАР БОШИГА СОЯБОН БҮЛІБ, АЛЛОХ СУБХАНАХУ ВА ТАОЛОНИНГ РАХМАТИ, МАРҲАМАТИ, БАРАКОТИ БҮЛІБ КИРИБ КЕЛМОҚЦА.

АЛЛОХ СУБХАНАХУ ВА ТАОЛО БУ МУКАРРАМ ОЙНИ БУТУН ДУНЁГА, ХУСУСАН, ВАТАНИМИЗ МҮМІН-МУСУЛМОНЛАРИГА БАРАКОТИ КИЛГАН БҮЛСИН, ХОЙРЛОТЫ КИЛГАН БҮЛСИН, ЎЗИНИНГ РАХМАТИГА, МАРҲАМАТИГА, ШАФҚАТИГА, МАҒФИРАТИГА ЭРИШАДИГАН БИР МАВСУМ БҮЛІШИНИ НАСИБ ЭТСИН.

Мүмін-мусулмонлар ҳар йили бу муборак ойни интиклик билан кутадилар ва уни муносиб күтиб олишга күлдан келганича тайёрғарларларини ҳам күрадилар. Бу йил ҳам худди шундай бүлди. Мүмін-мусулмонлар ўзлари учун раҳмат ойи, марҳамат ойи бўлган, гуноҳлари мағфират бўладиган ой бўлган Рамазони шарифни орзиқиб кутдилар. Мана, алҳамдуллаҳ, ана ўша саодатли онларга, баҳтил сонияларга мусассар бўлни, етиб келмоқдалар, кириб бормоқдалар.

Аллоҳ субханаху ва таоло Рамазони шарифини йилнинг ўи иккى ойининг сұлтони килиб қўйған. Бу ой барча ойлардан фарқли ўларок, Аллоҳнинг фазлига, раҳматига, марҳаматига бойрек ой хисобланади.

Рамазоннинг улуғлиги энг аввало ушбу ойда Қуръони каримининг нозил бўлғанлигидир. Шунинг учун ҳам Рамазон ойи Қуръон ойи дейилади. Мүмін-мусулмонлар Рамазон ойида унинг рўзасини тутиш билан биргаликда Қуръони каримни тиловат килишга, унинг тиловатини ўрганишга жуда қаттиқ уринадилар. Аллоҳ субханаху ва таоло Ўзининг охириги китобини нозил килиш учун танлаган пайт айнан шу Рамазон ойи бўлгани ҳам бу ойнинг шарафидир, баҳтидир, саодатидир.

Набийимиз Мұхаммад Мұстафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, Қуръони каримни қабул килиб олиб, умматга омонат билан етказиб юрган зотининг, доими тиловати Қуръон билан машгул бўлган зотининг Қуръонга бўлган эҳтимомлари Рамазони шариф кириб келгандан яна ҳам зиёда бўлар эди. У зот алайхисалом ҳар йили Қуръони каримни аввалидан охиригача Жаброил алайхисаломга тиловат килиб, ўтказиб олар эдилар. Ушбу гўзал амалиётта эргашган холда, бутун дунё мүмін-мусулмонлари ҳам Рамазон ойида Қуръони каримига ошно бўлишга ҳар доимигидан кўра кўпроқ, кенгрок, чуқуррок уринадилар. Барча масжидларда таровех намози асносида ҳатми Қуръонлар ўтказилади. Мүмін-мусулмонлар – эркагу аёл, ёшу кари – барчалари ўзлари ҳам имкон қадар Қуръони каримни шу ой ичида ҳатм килишга интиладилар. Ҳатм килишга имкони йўклар кўпроқ ўқишга, ўрганишга, ёд олишга, Қуръон тиловатини тинглашга, таровех намозларидан иштирок этиб, кориларнинг тиловатига сомеъ бўлишга – хулас, ушбу муқаддас китобимизнинг савобидан баҳра олишга ҳаракат киладилар.

Рамазон ойининг асосий фасли, ҳақиқи ғарбати – бу ойдаги рўза ибодатининг мүмін-мусулмонларга фарз бўлишидидир. Бу ибодат иккى дунёнинг баҳтига, саодатига сабаб бўладиган ибодат бўлғанлигидан, рўза тутиш фарз бўлган ҳар бир мўмину мўмина анна шу ибодатни ихлос билан, савоб умидида, охиратда шафоатига бўлиши умидида тутадилар ва рўза асносида фақат озиқланиш, ичимлик ичишдан тийилиб қолмасдан, балки ёмон ҳулклардан ҳам тийилиш, кўзларини ҳаромга тикишдан тийиш, тилларидан ношарьй гапларни гапиришдан тийилиш ва барча ёмонликлардан тийилиш билан ўтказадилар. Буларнинг барчаси мўлкўл савобдан, ажрдан иборат бўлиши билан бирга рўза тутиш шахснинг ўзига, оиласига, кавму қариндошига ва бутун инсониятга манфаат келтирувчи бир ибодатидир. Ана шу эътибордан мўмин мусулмонлар бу ибодатни алоҳида қадрлайдилар, алоҳида улуғлайдилар ва унга алоҳида аҳамият билан ёндашадилар. Аллоҳ субханаху ва таоло кириб келаеитган Рамазон ойининг рўзасини анна шундай ихлос билан тутишимизни, унинг савобидан тўлалигича баҳраманд бўлишишимизни насибу рўз килган бўлсин. Бу ойни Қуръон ойи килиб ўтказишимизда, бу ойда Қуръони каримни ҳатм килишимизга, унинг маноларини яхшиrok ўрганишимизга, илоҳий таълимотларига яхшиrok амал килишимизга

Аллоҳ таолонинг Ўзи ёрдамчи бўлсин.

Мен шу муносабат билан бу йил биринчи марта рўза тутадиган азизларимизни алоҳида кутламоқчиман, уларни бу улкан баҳтга сазовор бўлишлари билан алоҳида табрикламоқчиман.

Дарқикат, рўза тутиш улкан баҳтдир, буюк саодатидир. Буни рўза тутгандар, рўзасини тўғри тутгандар, рўзанинг хикматини англаб етгандар тўлиқ тушунадилар. Ҳақиқатан, дунёда бундан гўзалпроқ, бундан фойдалироқ, бундан манфаатлироқ баҳтни топиш қийиндири. Анна шу эътибордан илк бор рўза тутишини бошлиётган азизларимиз алоҳида табрикларимизни – рўза тутиш табриги, баҳт табриги, саодат табриги, баракор ва раҳмат табригини қабул қилсанлар.



Рамазон ойи раҳм-шафқат ойи ҳамдир. Бу ойда мүмін-мусулмонлар бир-бирларига раҳм-шафқат кўрсатадилар, ҳожатмандларнинг хожатини чиқаришда доим бирга бўладилар. Мехр-мухаббатга мухтоҷ кишиларимизга алоҳида меҳр, алоҳида мухаббат билан муносабатда бўладилар, бева-бечораларни ҳолларидан хабар оладилар, уларнинг кўнгилларини кўтарадилар.

Рамазон ойи хайр-эҳсон ойи ҳамдир. Мүмін-мусулмонлар Рамазонда қилинган ҳар бир солих амалнинг, хусусан, хайр-эҳсоннинг ажр-савоби кўпайтириб бериллишини яхши биладилар. Шунинг учун бу ойда доимо хайр-эҳсонни кўпайтириш пайда бўладилар. Зотан, Расули акрам Мұхаммад Мұстафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари саҳилярнинг саҳииси бўлишлари билан бирга, Рамазон ойида саҳоватлари шамолдек бўлиб кетишилари ривоятда келган. Биз мүмін-мусулмонлар ҳам севикили пайғамбаримиз Мұхаммад Мұстафо соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрина олиб, бу ойда саҳилик намуналарни кўрсатиб, кишиларга хайр-эҳсон килиш, кам таъминланганларга моддий ёрдам бериш, саҳарликларда, ифторликларда уларга таом берши, егулик-ичкиликлар билан таъминлаш каби ишларни ўта савобли ишлар деб билишга одатланганмиз.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, Рамазон ойи хайр ойи, барака ойи, яхшилик ойи, меҳр-мухаббат ойи, бирордарилик ойидир. Бу ойнинг улуғлигидан Аллоҳ субханаху ва таоло дўзах эшикларининг барчасини ёниб қўйғандир. Бу ойнинг шарофати билан, Аллоҳ таоло бандаларининг дўзахга киришга сабаб бўлган амаллардан четда бўлишини истаганидан шундай килгандур. Аллоҳ таоло айни ушбу ойнинг шарофатидан ўзбошимча шайтонларни кишишлаб кўйғандир. Бўладиларни ҳам майал бўлмаслик, уларнинг айтганини кимаслик, якинга йўламаслик фурсатини айнан Рамазони шарифда топадилар. Мана шу яхқатларни яхши тушунишлари, бунинг аҳамиятини яхши билишлари лозим. Мўминлар ушбу куляй фурсатдан фойдаланиб, тавба килиб, ибодат килиб, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш, Аллоҳнинг розилигини топиш, очиқ турган жаннат эшикларидан кириб олиш, ёник турган дўзах эшикларидан узоклашиб олиш, кишишлабнган шайтонларга йилнинг бошча ойларида ҳам малай бўлмаслик, уларнинг айтганини кимаслик, якинга йўламаслик фурсатини айнан Рамазони шарифда топадилар. Мана шу эътибордан барча диндош азизларимизга бу куляй фурсатдан тўларок фойдаланиш, унинг хайр-баракотидан кўпроқ олиб, ажр-савобдан кўпроқ жамлаб олиб, охиратта захира тайёrlаш фурсати келганини яна бир бор таъкидлаб айтамиз. Аллоҳ таоло барчамизига мана шу куляй бир фурсатдан фойдаланиб қолишни насиб килсин, деб дуолар киламиз.

Аллоҳ субханаху ва таоло кириб келаеitган Рамазон ойини Ватанимизга, ҳалқимизга, элимизга, юртимизга муборак ой бўлишини, осойишталик ойи бўлишини насиб этсин, хайр-барака, дўстлик, бирордарилик ойи бўлишини насиб этсин. Бу ойнинг ибодатини шараф билан адо этишимизда Аллоҳ субханаху ва таолонинг Ўзи ёрдамчи бўлсин.

Яна бир бор барчаларнгизни буюк Рамазон ойининг кириб келиши билан чин қалбдан табриклайман.

Аллоҳ таоло бу ойда киладиган ибодатларимизнинг барчасини хусни қабул айлаб, ажр-савобини кўпайтириб беришини тилаб қоламан.

*Ва ахиру даъвауна анилҳамдуллаҳи Роббил ъаламий!*

*Ассаламу алейкум ва роҳматуллоҳи ва баракатуҳ!*



# “Сизларга ким хаёт берди?”

Аллоҳ таоло бундай дейди: “(Эй Мұхаммад):

**Сен: «Сизларни осмонлару ерда ким ризқлантиради?**  
Ёки қулоқ ва күзларингизнинг эгаси ким, тирикни ўлиқдан, ўлиқни тириқдан ким чиқаради? Ишнинг тадбирини ким килади?», дeng. Улар, албатта: «Аллоҳ», дерлар. «Тақво қилмайсизларми?» дeng» (Юнус, 31)

Аввалда ҳам бир неча бор тақрорланғаныдек, араб мушриклари Аллоҳнинг борлигини инкор этмас әдилар. Улар Аллохнинг шериги бор, деган ақидалари билан йўлдан озган әдилар. Улар Аллоҳ тўғрисида нотўғри тасаввурда әдилар. Чунки улар эътиқодда У зот хақидаги илоҳий таълимотларга эмас, ўз тушунчаларига суюнишарди. Ҳолбуки, инсон тушунчаси комил эмас, ўзгариб туради. Шу боисдан ҳам араб мушриклари кўллари билан ясад олган буту санамларни кичик худо санағ, уларга ибодат қилишар ва булар катта Ҳудо ҳузурида бизга шафоатчи бўлади, деб ишонишар эди. Ўтган оятда уларнинг бу эътиқодлари бузук экани баён қилинди, энди хушларини жойига келтиришга, ўйлаб кўришга чакирилади; ҳатоларини тўғрилашга уринилади. Эй мушриклар, айтингларчи?! «**Сизларни осмонлару ерда ким ризқлантиради?**» Оддий, аммо тадаббурга чорловчи савол. Инсон ҳаёти давомида Аллоҳ берган ризқ билан тирик. Бусиз у яшай олмасди. У ризқнинг келиб чиқишига, ризққа айланыш жараёнинга бир разм солсин. Буларнинг хеч бирини ўзи ҳам, бошқа бирор зот ҳам қила олмаслигига аниқ ишониб етади. Оч колган одам бир бурда нон тутган шахсга етти эгилиб таъзим қиласди. Умр бўйи уни мадҳ этиб юради. Аслини олганда, ўша шахс Аллоҳ берган ризқнинг бир бўлагини оч қолган кишига етказди, холос. Ўзи уни йўқдан бор килмайди. Шундай бўлса ҳам, бир парча нонни олган шахс берган шахсдан чексиз миннатдор бўлади, мақтоворлар айтиб, умр бўйи эсдан чиқармай юради. Ҳолбуки, ҳақиқий шукрни Аллоҳга қилиши керак эди. Чунки ҳақиқий ризқ берувчи Аллоҳдир. У фақат оч қолгандагина эмас, балки ҳар вақт, ҳар қандай ризқни ато этгуввидир. Шу боис, инсон умрини доимо ризқ етказиб тургувчи Зотга шукр килиб ўтказиши керак. Шукр эса, Үнга иймон келтириш ва ибодат қилиш билан бўлади. Афсуски, кўплар араб мушрикларига ўхшаб, бу ҳақиқатни унутиб қўяди. Аммо ушбу оятдаги: «**Сизларни осмонлару ерда ким ризқлантиради?**» деган савол ҳамманинг кўзини очиши керак. Үндан кейин яна бир шунга ўхшаш-кўзни очувчи, ақлни ростловчи савол келади. Эй мушриклар, айтингларчи?!: «**Қулоқ ва кўзларингизнинг эгаси ким?**» Ўзингизми ёки бутсанамларингизми? Үндан ҳам бошқа нарсалар бўлса, айтаверинг!

Қулоқ ва кўз инсонга берилган энг буюк неъматлардандир. Бу неъматларнинг кадрини эслатиб туриш учун Аллоҳ таоло баъзи бандаларини эшлиши неъматидан, баъзиларини кўриш неъматидан маҳрум килиб қўяди. Ана ўшаларга хеч ким на эшлиши қобилиятини ва на кўриши қобилиятини бера олмайди. Бу борада мактаниб, оламни бузатётган инсоннинг қилган иши бор-йўғи кейинчалик пайдо бўлган баъзи ҳолатларни тузатиш йўли билан эшлиши ёки кўришини бир оз яхшилашга сабаб бўлди, холос. Буни ҳам Аллоҳ берган ақл ва билимни ишга солиб, амалга оширади.

Лекин дунё олимларининг ҳаммаси тўпланиб, хозиргача битта қулоқ ёки кўз ясай олганлари йўқ. Ясай олмайдилар ҳам. Аммо эшлиши ёки кўришни яхшиладиган фалон асбобни яратдик, деб мақтанишлари оламни олади, ўша асбобларнинг баҳоси ҳам оз эмас. Аммо дунёдаги барча маҳлукотларга инъом этилган эшлиши ва кўришнинг ҳақиқий эгаси кимлигини бир тафаккур килиб кўрсалар, Аллоҳдан ўзга ҳеч ким эмаслигини англаб етадилар.

Эй мушриклар, айтингларчи: «**Тирикни ўлиқдан, ўликини тириқдан ким чиқаради?**»


Ушбу ояти карималар нозил бўлаётган даврдаги одамлар тушунчаси бўйича, ўсиб-ҳаракатланиб турган нарсалар тирик, ҳаракатсиз, ўсмай турган нарсалар ўлик хисобланар эди. Ана шу тасаввурга биноан қадимги тафсирчиларимиз «ўлиқдан тирикни чиқариш»га тухумдан күшни, уруғдан ўсимликни, данакдан дараҳтни чиқаришни ва шунга ўхшаш ҳолатларни мисол килиб келтирганлар. Дарҳакиат, тухум жонсиз нарса, аммо ундан мукаммал бир қуш пайдо бўлади. Хўш, буни ким чиқаради? Уруг ҳам жонсиз бир модда, аммо ерга сочилса, маълум вақтдан сўнг ўсимлик униб чиқади. Данак ҳам жонсиз ва қаттиқ кобик билан ўралган, лекин ундан ҳам дараҳт ўсиб чиқади. Ёки, аксинча, ҳамма ҳайвонлар тирик бола туғади, қушлар эса, жонсиз тухумни. Ўсиб этилган ўсимликдан жонсиз уруг чиқади. Буларнинг ҳаммасини ким қилмоқда? Албатта, Аллоҳ!

Хозирда илм тараққий этиб, тухум, уруг ва данакда ҳаёт борлиги аниқланди. Яъни, уларда нав ёки зотнинг асли бўлади. Маълум бир таъсир этувчи омиллар туфайли улар ҳаракатланиб, күшга, ўсимликка ёки дараҳтга айланади. Бу қашфиётдан кейин худосизлар Худонинг йўклигига далил топдик, деб кувондилар. Ҳар тарафга аййуҳаннос солдилар. Лекин бир оз вақт ўтгандан сўнг яна жимиб қолдилар. Чунки аллома Ваҳидуддинхонга ўхшаш мўмин уламолар кофирларни чукурроқ ўлашашга таклиф этишди. Хўт, тухумда ҳаёт бор экан, маълум бир омил таъсир килса, күшга айланар экан, ўша қобилиятини тухумнинг ичига ким жойлаб қўйди? Күшнинг тумшуғи, суюги, ичаги ва бошқа аъзолари тухумнинг қаерида эди? Уларни ким бу ҳолга келтириди?

Буларни ҳам қўйиб, бошқа бир мисол олайлик, дейди мусулмон уламолар. Овқат оловда пиширилганида ундаги ҳамма моддалар, ҳатто микроблар ҳам ўлади. Аммо шу ўлик таом истеъмол қилинса, у инсон ҳаётининг асоси бўлмиш қонга айланади. Хўш, буни ким қиласди? Албатта, Аллоҳ!

Эй мушриклар, айтингларчи: «**Ишнинг тадбирини ким қиласди?**»

Борлиқдаги, коинотдаги, ер юзидағи ҳамма мавжудот маълум бир коида, тартиб асосида ҳаракатланади. Уларни бу ҳолда ким тадбирини килиб туриби? Ёки бутун борлиқ ўзидан ўзи шунчалар дақиқлик билан ҳаракат қилмоқдами? Эҳтимол, бирорта иймонсиз қашфиётчи бошқарib тургандир? Йўқ, ҳаммасининг тадбирини Аллоҳ таоло килиб туриби.



# РАСУЛУЛЛОХ соллаллоху алайхи васаллам ВАСИЯТЛАРИ



Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда бундай дейилади:

**«Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан четда бўлинглар. Сизларга нимани амр қилган бўлсам, ундан қурратингиз етганини қилинг. Албатта, сизлардан олдингиларни саволларининг кўплиги ва пайғамбарларига хилоф қилишлари ҳалок қилгандир», дедилар».**

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ўз зоти шарифларидан содир бўлган наҳий ва амрларга сиз билан биз-У кишининг умматлари қандок муносабатда бўлишимиз лозимлигини баён килмоқдалар. Ҳадиснинг иккинчи қисмида эса, бу ишга нотўри муносабатда бўлиш ҳалокатга олиб келишини айтиб огоҳлантироқдалар.

«Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан четда бўлинглар», дейилар Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ҳадис бошида. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам бизларни нимадан қайтарган бўлсалар, биз ҳеч гап-сўзсиз дарҳол ўша нарсадан четда бўлишимиз, у нарсага умуман яқинлашмаслигимиз керак бўлади. Эътибор берайлик: Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам: «Ундан четда бўлинглар», демокдалар, «Ундан қайтинглар, уни қилманглар», деганлари йўқ. Четда бўлиш қайтиш ва қилмасликдан кўра кучлироқ ишдир. Бир нарсани қилмаслик ёки ундан қайтиш унинг яқинига бормаслик ёки атрофида юрмасликни ифода қилмайди. Четда бўлиш эса, умуман яқин йўламасликни билдиради. Шунинг учун шариатимизда бирор нарсадан қайтарилган бўлса, ўша нарсанинг сабабчилари ва атрофидаги нарсаларидан ҳам қайтарилган бўлади.

Мисол учун, арок ҳаром қилинган, унга тегишли ҳамма нарса, яхни, уни тайёрлаш, олиб келиш, сотиш, ичганлар билан ўтириш ва бошқалар ҳам ҳаром ҳисобланади.

Шунингдек, зино ҳаром қилиниши билан унга сабаб бўлувчи ва унга тегишли бошқа нарсалар ҳам ҳаром қилинган. Шу сабабли шариат қайтарган нарсалардан узоқда бўлиш жуда мухимдир.

Ҳадиснинг давомида Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам:

«Сизларга нимани амр қилган бўлсам, ундан қурратингиз етганини қилинг», дейилар.

Ўз-ўзидан маълумки, бундан фарз ва вожиб амаллар мустаснодир. Чунки бу амалларни ҳеч кам-кўстсиз бажаришни Аллоҳ таолонинг йўзи амр қилгандир. Бундай амалларни кучим, қурратим етганича қиласман, чарчаб қолсам, қолаверади, деб бўлмайди. Мисол учун: «Тўрт вакт намозни ўқийман, бомдодга келганда узр, уйғонишим қийин», дейилмайди.

Фарз ва вожиб амаллардан ташқари, Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам амр қилган ишларни қўлдан келганича қилинаверади. Гапни кўпайтириб, сўраб-сурештириб ўтирилмайди. Мўмин-мусулмон инсоннинг вазифаси-ўз Пайғамбари Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга итоат қилиш, у зот соллаллоху алайхи васалламнинг Суннатларини маҳкам ушлаш. Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ҳадис давомида қуйидагиларин таъкидламоқдалар:

**«Албатта, сизлардан олдингиларни саволларининг кўплиги ва пайғамбарларига хилоф қилишлари ҳалок қилгандир», дедилар».**

Мусулмонлардан олдин ўтган кўпгина умматлар бўйруқ ва қайтариқларни эшитгандан сўнг индамай амал қилиб кетавермай, саволларни кўпайтириб юборгандари учун ҳалок бўлганлар. Шунингдек, ўз пайғамбарларига хилоф қилгандари учун ҳалок бўлишган. Мусулмонлар ҳам ўшаларга ўхшаб, ҳалок бўлмайлик, дейишса, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг амр ва наҳайларига сўзсиз амал қилсинлар, савонни кўпайтирмасинлар. У зот соллаллоху алайхи васаллам қайтарган нарсадан четда бўлсинлар, у зотнинг фарз ва вожибдан бошқа амрларига имконлари борича амал қилсинлар, асло Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга хилоф қилмасинлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам қайтарган нарсалардан четда бўлиш.
2. Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг амрларига имкон борича амал қилиш (Фарз ва вожиблар бундан мустасно).
3. Шариат амрларини иккilanмай амалга ошириш.
4. Бехуда саволларни кўпайтирмаслик.
5. Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламга ҳеч қандай хилоф қилмаслик.
6. Ўтган умматларнинг ҳалок бўлишига сабаб бўлган ишларни қилмаслик.

Мусулмонлар бу ҳадиси шариф ҳикматига ҳозир ҳар қачонгидан ҳам мухтожидлар. Чунки уларнинг аксарияти Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам қайтарган нарсадан қайтмайдиган, у зот соллаллоху алайхи васаллам амр қилган ишларни эса қилмайдиган бўлиб қетишган. Мусулмон номини даъво қилиб юрганлардан баъзилари шариат ҳукмлари тўғрисида турли шак-шабҳали саволларни кўпайтиришдан тўхтамайдилар. Уларнинг Пайғамбар соллаллоху алайхи васалламга хилоф қилишлари кўп. Бу нарсаларнинг ҳаммаси ҳалокатга учраш йўлидир. Ҳалокатга учрамаслик учун тезда ўзимизни ўнглаб олишимиз лозим.

*“Ҳадис ва Ҳаёт”, 2-жилд, 62-ҳадис*

# ИСЛОМДА ФОТОСАНЪАТГА МУНОСАБАТ

## САВОЛИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

*Муҳтарам журнал мутасаддилари, қўпдан буён мени бир савол ўйлантиради. Баъзилар фотосуратга тушиши динимизда тақиқланган, дейшиади. Ахир ҳозирги пайтда ҳаётимизни фотосиз тасаввур қилиб ҳам бўлмайди-ку! Шу ҳақда ишонарли маълумот берсанглар.*

*Камоли эҳтиром билан, Ойгул, Тошкент шаҳри.*

Насронийликда жонли мавжудотларни фотосуратга олиш масаласига анча мойиллик билан қаралади: Патриарх ва Папа фотосуратлари ҳамма жойда сотилади, ҳатто насронийлар чўкинадиган иконалар ҳам фотогасвир ёрдамида ишланяпти. Хиндикйлик ва буддавийлик ҳам фотосурат олишга хеч қандай тўсик кўймайди.

Аммо самовий динлардан иккитасида, яъни яхудийлик ва Исломда жонли мавжудотлар расмини чизишга ҳам, фотосуратга олишга ҳам қаттиқ туриласди. Мусонинг (алайхиссалом) иккинчи ўғитида: “Ҳеч нарсанинг тасвирини туширма!” дейилган. Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинган ҳадисда: “Аллоҳнинг элчиси: “Сурат чизувчилар қиёмат куни энг оғир азобга гирифтор қилинади”, деганларини эшитдим”, дейилган (Имом Бухорий ва Муслим). Абдуллоҳ ибн Умардан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинган ҳадисда эса: “Сурат чизганлар қиёмат куни қаттиқ азобга учрайди ва уларга: “Энди чизганларингизга жон киритиб беринглар”, дейилади”, деб келган (Имом Бухорий ва Муслим). Исломда жонсиз нарсалар: иншоот, дараҳт, тоғу тошлар расмини чизишга, ҳаттотлик санъатига хеч қандай монеълик йўқ.

Аммо замонлар ўтиши билан одамларни фотосуратга тушириш иши жамиятда маълум эҳтиёжга айланди. Паспорт, гувоҳнома каби турли хужжатларни, Ислом дини тарихига ва бугунига оид китоб, албум, газет-журнал каби нашрларни фотосуратсиз тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди.

Агар фотография бўлмаганида ўн тўққизинчи асрда Масжидул Ҳаромнинг қай кўринишида эканини билолмаган бўлардик. Чунки икки аср олдин Исломда жонли нарсалар суратини чизишга мутлақо руҳсат берилмагани ҳолда фотосуратга туширишга ижозат бўлган экан. Масжиднинг ўшандаги кўринишини суратга туширган мусулмон фоточиси дин равнаки ва тарғиби учун қанчалар катта иш қилиб қўйганини ўйламаган ҳам бўлса керак. Чунки Макка ва Мадинага одатда мусулмон бўлмаганлар киритилмайди, шунинг учун дунё ахолисининг колган қисми Аллоҳнинг уйи билан фақат фоточи олган суратлар орқали танишиди ва кейинчалик бу кизикиш бошқа диндан Исломга ўтган кўпчилик кишиларни Каъбатуллоҳга чорлаб келди. Умрида ҳаж ёки умрага бормаган киши Масжидул Ҳаром ёки пайғамбаримиз масжидлари тасвирини кўргиси келди, дейлик. Агар унга бирорта ҳам намозхони бўлмаган, бўмбўш, хувиллаган масжид сурати кўрсатилганида Исломнинг икки улуғ масжиди ҳақидаги тасаввурлар қай ахволда бўлар эди? 1941 йилда олинган бир суратда сел туфайли бутунлай сув ичидаги қолган ва фақат Каъбагина сув устида кўриниб

турган Масжидул Ҳаром сурати ҳам эътиборга лойик. Буларнинг ҳаммаси кейинги асрларда Ислом оламида фотография масаласига бўлган карашлар ўзгарганини кўрсатади.


Бунинг устига фотосурат ҳақидаги илк ғоялар ўн биринчи асрда яшаб ўтган улуғ араб олими, Фарбда Ал-Хазен деб ном олган Ҳасан ибн Ҳайсам ал-Басрийга тегишли. У “Ал-Азҳар” дорилфунунида узок вақт оптика, “тасвир камераси” ва линзалар билан тажриба ўтказиб, етти жилди “Китабул Маназир” асарини ёзди. Бу асар кейинчалик юонон тилига таржима қилинди ва шу тариқа Ибн Ҳайсам оптика фанига асос солди. Ана шу қашфиётлари учун олим “Исломдаги фотография отаси” номини олди.

Ҳозирги даврда Ислом олимлари фотосуратга олиш масаласини ҳар томонлама ўрганиб, бу мавзунинг юкорида тилга олинган ҳадисларга боғлиқ эмаслигини аниқлашди. Миср муфтийларидан бири, йигирманчи асрнинг йирик олимларидан шайх Муҳаммад Бухайт фотосуратга олишга ижозат ҳақида фатво берди. Замонамизнинг яна бир улуғ олими Юсуф Қарзовий бундай ёзди: “Унинг (Муҳаммад Бухайтнинг) фикрича, фотография аслида ҳадисда келтирилган “яратиш, ижод қилиш” маҳсулни эмас, балки воқеликнинг ойнадаги тасвиридир. Худди шунинг учун Форс кўрфази араблари фотографияни “тасвир” дейишади. Демак, ойнадаги тасвир хисобланган фотография ҳайкалтарошлар ва рассомлар бажарган иш сирасига кирмайди. Муҳаммад Бухайт фатвосига жуда кўп олимлар рози бўлишди”.

Канадалик яна бир йирик Ислом олими, Торонто Ислом институти муаллими шайх Ахмад Кутти бундай дейди: “Фотография бирор воқеа ёки шахс ҳақида хотира қолдирувчи мулоқот воситасидир. Агар ҳаром хисобланган ширк аралашмаса, суратга олиш жоиз”. Унинг ёзиича, кечагина жума хутбаларида фотога олишни тўла тақиқлаган имомларнинг ўзлари бугун китоб ва газеталарда фотосуратлардан бемалол фойдаланишяпти, ўзларининг видеоёзувларини маъруза ва сухбатларда намойиш қилишяпти.

Ислом уламолари бир масаладагина яқдил фикрдалар: фотосуратга олиш кимнингдир зарарига ишлатилмаслиги, унда гунох ишлар ва бузукликлар кўрсатилмаслиги, ҳар бир кунини, ҳар бир ҳолатини тарихга муҳрашга уринаётган айrim кишилар каби бўлар-бўлмасга, эҳтиёждан ташқари суратга тушилавермаслиги зарур. Чунки бу иш ҳам истрофа киради, истроф эса динимизда қаттиқ кораланганди.

*(Интернетнинг “Ас-Салам” сайтидан).*



# САРВАРИ ОЛАМНИ нечун севамиз?



Биз, мусулмонлар суюмли Пайғамбаримиз Мұхаммад мұстафо соллаллоху алайхі ва салламни ҳаддан ортиқ яхши күрамиз. У зотни ҳәммадан ҳам күпрок севиши буюрилғанмыз. Бу Аллоҳ таолонинг мүмінларға амри! Чунки у зот бутун оламларға раҳмат ўларок юбориленгандар. Аллоҳ таоло айтади: “Биз сизни оламларға фқат раҳмат килиб юбордик” (Анбіе, 107). Мүмінлар Фаҳри конинотни (соллаллоху алайхі ва саллам) ҳәтто ўзларино якынларидан ҳам яхши күрішади. Чунки Құръони қарим шунға буюради: “Пайғамбар мүмінлар учун ўзларидан күра хаклидер. Уннинг аёллари эса уларнинг онапариді” (Ахзоб, 6). Бу зотни яна шуннинг учун яхши күрамизки, Сарвари оламда инсонлар учун гүзәл намуна бордир. Аллоҳ таоло бүндай дейди: “Сизлар учун, Аллоҳдан ва охират күнідан умздарлар учун ва Аллоҳни күп зикр күргінлар учун Расулуллоҳда гүзәл ўрнан бор эди” (Ахзоб, 21). Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломни яна ніхоятда чиройли ҳұлқ сохиби бүлгандар учун севамиз. Бунинг хабары ҳам Курхонда келган: “Албатта сиз чиройли ҳұлқ узрасиз” (Қалам, 4).

Пайғамбар алайхиссаломни ҳәммадан ортиқ күришимизнинг яна бир боиси бор. У зот бутун инсониятта пайғамбар ўларок юборилған ең охирги әлчиidlар. У зот бутун пайғамбарлардың даврида уммат қайғуси билан яшадилар, умматни ҳақ йүлға бошладилар. Ҳәтто жонлары чикаёттанды ҳам умматларини ўйладилар. Ривоят килинады, “Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва саллам ўлім онларидан Жаброил алайхиссаломдан: “Мендан сұнг умматтамнинг ахволи нима бўллади?” деб сўрадилар. Шунда Аллоҳ таоло Жаброил алайхиссаломга вахий эди: Ҳабибимга ҳуշхабар бер, уммати ичиди уни уялтиргайман. Ҳашр күнінде у кабрдан ең олдин чиқадигандардан бўллади ва Маҳшаргоҳда тўплангандарнинг саййиди килинади. То уннинг уммати кирмагунича бошқа умматларға жаннатта кириш ҳаромдир”. “Ана энди кўзим қувончга тўлди” дедилар Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва саллам” (Имом Табароний ривояти).

Шунинг учун Аллоҳ әлчиини севиши комил иймон рамзига айланди. Анас ибн Молиқдан (розияллоҳу анху) ривоят килинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва саллам: «Банде назидда мен уннинг ахлидан, молидан, одамларнинг барчасидан афзал бўлмаганимча у комил мўмін бўла олмайди», деганлар (Имом Муслим ривояти).

Зуҳра ибн Мавбудинг (розияллоҳу анху) боборлардан ривоят килинади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайхі ва саллам) бирга эдик. У зот Умар ибн Ҳаттобнинг кўлларидан тутиб турардилар. Умар: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, сиз менга ўзимдан бошқа ҳәммадан севимлисиз», деди. Шунда Расули акрам: «Сизларнинг бирор тантана изоҳи ўзидан ҳам севимли бўлмаганимча у мўмин бўлолмайди», дедилар. Ҳазрати Умар: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасамки, энди сиз менга ўзимдан ҳам севимлисиз», деди. Расулуллоҳ: «Ана энди тўғри бўлди, эй Умар», дедилар» (Имом Ахмад ривояти).

Яна Анас ибн Молиқдан (розияллоҳу анху) ривоят килинади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайхі ва саллам) «Уч хислат кимда бўлса, улар сабабли иймон ҳаловатини топади: кимга Аллоҳ ва Уннинг Расули бошқалардан кўра суюкли бўлса, ким бир бандани факат Аллоҳ учун яхши кўрса ва ким Аллоҳ уни куфрдан кутқариб олганидан кейин яна ўша куфрга кайтишини худди дўзахга ташланиши ёмон кўрганидек ёмон кўрса», деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

У зотдан кейин Набиининг кабрларини зиёрат килиш суннатта айланди. Шунинг учун дунёнинг турли бурчакларидан ҳақ ва умра ниятида Пайғамбар шахри Мадина мунавварага келишганды у зотта салом ва саловотларини етказишади. Хотибдан (розияллоҳу анху) ривоят килинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва саллам: «Ким мени вафотимдан кейин зиёрат килса, гёё ҳаётлигимда мени зиёрат килган кабидир. Ким иккى Ҳарамнинг бирида вафот этса, киёмэт куни омонда бўлғандар каторида тирилади», деганлар (Имом Байхакий ривояти).

Аллоҳнинг Элчиинин қандай ва қанчалик севишини бизга содик сахобалар, солих салафлар кўрсатиб, ўргатиб кетишиган. Анас ибн Молиқдан (розияллоҳу анху) ривоят килинади: «Собит ибн Қайс ибн Шаммос баланд овозли киши эди. «Эй иймон кептиргандар, овозингизни Пайғамбар овозидан баландлатманг...»

(Хужурот, 2) ояти тушганида у киши: «Овозини Пайғамбарга кўтарған одам менман, дўзах ахлидан бўлған ҳам менман, қылған амалим ҳабата (бекор) бўлди», деб ахли-әёли ичиди хафа-маҳзун бўлиб ўтириб қолди. Иттифоқо, шу пайтда Расулуллоҳ соллаллоху алайхі ва саллам уни ахтариб қолдилар. Одамлар унинг олдига бориб: «Сени Пайғамбар алайхиссалом қидиряптилар, сенга нима бўлди?» дейиши. Шунда у киши: «Овозини Пайғамбар овозидан кўтарған менман, у кишига дағал сўз айтган ҳам менман, амалим ҳабата бўлди, мен дўзах ахлиданман», деди. Одамлар Пайғамбар алайхиссаломга бу хабарни етказиши. Шунда у зоти бобаракот: «Йўқ, у жаннат ахлиданdir», дедилар» (Имом Ахмад ривояти).

Машхур сахобалардан Вайсуз Қараний (розияллоҳу анху) Ухуд жангиди Расулуллоҳнинг (соллаллоху алайхі ва саллам) битта тишлари сингани ҳабари келганида у зотнинг қайси тишлари синганини билолмагани учун барини ўзидан бирданига бетона килди. Барча тишларини олдириб ташлаб, Пайғамбарга яқин бўлиш завқидан шодланди.

Бани Динор қабиласидан бир аёлнинг Ухуд жангиди эри, укаси ва отаси шахид бўлди. Учта якин кишисининг вафот этганини эшигтан аёл: «Менга Расулуллоҳни кўрсанинг; у кишини бир кўрай» деди. Пайғамбарни кўрганидан кейин: «Эй Аллоҳнинг этчиси, сиз соғ-саломат экансиз, менга қолган фалокатлар арзимасдир», деди.

Ишқ базмлари сultonи Волида Султон “Мұхаббатдан Мұхаммад бўлди хосил, Мұхаммадсиз мұхаббатдан не хосил”, деб рух озигининг факат Пайғамбарга (алайхиссалом) нисбатан бўлған мұхаббат эканини гўзал бир тарзда ифодалаган эди.

Имом Молик (рахимаҳуллоҳ) дунё ишларининг ҳаммасида охирзамон Пайғамбарига (алайхиссалом) тақиид килиш ишқида яшаб ўтган эди. Бу мазҳаббоши олим Набий алайхиссаломнинг муборак қадамлари теккан Мадина мунавварарада бирор марта ҳам отда ёки тужда юрмади. Равзада имомлик килганида доним паст овозда гапирад эди. Ҳатто ўша пайтдаги халифа Абу Ҷаъфар Мансурдан ҳам Пайғамбар шахрида овозини баланд кильмасликни талаб этган эди.


“Пайғамбар ёшидан кейин менга бу тупроқ устида юриш ҳаромдир” деган буюк ишқ қаҳромуна Ҳожа Ахмад Яссавий оғлтмиш учдан кейин Набий алайхиссалом билан бир хил ҳаёт тарзини танлиди ва шу йўлда абдийлаши. У яшаган тупроклар Фаҳри конинотга мұхаббат рамзи ўларок “Ҳазрати Туркистон” деб улуғланди.

Туркий ҳукмдорлардан сulton Махмуд Фазнавий дини комиллиги, Пайғамбар алайхиссалом суннаптарига ўйғун яшагани, адолатпешалиги билан машхур эди. Уннинг бир вазири бўлиб, вазирнинг Мұхаммад исмли ўғли сultonга котиблик киларди. Бир куни Махмуд Фазнавий котибини исми билан эмас, «Эй вазирнинг ўғли!» деб чакириди. Бу ҳолдан котиб сергакланди. Бирор янгилиш иш килиб, подшохни ранжитиб кўйдими, деб ўйлади. Бўлған воқеани отасига айттиб, маслаҳат сўради. Вазир ҳам минг андишада жавоб излаб ҳукмдорга мурожаат килди. Шунда Махмуд Фазнавий: “Ташвишланмаг, эй вазир, ҳамиша ўғлиниң исмини айттиб чакирганимда таҳоратли бўлардим. Бу сафар таҳоратим йўқ эди. Шунинг учун таҳоратсиз ҳолда уни Мұхаммад, деб чакиришдан, Пайғамбаримиз муборак исмларини тилга олишдан кўрқдим”, деб жавоб килди.

Улуғларимиз, салафларимиз Сарвари оламни шунчалик каттиқ севишиган, ҳар ишда у зотта эргашибиган. Аллоҳ Элчииниң бизларнинг мұхаббатимиз нимада аён бўллади? У зотнинг номлари зикр этилганида у зотта, ахли байтлари ва содик сахобаларига саловуту саломлар йўллашишим, бутун Ислом тарихини ўзида мужассам килган сийрларини көнг ўрганишимиз, Суннаптарига иложи борича пухта амал килишимиз, у зотнинг умматларига хос ҳаёт тарзи ва ахлок коидаларига мос ҳаёт кечиришимиз, хулласи Мұхаммад (алайхиссалом) уммати деган шарафли номга муносиб иш тутишимиз керак. Шунда Фаҳри конинота чинакамига севганд бўламиш.

*Одилхон ЮНУСХОН ўғли.*

# Ҳазрати Билолнинг аzonи



*Абу Абдуллоҳ Билол ибн Рабоҳ ал-Ҳабаший (розийаллоҳу анху) Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) улуг саҳобалиридан. Маккага яқин жойда таваллуд топган, тугилишидан күл бўлган эди. Ҳўжайинининг қаттиқ қийноқ ва хўрлашларига қарамай, «Аҳад, Аҳад» (Аллоҳ бирордир) деяверган юродали ҳабаший қулни Ҳазрати Абу Бақр Сиддиқ озод қилганлар. Ҳазрати Билол Абу Бақр Сиддиқдан кейин иккинчи бўлиб иймон келтирди. Озод этилганидан сўнг бутун ҳаётини Исломга багшилади. Барча газотларда Расулуллоҳ (с.а.в.) билан ёнма-ён бўлди, у зотни ҳимоя қилди. Пайғамбаримиз бу кишига қаттиқ ишонгандаридан мусулмонлар хазинасига (Байтулмом) омборчи қилиб тайинлаганлар. Ҳазрати Билол биринчи Ислом муаззини ҳамдир. Ҳижрятнинг биринчи йилларида Пайғамбар алайҳиссалом намозхонларни бир жойга жамлаши учун илк азон айтшини Ҳазрати Билолга юқладилар ва укини Расули акрам вафотларига қадар бу вазифани ихлос билан баъсадилар. Набий вафотларидан кейин Ҳазрати Билол Шомга кетиб қолди ва умри охиригача фақирона ҳаёт кечирди. Пайғамбаримиз томонларидан жаннат мұжедаси билан шарафланган зотлардан. Ҳазрати Умар даврларида, ҳижерий 20 (милодий 642) йили Шомда вафот этди, қабри Дамашқ шаҳрида.*

\*\*\*

Ҳазрати Умарнинг (розийаллоҳу анху) бир ажойиб гапи бор: “Абу Бақр сайдидимиз ва сайдидимизни озод қилган кишидир”. Абу Бақрдай сайдид (азиз) инсон озод қилган сайдид эса Билол Ҳабаший (розийаллоҳу анху) эди. Қопкора, бўйдор ва озғин, куюқ сочли ва туксиз юзли бу киши ўзига билдирилган мақтovлардан хижолат бўлиб: «Асли мен ҳабашийман, кечагина кул эдим, Ислом мени ҳурликка олиб чиқди» дер эди. Ана шу занжи қул кучли иймони, Аллоҳ ва Унинг динига буюк муҳаббати, Пайғамбарига юксак садоқати билан Ислом тарихидан абадий жой олди. Ҳозир ҳам мусулмон ўлкаларида ёшгина болакайни тўхтатиб: «Билол ким эди, эй болам?» дейишингиз билан у бурро тида: «Билол Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) муаззинлариdir, Аллоҳга иймони кучли инсон эди», деб жавоб беради.

Билол Макка мушрикларидан Умайя ибн Халафнинг қули эди. Бир ҳовуч хурмо эвазига хўжайинининг туяларини боқарди. Агар Ислом келмаганида у бир умрга кул ҳолида бировлар хизматини қилиб, хўрликда, хорликда, зорликдан беному нишон ўлиб кетган бўларди. Аммо Аллоҳ таоло унга бошқача тақдир битган эди...

Умайя ибн Халаф ота-боболари динидан чиқиб, янги динга кирган қулини аёвсиз калтаклар, устига қизиган оғир тошларни бостириб қўяр эди. Уни бу йўлдан қайтариш учун алам ва ғазаб билан унга қайта-қайта ташланарди. Кул эса калтакларга парво қилмас, қийноқларга чидар, оғзидан «Аллоҳу Аҳад, Аҳад... Аҳад» деган сўз тушмас эди. Уни бир неча кун қийнашди, жазира маоф тиғида ушлашди, алдаб кўришди, куюқ ваъдалар беришди. Аммо хўжайн ва унинг хайбарақаллачилари ғазабини жумбушга келтириб қора қулнинг тилидан «Аҳад... Аҳад...» тушмасди.

Ана шу азобли кунларда қулни Қурайш улуғларидан Абу Бақр Сиддиқ кўриб қолди. Унинг аҳволини кўриб, Умайяга «Раббим Аллоҳ» деган кишини ўлдирасизларми?! Ундан кўра нархидан ошиғига сот-да, уни озод қил!» деб қичқирди. Бу гап чўкаётган одамга најот қайиги учрагандай бўлди. Чунки қулини хеч бўйсундира олмай, мутакаббир хожа ундан умидини узган, ниҳоятда



қийналиб кетган эди. Бунинг устига савдогар Умайяга қулни ўлдиришдан кўра яхши пулга сотиш фойдалироқ эди.

Кулни Абу Бакрга сотиши, у эса Билолни шу заҳоти озод қилди. Абу Бакр Сиддик (розийаллоҳу анху) Билолни қўлтиғидан олиб, хурлик сари етаклақ кетаётганида Умайя унга «Ол уни, Лот ва Уззога қасам, агар уни бир дирҳамга оламан деганингда ҳам сотиб юборган бўлардим», деди. Аламзада хожанинг киноясига Абу Бакр муносиб жавоб қилди: «Агар уни юз дирҳамга согтанингда ҳам тўлардим!».

\* \* \*

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у зотга эргашган мусулмонлар Ясрибга ҳижрат қилиб, у ерда ўрнашгандаридан кейин Пайғамбар алайҳиссалом беш вақт намоз учун азонни машруъ (жорий) қилдилар. Ҳар куни беш маҳал ким намозга аzon айтади? Уфқ узра кимнинг тақбир ва таҳдиллари янграйди? Ана шу баҳтга Билол лойик кўрилди. Ўн уч йил олдин «Аллоҳу Аҳад...» дегани учун таҳдид ва азоб-қийноқларга учраган Ҳазрати Билол энди севимли Парвардигори ҳамда Унинг Элчиси номини хавотирисиз қайта-қайта тақрорлай олади: «Аллоҳу акбар... Ашҳаду анна илаха иллалоҳ... Ашҳаду анна Мұхаммадар Расулуллоҳ...»

Аллоҳ таоло иймонда, Пайғамбариға садоқатда тенгсиз Билолга яна бир тухфа тайёрлаб турган эди. Мусулмонларнинг куфр ва ширкка қарши илк жангি – Бадр маъракасида Билол қилич сирмаши шарафига мұяссар бўлгани билан бир қаторда ўзини кўп азоблашиб-хўрлаган хожасидан интиқом олиш имконига эга бўлди. Умайя бу урушда катнашмоқчи ҳам эмас эди. Аммо Билол каби оқиз мусулмонларни азоблашга энг кўп гиж-гижлаган Уқба ибн Абу Муойт дўсти Умайяни ғазотга чиқишига ундаиди. Агар у маломат кильмаганида Умайя жанг майдонига яқин келмаган, аянчли ўлим топмаган бўларди. Жангда Умайя ҳам, Уқба ҳам ҳалок бўлди, Аллоҳ таоло икковининг ҳам собиқ қул Билол кўли билан ўлим топишини ирова қилди.

\* \* \*

Орадан кўп ойлар, йиллар ўтди... Ҳазрати Билол жуда кўп воеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлди. У Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муazzзам қўшинида Маккани фатҳ қилиш учун кириб борди. Макка қўлга киритилган куни Фахри коинот Билолга масжид устига чиқиб аzon айтишини буюрдилар: “Ҳақ келгани, ботил кетганидан дарак бериб аzon айт!” Муazzзам масжид узра мўминлар қалбини яратувчи, мушриклар дилига кўркув-ваҳима солувчи аzon овози янграй бошлиди: «Аллоҳ буюқдир, Аллоҳ буюқдир...» Билол намозларга аzon айтиб, ўзини зулматдан нурга, кулликдан хурлиқка чиқарган буюқ диннинг маросимларини адо этаётганидан, Аллоҳнинг Элчиси билан ёнма-ён яшаётганидан мамнун эди.

Бу орада Ислом шаъни юксалди, бошқа ўлкаларга ёйилди, мусулмонларнинг ҳам мавқе-маргабаси ортди. Ўтаётган ҳар бир кун Билолнинг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қалбларига яқинлигини шу қалар зиёда қилдики, у зот Билолни «жаннат аҳлидан бўлган

киши» деб тавсифладилар. Лекин у олдингидай камтар, сергавозеъ ҳолида қолди, ҳар гапида ўзини «кечагина қул бўлган киши» деб эслатишдан чарчамасди.

\* \* \*

Билол каби барча мусулмонларни маҳзун қилиб Пайғамбар алайҳиссалом Рафиқул-Аълого риҳлат қилдилар. Кейин мусулмонлар ишига Абу Бакр бош бўлди. Билол унинг ҳузурига бориб:

– Эй Набийнинг халифаси, энди менга ижозат беринг, Жанобим вафотларидан кейин бу шаҳарга сифмай қолдим. Мен Расулуллоҳнинг: «Мўмин амалининг афзали Аллоҳ йўлида жидду-жаҳд қилишидир» деганларини эшитганман, – деди.

– Нима истайсан, эй Билол? – сўрадилар Абу Бакр Сиддик.

– То ўлгунимча Аллоҳ йўлида юришни хоҳлайман, – деди Ҳазрати Билол.

– Унда бизга аzonни ким айтади? – сўради халифа.

Билол қўзлари жиқ ёшга тўлиб жавоб қилди:

– Мен Расулуллоҳдан кейин ҳеч кимга аzon айтмайман.

– Қолиб бизга аzon айтиб тур, эй Билол, – ўтинди халифа.

– Агар мени ўз нафсинг учун озод қилган бўлсанг, сен айтгандай бўлақолсин. Агар Аллоҳ учун озод этган бўлсанг, унда мен ва У Зот ўртасидаги ишга аралашма, – деди Билол.

– Сени Аллоҳ учун озод қилганман, эй Билол, – жавоб қилди Абу Бакр Сиддик.

Шундан кейин Билол шаҳардан чиқиб, Шом тарафга кетди. Қолган умрини Ислом сарҳадларида ўрнашиб ўтказди. Аллоҳ ва Унинг Расулига йўлиқкунинг қадар Аллоҳ ва Пайғамбарамиз яхши кўрадиган амалларда гайрат қўрсатди. Аммо унинг кучли, ўткир ва бироз ғамнок овози айтиб бошқа янграмади. Сабаби шуки, у аzon айтиларкан: «Ашҳаду анна Мұхаммадар Расулуллоҳ» жумласига келганида хотиралардан қийналиб, овози бўғилиб қолар, калима ва ибораларга қўшилиб қўзларидан ёш жаласи қуйилаверар эди.

\* \* \*

Билол ибн Рабоҳ (розийаллоҳу анху) сўнгти марта Ҳазрати Умар Шомни зиёрат қилган кунлари аzon айтди. Мусулмонлар Билолни бир мартағина намозларига аzon айтиб беришга қўндириш учун мўминлар амирини восита қилишиди. Ҳазрати Умар (розийаллоҳу анху) Билолни ёнига чорлади. Намоз вақти кирганида ундан аzon айтиб беришини илтимос қилди.

Билол мезанага кўтарилди ва аzon айтди... У аzon чақирап экан, Расулуллоҳни (алайҳиссалом) кўрган саҳобалар ўзларини тутолмай йиғлаб юборишиди. Йиғлаганда ҳам олдин ҳеч қачон кўрилмаганидай қаттиқ кўз ёши тўкишиди. Энг қаттиқ йиғлаган Ҳазрати Умар бўлди...

**Халид Мұхаммад Ҳалиднинг  
«Пайғамбар төвәрагидаги кишилар» китоби  
асосида Аҳмад Мұхаммад тайёрлади.**



# МЎГУЛАРНИНГ ИСЛОМ ЎЛКАЛАРИГА БОСКИНИ

*Мовароуннахр*



Мовароуннахрда хоразмшоҳлар давлати гуллаб-яшинаган ва курдати ўсган бир даврда Чингизхон бошчилигидаги кўчманчи мўғул ва турк қабилалари иттифоқи кучайди. У Хитойга хужум килиб, унинг анчагина ерини босиб ҳам олди.

Бу минтақадаги мўғуллар ва турклар ҳеч қандай динга эътиқод қилишмас эди. Уларнинг баъзилари ота-боболари руҳига сифиниб юришар, айримлари бутга топинар, учинчилари ҳайвонларни мукаддас санаб, уларга "ибодат" қилишар, колганлар юлдуз ва сайёralардан мадад сўрашар эди. Ҳаммалари шаман ва афсунгарларга боғланишган бўлиб, озилискина насроний, мусулмон ёки буддавий эди. Мусулмонларга қарши жанг қиласериб ҳолдан тойган салибчилар мўғуллар босқинини Ислом дунёсига йўллаб қўйишдан манфаатдор эди.

Насронийлар жангари мўғулларнинг Ислом билан шарафланиб, шу туфайли мусулмонлар қувватланишидан хавфсирашар эди. Ўша пайтда турклар билан ҳам шу ҳолат содир бўлган эди: улар Исломга кириб, мусулмонлар ўрдусини кучайтириб юборишиди ва насронийларга қарши аёвсиз жанг қилишди. Бу каби хатога йўл қўймаслик ва вайрон қилувчи улкан кучни мусулмон тамаддунини яксон қилишга йўналтириб юбориши учун мўғуллар ўлкасига миссионерлар юборилди. Улар мўғулларнинг ҳукмдор доиралари ўтрасида насронийликни фаол тарғиб қила бошлашди.

Миссионерлар таъсир ўтказиш учун кўпроқ мўғул ҳукмдорлари оила аъзоларини насронийлаштиришга зўр беришарди. Улар ҳатто мўғул ҳукмдорларига насроний динидаги аёлларни хотинликка беришар эди. Масалан, Чингизхоннинг хотини насронийликни қабул қилган татар хоними эди. Ҳукмдорнинг учинчи ўғли Угедей ҳам насроний аёлга уйланган эди. Угедейнинг ўғли Куюкхон насронийлар таъсирига тушиб қолган бўлса, унинг тогаси Чигатой Исломнинг ашаддий душмани эди. Ҳалокухон (Хулугу) ҳам насроний динидаги аёл билан турмуш курган эди. Ана шу аёл кейинчалик уни Ироқ ва Шомни ер билан яксон қилишга руҳлантириди. Ҳалокунинг ўғли Абакахон Византия императори қизига уйланган эди. Мусулмон тамаддунини йўқотишидан буддавийлар ҳам манфаатдор эдилар.

Ҳижрий 606 йили Фарғона, Шош ва Косонда хоразмшоҳ Алоуддин Мухаммаднинг мўғуллар билан илк тўқнашувлари бўлди. Кўчманчиларнинг бу ўлкага хужуми 615 йилгача давом этди. Лекин шундан кейин Чингизхон чегарадош минтақаларда икки томонлама эркин савдо қилиш худудлари ташкил этиш таклифи билан Хоразм шоҳига элчилар жўнатди. Алоуддин Мухаммад бу таклифи қабул қилди ва Мовароуннахрга мўғул савдогарлари кела бошлашди.

Лекин вилоят ҳокими савдогарлар келгани ҳақида шоҳга хабар берганида у хаммасини ўлдириш ва молларини тортиб олишини буюрди. Хоразм шоҳи юртига бостириб кирган мўғуллардан шу тарика ўч олмоқчи бўлган эди. У аслида Чингизхон билан шартномасини бузиб қўйганди. Кейинчалик, шоҳ мўғулларнинг куч-имкониятларидан вокиф бўлгач, ўз қилмишидан каттиқ

афсусланди, аммо энди кеч эди. Чингизхон унинг ўзини ва мамлакатини йўқ килиб юбориши ҳақида мактуб жўнатди. Бундан ғазабланган Алоуддин мўғул элчиларидан бирини қатл қилдирди, бошқасига Чингизга қарши уруш эълон қилгани хабарини етказишини юклиди.

Хоразм шоҳи шундан кейин Туркистонга юриш қилди ва ўша ердаги қишлоқлардан бирига хужум уюштириб, кўплаб аҳолини ўлдирди, аёлларни асир олди. Мўғуллар бу босқиндан хабар топиб, хоразмшоҳ ўрдусини кувиб етишиди. Қаттиқ жанг бўлса-да, бирор томон ғолиб бўлолмади. Бухорога қайтган Алоуддин Мухаммад құдратли душман билан тўқнашув олдида турганини англади ва ялти сафарбарлик эълон қилди.

Мўғул лашкарлари хоразмшоҳ ерларига бостириб кирди, шоҳ эса негадир ўз ўрдусини асосий жанг майдонига эмас, турли шаҳарларга жойлаштира бошлади. Мўғуллар хоразмпикларнинг таржок қўшинларини яксон килиб, шаҳарларни бирин-кетин осонгина эгаллай бошлашди. Биринчи бўлиб кўчманчилар ҳамласига Бухоро дуч келди. Уни босиб олган мўғуллар тинч аҳолига нисбатан аввалда сира кўрилмаган ваҳшийликларни қилишди, йўлларида учраган ҳамма нарсани бузиб-янчишиди. Кейин улар Самарқандга қараб юришиди, аммо шаҳар аҳолиси мўғулларга қаршилик кўрсатди. Шунда мўғуллар ҳарбий хийлага ўтишиди: улар ҳудди қочаёттандай шаҳардан узоқлашишиди, бундан руҳланган самарқандликлар шаҳар ташкарисигача чиқишиди ва олдиндан тайёрлаб қўйилган пистирмага тушиб, ҳалок бўлишди. Мўғуллар шаҳарга кириб, худди Бухородагидай ваҳшийликлар қилишди.

Самарқанд таслим бўлганидан кейин мўғулларнинг икки юз минг кишилик ўрдуси хоразмшоҳ Алоуддин Мухаммадни таъкиб қила бошлади. У Ҳазар (Қастпий) дengизидаги ороллардан бирига яширинди ва ҳижрий 620 йили ўша ерда вафот этди. Шу орада мўғуллар Мозандарон, Рай, Ҳамадонни эгаллашди, у ерлардан Озарбойжон ва Гуржистонга қараб юришиди. Кофқозортидан ўтиб, Дарбанд шаҳрига етишиди ва Кофқоз тогларини четлаб, булғорлар ўлкасигача боришиди. Аммо булғорлардан қақшатгич зарба еб, чекинишга мажбур бўлишди.

Чингизхоннинг ўзи Самарқандда қолиб, қўшиннинг бир кисмини Термиз ва Фарғонага жўнатди. Бу шаҳарларни босиб олган мўғуллар қатлиом уюштириб, кўплаб тинч аҳолини кириб ташлашди. Шундан кейин Чингизхон ўғиллари бошчилигидаги катта бир ўрдуниня Хоразмга юборди. Бошқа бир қўшин эса Балхга жўнатишиди. Аммо Балх аҳолиси жангизз таслим бўлди. Толиқонда мўғуллар каттиқ қаршиликка учраб, шаҳарни ташлаб чиқиша мажбур бўлишди. Шунда Чингизхоннинг ўзи кўмондонликни зиммасига олди ва бу қальбани эгаллади. Шундан кейин бирин-кетин Марв, Нишопур, Ҳирот, Тус ва Фазна мўғулларга таслим бўлди.

*Ойдин Ориф ўғли АЛИЗОДА,  
Озарбойжон Фанлар академияси  
шарқиунослик институти катта илмий ходими*



## Араб дунёси

Ислом дунёси тарихидаги энг ваҳшиёна босқинчилликни мӯғуллар килишган. Ибн Асир айтади: «Бу мусибат шунчалик даҳшатли эдики, бу хақда гапиришга узоқ вакт иккиланиб юрдим. Унга ўхшагани тарихда умуман бўлмаган. Одам алайҳиссалом давридан то ҳозирги қуниизгача инсоният бунакасини асло кўрмаган. Яъжуж-Маъжуж босқинини истисно қилганда эҳтимол то қиёматгача бунга ўхшаши бўлмас ҳам. Босқинчилар ҳеч кимни аяб ўтиришмасди, хомиладор аёлларнинг корнини ёриб ташлар, болаларни бачадонида ўлдиришар эди. Бу умумжаҳон миқёсидаги фожия эди» («Ал-Комил»дан).

Маглубият нималигини билмаган мӯғуллар милодий 650 йили Бағдодга киришди ва шаҳарни харобага айлантиришди. Ибн Касир ёзди: «Бағдодда кирк кун қирғинбарот бўлди, шундан кейин дунёдаги энг гўзал шаҳар ер билан яксон қилинди. У ерда талмовсираб юрган бир тўда одамни кўриши мумкин эди. Жасадлар кўчаларни шунчалик тўлдиригандики, баландлиги ҳатто томларга етган эди. Мурдалардан чиккан ҳиддан нафас олишга имкон бўлмасди. Очлик, вабо ва ўлим бутун мамлакатни чулагаб олганди».

Мӯғулларнинг голибона юришини Миср сultonни Сайфуддин Кутузина тўхтата олди. Унинг вафотидан кейин вориси Бийбарс уларга қақшатғич зарба бериди, бутун Сурияни озод қилиди. Аммо мӯғуллар ҳамон Ироқдан Эронгача бўлган улкан ҳудудда хукмонролик қилишарди. Тақдирниңг қалтис «ҳазили»ни карангки, ана шу ёввойиларга ўша пайдаги жаҳон маданияти ва ҳазорасини бошқариш насиб этди. Мусулмонларнинг ақший ва маданий салоҳиятига қаттиқ зарба берилди, улар бирор нарса қилишга оқиз эдилар. Гўё ҳамма нарсадан мосуво бўлинган бир паллада ажойиб мўъжизасини кўрсатиш учун Исломниң руҳий шавкати олдинга чиқди. Мусулмон руҳонийлар ва сарой аъёнлари мӯғул хукмдорлари орасида иш бошлаб юборишиди, колганини Ислом мафтункорлигининг ўзи уddyалади. Аллоҳ таолонинг иродаси билан мусулмонларни мағлуб қилганларнинг ўзлари Исломга таслим бўлишиди.

Ибн Касир ёзди: «Шу йили (694) таҳтда Чингизхоннинг эвараси Қозонхон ўтиради ва уни Амир Тавзун (раҳималлоҳу таоло) Исломга киритганди. У билан бирга барча мӯғуллар мусулмон бўлишиди. Сulton Исломга кираётган куни олтин, кумуш, зумрадлар садака қилинди. Сulton Махмуд исмими танлади ва жума намозига борди. Бағдод ва бошқа жойларда талаф олинган мулклар эгаларига қайтарилди ва одил судлов жорий қилинди. Одамлар мӯғуллар кўлида тасбех кўриб, Аллоҳга ҳамдлар айтишиди».

*Абул Ҳасан НАДАВИЙнинг «Мусулмонларнинг Исломдан узоқлашувидан дунё нималарни ўйқотди?» китобидан*



## Бухоро

Чингизхон ҳижрий 617 йили муҳаррам ойида Бухорога ҳужум бошлади... Барча уйлар вайрон қилинди, ҳамма сандиқлар бузилди. Китоблар йиртилиб, ҳайвонлар оёғи остига сомондек сочилиди. Муқаддас китоблар сакланган сандиқларни отларга охур сифатида ишлатдилар. Илм юлдузлари бўлган муллалар, шайхлар қуллар каби эътиборли жангчиларга хизматкор қилиб, гоҳо эса мўғул баҳшиларига масхара учун берилди. Кўпгина мўътабар қозилар эшак ва ҳаҷир бокишига мажбур қилинди...

Чингизхон хайит намози ўқиладиган мусаллода тўпланган аҳолига шундай хитоб қили: «Эй одамлар! Билингки, сизлар оғир гуноҳ қилдингиз. Бунга асосий сабабчи сизларнинг хонларингиздир. «Сен ўзинг кимсанки, биз билан бундай гаплашмоқдасан, деб сўрарсизлар? Билингки, мен Тангрининг бандасиман. Агар сизлар гуноҳкор бўлмассангиз, Тангри жазоингизни бериш учун мени юбормас эди. Энди сизнинг ер устидаги бойликларингиз ҳақида сира маълумот сўрамаймиз, аммо ерга яширганларингизни айтишингиз ва уларни топиб беришингиз керак».

*(Херман Вамбери, «Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи», Тошкент, 1999 йил).*



## НАСРОНИЙ ОЛИМИНИНГ ХОЛИСЛИГИ



Нур ва зулмат, иймон ва куфр ўртасидаги кураш бир зумга ҳам тўхтамаган. Айниқса дин душманларининг Исломга, унинг муқаддас китобларига қарши аёвсиз кураши, мана ўн беш асрки, сира пасайгани йўқ. Мусулмонлар ўз динларининг Аллоҳ инсониятга юборган энг охирги дин эканини яхши билишади. Пайғамбарлари Мухаммад алайҳиссаломнинг охирги ҳақ пағамбар эканларини ҳам билишади. Шунинг учун диларини, пағамбарларини ҳимоя қилиб, тухматчилар билан тортишиб ўтиришмайди. Шундайбўлса ҳам, Ислом ташқарисидаги айрим холис ва инсофли олимлар ғаламиликларга асосли далиллар билан жавоб беришяпти.

Яқинда шундай китоблардан бири билан танишишга тўғри келди. Миср православ насронийлар черковининг раҳбарларидан бири, Миср Шўро Кенгаши (парламенти)нинг ахборот, маданият ва сайёхлик Кўмитаси раиси доктор Набил Луқо Бобовий «Насроний Мухаммадни (алайҳиссалом) ҳимоя қиласи» деган каттагина китоб ёзди. Китоб муқовасида «Унинг номига қараб отилган ханжарларга жавобимиз» деган тагсарлавҳа ҳам қўйилган.

Муаллиф асар сўзбошисида бундай ёзади: «Ҳар қандай диннинг тарафдорлари ўз динига қаттиқ эътиқод қиласи, буни ўзгартириш жуда қийин иш. Иймон факат Аллоҳ берадиган нарса, ҳеч бир одам бошқа диндаги кишини жазолашга ҳақли эмас. Бундай ҳукуққа факат Қиёмат кунининг эгаси Аллоҳ ҳақлидир. Ҳар бир самовий дин тарафдорлари ўзга дин муқаддасотларига хурмат билан, нафрат ва мутаассибликсиз муносабатда бўлишлари лозим.

Исломга, айниқса унинг Пайғамбари Мухаммадга (алайҳиссалом) қарши шиддатли ҳужумлар муносабати билан мен, мусулмон биродарлари ичида яшаб турган мисрлик насроний сифатида “диншунос”ларнинг барча ёлғон даъволари ва айловларига жавоб қайтаришни ўзимнинг илмий ва миллий бурчим, деб билдим. Бу ёлғонлар Пайғамбар номига отилган заҳарли ханжарлардир. Имкони борича бу тухматларни аниқлаб-тўплаб, уларга батафсил жавоб қайтардим. Ўзим мусулмон эмас, насроний бўлганимдан қатъи назар, илмий тафаккур билангина қуролланиб, мутаассиблик ва нохолис хулюсаларни рад этдим». Бу гапларга кўшимча қилиш ортиқча иш бўлса керак.

Муаллиф китобида Ислом ғанимларининг Пайғамбаримизга, инсонларнинг энг комили бўлган зотга қарши бор тухмат ва иғволарни сочишгани ва сочишаётганини ишонарли далил ва мисоллар билан фош этади. У ёзишича, “диншунос”лар Аллоҳнинг элчисига “қўрқоқ, ақлсиз ва жирттаки одам эди”, “ўзи шоир бўлган”, “Куръони каримни Аллоҳ туширмаган, балки ўзи ёзган”, “шахватпараст бўлгани учун кўп уйланган, ҳатто қулининг хотинини ҳам тортиб олган” каби куракда турмайдиган, салгина фаросати бор кишининг ишониши маҳол «айб»ларни тақаш билан одамларни алдамоқчи бўлишади. Доктор Набил Бобовий китобида Пайғамбаримиз шаъниларига отилган тухмат ўқларининг ўндан зиёдини келтириб, уларнинг фирт асоссизлигини, тухматдан бошқа нарса эмаслигини илмий далиллар билан исботлаб беради.

*Китобхон*

## ИЛК МУСУЛМОН ГАЗЕТАЛАРИ



## ДАВЛАТ ДУМАСИДАГИ МУСУЛМОН УЮШМАСИ



Хозирги газеталар Оврупанинг маҳсулни. Ўн олтинчи асрда Венетсияда кенг урф бўлган янгиликларга тўла кўлёзма варакалар («газете»)ни замонавий газеталарнинг ilk аждоди дейиш мумкин. Ўша пайтда жаҳон савдоси маркази бўлган Венетсия газеталари Италия ва Оврупадаги урушлар ва сиёсий ҳёт хакида ёзишарди. Ўн еттинчи асрдан бошлаб босма газеталар бутун Оврупа бўйлаб кенг тарқалди.

Ислом дунёси биринчи марта газета билан Оврупа давлатларининг Шарқка ҳарбий, иқтиисодий ва сиёсий жиҳаддан фаол юришидан сўнг танишди. Оврупаликлардан бу янгиликни биринчи бўлиб расман Усмонли салаганат вилояти саналган Миср қабул қилди. Туркияning ўзида эса биринчи мусулмон газеталари ўн тўқизинчи асрнинг ўттизинчи йилларида пайдо бўлди. Уларда сultonнинг фармон ва фармойишларигина, шунингдек, саройдаги байрам ва маросимлар ёритилар эди. Етмишинчи йилларга келиб Истанбулнинг ўзида 81 та газета чоп этила бошлади.

Русия мусулмонлари, биринчи навбатда татарлар Яқин Шарқдаги диндошлидан анча олдин Оврупа маърифатининг ютуклири билан танишишга муваффақ бўлишди. Шунга қарамай, Русиядаги ilk мусулмон газетаси «Таржимон» 1883 йилдангина нашр этила бошлади ва йигирма йил мобайнида Русияда шундай нашрлар орасида ягона бўлиб турди. Атоқли мутафаккир ва маърифатчи Исмоил Фаспирали унинг бош мухаррири эди.

Газета узоқ вақт Русиянинг турк тилидаги ягона нашри бўлиб турди, йигирманчи аср бошларида дунёда сакланиб колган газеталарнинг энг кексаси эди. «Таржимон» ўттиз беш йил чиқиб турди ва 1918 йил 23 февралидагина ёпилиди. У ҳафтасига биринчи марта, мўъжазгина ҳажмда, озроқ нусхада босиларди. Аммо бу кичкина варакаларнинг хизмати улкан эди. «Таржимон» таъсири остида Русиянинг турли бурчакларида кўплаб янги мактаблар, хайрия муассасалари очилди, адабий фаолият бошланди.

Фаспирали моҳир сўз устаси эди, унинг соддалик, қисқалик ва равшанлик билан ажаралиб турувчи ўз услуги бор эди. У ана шу тил ёрдамида мусулмон оламини бирлаштириши орзу қиласди. Газетани Қирим, Истанбул, Тошкент, Боку, Козон ва бошка жойларда бемалол ўкишарди.

Исмоил Фаспирали ўзи чоп эттираётган газета орқали инглиз мустамлакачиларининг босқинчлилик сиёсатини қаттиқ танқид қилди. 1887 йилдан бошлаб «Таржимон»да давомли босилган «Фароғат ўлқаси» вожеий қиссасини билимдон сайёх – «Тошкентлик Мулла Аббос» тахаллуси билан чоп эттириди. Бу сайёх Парижда бўлганида «Инглизларнинг Мисрда на диний, на қариндошлик манфаати бор, улар факат бу мамлакатга босиб олиш илинжида келишган, бунга хайриҳоҳлик кўрсатиб бўлмайди», деган эди.

1905–1907 йиллардаги сайлов қонунларининг чеклангани, шунингдек, марказий ва худудий маъмурларнинг сайлов кампанияларини бошқариш жараёнига бевосита аралашуви шунга олиб келди, Русия Давлат думасининг инкилобдан одинги тарихида парламентга жами 79 мусулмон депутати, шундан 25 депутат 1-чакириқ Думасига, 37 депутат – иккинчисига, ўн депутат – учинчисига, етти депутат эса тўртинги чакириқ Думасига сайланган эди. Айрим депутатларнинг икки ва ундан кўпроқ марта сайлангани ҳисобга олинса, мамлакат мусулмон ахолисининг парламентдаги манфаатларини алоҳида уюшма (фраксия) га уюшган 67 шахс ҳимоя қилган эди.

1907 йилги сайлов қонунларининг камситувчи холатига кўра, 1897 йилги аҳоли рўйхати билан солишириганда айрим мусулмон ўлкаларининг Думадаги ваколати аҳоли сонига мос келмасди. Масалан, тўрттала чакириқ Думасида Волга-Урал минтакасидан 40 нафар, Туркистон ва Қалмикия ўлкасидан 16, Қофқоз ва Қиримдан 23 депутат сайланган эди.

Ваҳоланки, ўн тўқизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида Русия империяси таркибига мусулмонлар яшайдиган улкан худудлар: татарлар ва бошқирдлар макон тутган Волга-Урал, ўзбеклар, қозоклар, туркманлар ва тоҷиклар яшайдиган Ўрга Осиё ва Қозогистон, қирим татарлари ва кўп сонли тоғлилар ҳамда озарлар юрти Қирим ва Қофқоз кирган эди. 1897 йилги Бутунрусия аҳоли рўйхати натижаларига кўра, Бухоро ва Хива ҳонлигини ҳисобламаганда Русия империясида 13,9 миллион мусулмон яшарди. Буларнинг 3,5 миллиони Русиянинг Оврупа қисмидаги, 7 миллионга яқини Ўрга Осиёда, уч миллиондан ортиқроғи Кофқозда ва 122 минги Сибирда эди. Фоизга айлантирганда мусулмон аҳоли Оврупа қисмидаги яшайдиганларнинг 3,8 фоизини, Ўрга Осиёда 90,2 фоизини, Қофқозда 34,5 Сибирда 2,2 фоизини ташкил қиласди. Давлат Думасига депутат сайланашда ана шу омилларнинг эътиборга олинмагани Русия жамоатчилигининг норозилиги ва қаршилигига сабаб бўлди. Ўрга осиёлик мусулмонлар ваколатини Думада тиклаш талаби ўша пайтдаги мусулмонлар сиёсий платформасининг энг кўп учрайдиган бандларидан эди.

Дилора Усмонова,  
Қозон Давлат университети дотсенти,  
тарих фанлари доктори.  
(«Биринчи Бутунрусия мусулмон  
форуми материаллари тўплами»дан).



# Қуръон фасоҳати

Мақсадга ўтишдан олдин “фасоҳат” сўзи маъносини тушуниб олайлик. Бу сўз луғатда «баён қилиш, очиб бериш, аниқ изхор қилиш, кўриниш» маъноларини билдиради. Фасоҳат бехато, маъноси ғализ бўлмаган, тушунарли гап тузиш ва сўзлашдир. Фасоҳат чегараси тилнинг хатодан холи бўлишидир. Арабшунос олимлар сўз маъносининг юксак даражадаги, инсонни ожиз қолдирувчи ҳолатини “фасоҳат” деб аташади.

Агар Қуръони карим маъносини кузатсақ, унда фикрлар мусафолигини, оятлар мусиқавий оҳангини, Қуръон тили фасоҳатли, маънога бой, ташбеҳларга тўлалигини, ундаги нутқ таъсирчанлигини кўрамиз. Бундай фасоҳатли сўз араб оламида Исломгача ҳам, Исломдан кейин ҳам бўлмаган эди. Аллоҳ таоло айтади: “Агар Биз бандамизга туширган Китоб хусусида шакда бўлсангизлар, сизлар ҳам биргина шундай сура келтиринглар ва агар рост айтиётган бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга гувоҳларингиз бўлса, чакиринглар” (Бакара сураси, 23-оят).

Араб тили уч кўринища – назмий, насрый ва қуръоний бўлади. Қуръони карим тили назмийга ҳам, насрыйга ҳам таалукли эмас. Кўшиқларнинг мусиқавийлиги оҳангга, ҳижоларга, вазнга, ўлчов ва бошқаларга боғлик бўлади. Қуръоннинг мусиқавийлиги ҳижоларга таалукли эмас, у Қуръоннинг асосига жойланган, бу ички оҳангдорлиқdir. Бу ҳақда мисол келтириб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ, чунки араб тилини билмаган одам буни барибир тушунолмайди.

Қуръон оятлари “оҳанг” бир маромда келмайди. Оятлар қаҳр-газаб маъносида келса, улар оҳангни худди тошбўронга ёки металл тижирилашига ўхшаб туюлади. Мисол учун мана бу оятни олиб кўрайлик: «Биз уларнинг устига давомли наҳс (шум) кунида бир даҳшатли бўронни юбордик, (у) одамларни чириган хурмо (дараҳти) таналаридек сугуриб кетар эди» (Қамар, 19-20). Оятдаги «сор-сор» сўзи «қаттиқ шамол», «гулдираган овоз» маъноларини, «мункоир» эса «суғуриб олинган» маъноларини англатадики, бу сўзлар жарангдор, тошбўрон каби шовқин-суронли туюлади.

Табиий оғатлар, масалан буюк тўфон ҳакида сўз кетганида жумлалар қисқа-қиска, телеграф хабарларидаи узук-узук бўлади: “Эй ер, сувингни ютгил, эй само, ўзингни

тутгил”, дейилди. Сув қуриди, фармон бажарилди” (Худ, 44).

Булар гап тузишдаги, сўзларни жой-жойига қўйишдаги, жумла танлашдаги илоҳий маҳоратни, тилнинг ифодалилиги, ёрқинлигини, сўзларнинг енгил ва оҳиста янграшини, Қуръондаги оҳангдорлик такомилнинг юксак даражасига етганини исботлаб турибди.

Агар таҳлилга чукурроқ киришадиган бўлсак, фикр гўззалигини, услуб нағислигини, бетакрор сўз қурилишини, уларнинг мажозларга бойлигини ва ҳар бир сўз ўз ўрнига тушганини кўрамиз. Бирорта сўзнинг ўрнини алмаштириш ёки бошқасини қўйиш мумкин эмас. Гўё ҳар бир сўз миллионларча қалом ичидан ҳар томонлама ўйланиб, тарозига солиниб танлаб олингандай.

Биз Қуръонда тарихида асло учрамаган тилнинг ўта ноёб жозибасини кузатамиз: «Биз шамолларни (булутларга) ҳомиладор бўлган ҳолларида юбордик, осмондан сув (ёмғир) ёғдириб, сизларни у билан сугордик» (Ҳижр, 22). Авваллари бу жумлага ўзгачароқ маъно берилар эди. Яъни, шамол булутларни хайдайди, ёмғир ёғиб ерларнинг унумдорлигини оширади, деб тушунилган. Бугун бизга шу нарса маълум бўлдики, шамоллар булутларни мусбат магнит майдонидан ҳайдаб, уларни манфий магнит майдонига эга булутлар қучогига ташлар экан. Уларнинг бу тўқнашувидан чакмок ҷакиб, момақалдириқ гумбирлар ва ёмғирни чакирап экан. Бу ахир том маънодаги қўшилув эмасми? Биламизки, шамол гулларнинг эркаклик ва ургочилик уруғларини чанглатиб, асл маънода уларни унумдор қиласди-ку!

Қаршимизда турган сўз жуда ўрнига тушган, ҳам кўчма, ҳам ўз маъносида ишлатилган, илмий нуқтаи назардан ҳам – бетимсол!

Камбағаллик туфайли бока олмаслиқдан кўркиб болалардан кутилиш ҳақидаги оятлар икки кўринища келади: «Камбағаллашишдан кўркиб болаларингизни ўлдирманглар. Сизларга ҳам, уларга ҳам Биз ризқ берамиз» (Анъом, 151). «(Эй инсонлар), болаларингизни йўқчиликдан кўркиб ўлдирманглар, уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ўзимиз ризқ берамиз» (Ал-Исро, 31). Бу ердаги фарқ жўнгина эмас. Гап шундаки, биринчи оядта ҳозирги пайтда ҳеч қандай егулиги бўлмагани учун

боладан халос бўлишни, яъни тугмасликни истаётган камбагалга мурожаат бор. Шунинг учун Куръони карим аввал «сизларни ҳам ризқлантирамиз» деяпти, яъни аввал ўзингизга ризқ берамиз, кейин «уларга ҳам», яъни тугилажак болага ҳам ризқ берамиз, деяпти.

Иккинчи оятда эса ҳолат бошқачароқ. Ҳозир эрхотининг егулиги бор, аммо оила катталашса уни қандай бокишидан кўркишади. Шунинг учун Куръон биринчи бўлиб «уларга ҳам ризқ берамиз», дейди. Яъни қўрқманглар, болалар тугилса уларга ризкини берамиз, сизникини камайтирамаймиз ва «сизларга ҳам ризқ берамиз», деб қўшимча қилмоқда. Бундай меҳрибонликни инсон ёзган бирорта китобда учратмайсиз.

Куръонда айрим сўзларнинг олдинга чиқарилиши ёки орқага олинишини кўрсак, бу ҳам аниқ мақсад билан қилинганига гувоҳ бўламиз. Ўғирлик ҳақидаги ояти каримада эркак ўғри аёл ўғридан олдин келади. Эрхотинларнинг зинокорлиги ҳақидаги оятда эса биринчи бўлиб аёл номи келади. Гап шундаки, эркак – оиланинг таянчи, уни бокиши, таъминотини қилиши ва бошқариши керак, шунинг учун оятда биринчи бўлиб эр тилга олинади. Зинода эса масъулият эркакларга қараганда кўпроқ аёлларга тушади. Чунки улар ўзларининг хулкаторвлари (ноз-карашма, бехаёлик, бузуклик каби) туфайли эркакларнинг зино қилишларига сабабчи бўладилар ва шунинг учун улар оятда биринчи тилга олинадилар. «Зинокор аёл ва зинокор эркак – улардан ҳар бирини юз даррадан уринглар» (Нур, 2). «Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қилмишларига жазо бўлиши учун ... қўлларини кесинглар». (Моида, 38).

Бундай ҳолат Куръоннинг ўн олти жойида «эшитиш» сўзи «кўриш»дан аввал келганида ҳам намоён бўлади:

«... сизларга кулоқ, кўзлар ва дилларни берди» (Наҳл, 78).

«Улар Бизга келадиган кунда қандай ҳам яхши эшитадилар, қандай ҳам яхши кўрадилар» (Марям, 38).

«Чунки қулоқ, кўз, дил – буларнинг барчаси борасида (ҳар бир инсон) масъул бўлур» (Ал-Исро, 36).

Эшитиш ҳамиша кўришдан олдин келади ва биринчи бўлиб харакатга киради. Қулоқ кўзга қараганда ўткир, тезкор, мукаммал яратилган. Биз жинларни эшитамиз, аммо уларни кўрмаймиз. Она ўз фарзандларини кўплаб болалар ичидан овозига қараб топиб олади, лекин болалар ичидаги фарзандини юзидан дарров таний олмайди. Эшитиш қобилияти хатто уйкуда ҳам тиниклигича қолиб, одамга хизмат қиласи.

Техника фанлари номзоди Илҳомжон Шукуров ёзади: «Кўзни қулоқдан афзал деб ҳисобламаслик лозим. Чунки Аллоҳ таоло ўзини аввал Эшитувчи, кейин Кўрувчи, деб таърифлаган. Кўз коронгуда кўрмаса-да, қулоқ эшитаверади. Кўз фақат қараб турган томонини кўради, қулоқ эса бир пайтнинг ўзида олти тарафдаги овозни эшитаверади. Қулоқ нафақат эшитиш аъзоси, балки товушни мукаммал таҳлил қилувчи бирламчи саралаш ускунаси ҳамдир. Қулоқнинг кейинги вазифаси олдин йиғилган товушлар орасидан “таниш” товушни ажратиб олишидир».

Куръон оятларида «мол-дунё» сўзи ҳамиша «болалар»дан олдин келиши ҳам шунга ўхшайди:

«У кунда на молу давлат ва на бола-чака фойда бермас, фақат Аллоҳ ҳузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)» (Шуаро, 88-89).

«Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола-чақаларингиз

фақат бир фитна-имтиҳондир, холос» (Тағобун, 15).

«Қуфр йўлини тутган кимсаларни на моллари ва на болалари Аллоҳ томонидан бўладиган (азобдан) қутқара олмайди. Ана ўшалар жаҳаннам эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолажаклар» (Оли-Имрон, 116).

«Биз уларга бераётган мол-давлат ва болаларни ўзлари учун яхшиликларни тезлатишимиш деб ўйлайдиларми? Йўқ, улар буни сезмайдилар» (Мўминлар, 55-56).

«Бас, сизни уларнинг молу-дунёлари ва бола-чақалари кизикирмасин! Чунки Аллоҳ ўша нарсалар туфайли ҳаёти дунёда уларни азоб-укубатга солишини ва кофир холларида жонлари чиқишини истайди, холос» (Тавба, 55).

«Билингларки, бу ҳаёти дунё фақат вақтнинчалик ўйин-кулги, зеб-зийнат, ўрталарингиздаги ўзаро мактаниш ва мол-дунё ҳамда фарзандларни кўпайтиришдир, холос (Ҳадид, 20).

Бундай мисоллар жуда кўп. Бунинг сири шундаки, айрим одамлар фарзандларига қараганда мол-дунёларини кўпроқ қадрлайдилар.

Юқоридагидай сирлар гапларнинг грамматик курилишига ҳам яширган:

«Агар мўминлардан икки тоифа (бир-бирлари билан уришиб қолсалар, дарҳол (икковининг) ўргасини ўнглаб кўйинглар» (Хужурот, 9).

Оятда биринчи бўлиб «икки тоифа»га мурожаат қилинади, кейин «уришиб қолсалар» деб кўпликка ўтилади, сўнгра яна иккиликка ўтилади: «(икковининг) ўргасини ўнглаб кўйинглар». Гап шундаки, икки гуруҳ олишувга кирса, уришаётган қўллар сонига қараб кўпчиликка айланади, шунинг учун бу оятда кўплик маъносида келган. Сулҳ тузилганидан кейин ҳар икки томон ўз тарафига тарқалади ва улар яна икки гурухга айланади. Аввал иккиликка, кейин кўпчиликка, сўнгра яна иккиликка мурожаат этилишининг сабаби ҳам шунда.

Куръонда турли кўмакчи ва боғловчилардан фойдаланиш ҳам айрича аҳамиятга эга:

«Ва сиздан нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: (ўзингиздан) ортганини» (Бакара, 219).

«Сиздан рух-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Рух ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир». (Ал-Исро, 85).

«Сиздан ойлар ҳақида сўрашади. Айтинг: «У (ойлар) одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир» (Бакара, 189).

Юқоридаги оятлarda «айтинг» деган сўз иштирок этади, лекин бу сўз оятлардан бирида бошқача келган:

«Улар сиздан тоғлар (киёмат куни қандай бўлиши) ҳақида сўрайдилар. Бас, унда айтинг: «Роббим уларни мутлақо соvuриб юборажак» (Тоҳа, 105).

Бу ерда «Бас, унда айтинг» дейилган, бунинг сабаби шуки, аввалги оятларда саволлар берилмаган эди. Бу Қиёмат кунининг сирларидан бири, шунинг учун ҳам «унда» боғловчиси келган.

«Бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларининг дуосини ижобат қиласман» (Бакара, 186).

Бу оятда «айтинг» сўзи йўқ, чунки савол Аллоҳ таолонинг ўзидан чиқяпти ва ўзига жавоб қайтаришига У муносиб.

«Мен» ва «Биз» олмошларидан фойдаланишга ҳам турлича мазмун юкланганини кўрамиз. Инсоннинг яратилиши, китоб нозил қилиниши ёки уни асраш каби бир неча илохий хусусиятлар иштироқи бўлган ҳаракатлар



ҳакида сўз борганида Аллоҳ таоло «кўплиқ» маъносида гапиради:

«Албатта бу эслатмани (яъни Куръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз Ўзимиз уни сақлагувчимиз» (Хижр, 9).

«Сизларни Биз Ўзимиз яратдик-ку! Энди сизлар тасдик этмайсизларми?!» (Вокеа, 57).

«Сизлар тўқадиган маний – уруғ ҳакида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? Уни сизлар яратасизларми ёки Биз яратувчимизми?» (Вокеа, 58-59).

«Биз уларни яратдик ва аъзоларини мустахкам қилдик ва хоҳлаган вактимизда ўзларига ўхшаганларни алмаштириб қўямиз» (Инсон, 28).

Бу ердаги «Биз» олмоши инсонни яратишдаги бир неча илоҳий хусусиятнинг бирлашувини акс эттиради.

Лекин Аллоҳ билан Унинг бандаларидан бири ўртасидаги сухбат ҳакида сўз борганида Мусо алайхиссалом билан бўлгани каби «мен» олмоши келади:

«Дарҳақиқат, Мен – Аллоҳдирман! (Ҳеч қандай) илоҳ йўқ, факат Мен бордирман. Бас, сен Менгагина ибодат қил ва Мени зикр қилиш учун намозни адо эт!» (Тоҳа, 14).

Бу ерда Аллоҳ «Мен» деялти, чунки бу пайтда Аллоҳнинг Ўзи хозир бўлган.

Куръони карим тилининг бу қадар фасоҳатини сабр ҳакида икки оятда ҳам кўрамиз:

«Ўзингга етган (балоларга) сабр қил! Албатта мана шу – ишларнинг мақсадга мувофиғидир» (Лукмон, 17).

«Албатта ким (ўзига етган озор-балоларга) сабр қилса ва (Аллоҳ учун) кечириб юборса, шак-шубҳасиз бу иш – ишларнинг мақсадга мувофиғидир» (Шўро, 43).

Биринчи оятда «мана шу – ишларнинг мақсадга мувофиғи» дейилса, иккинчи оятда: «Шак-шубҳасиз, бу иш – ишларнинг мақсадга мувофиғидир», дейилган. Иккинчи оятда фикрнинг кучайтирилишига сабаб, бунда одамлар етказган озор-балоларга сабр қилиш ҳакида сўз бормоқда, бунда озор берувчига жавоб қайтаришга қодир бўлса-да, интиқом олмай Аллоҳ учун кечириб юбориб сабр қилиш ҳакиқатан кишидан катта чидам, сабр-матонат талаф этади. Биринчи оятда эса тақдир, қазои қадарга сабр қилиш ҳакида сўз боради, бунда ҳам сабр-қаноат керак, лекин юкоридаги даражада эмас.

Бу каби Куръон тилининг фасоҳати ва балогатини Иброҳим алайхиссаломнинг ўз Парвардигорини тавсифлаганида кўрамиз: «У мени ўлдирур, сўнгра (қиёмат кунида қайта) тирилтирур». (Шуаро, 81). «Унинг Ўзигина мени тўйдирур ва ташниаликни қондирур». (Шуаро, 79).

Таом ҳакида сўз кетганида Иброҳим алайхиссалом «Ўзи» деган олмошли кўшиб келтиради ва бу билан факат Аллоҳнинг Ўзи ризқ бергувчи эканини, Унинг бу мақомига ҳеч ким даъвогар бўлмаслигини таъкидлайди. Биринчи ҳолатда эса маънони кучайтириш йўқ, чунки ҳеч ким бирданига ўлдириб ва тирилтиришга даъвогарлик қилолмайди.

Куръон тилининг бундай ўзгарувчанлиги валатофатини Аллоҳ таолонинг турли одамларга қаратада мурожаатида ҳам кўрамиз. Масалан, олимлар ва жоҳилларга қаратада мурожаатда шу ҳолат мавжуд:

«Мендан кўрқингиз, эй аҳли донишлар!» (Бакара, 197).

«... У ҳолда ўтини одамлар ва тошлардан бўладиган, кофирлар учун тайёрлаб кўйилган дўзахдан кўрқинглар!» (Бакара, 24).

Бу икки оятдаги маъноларнинг фарқи шундаки, кўпгина оми, жоҳил одамлар факат дўзах оловидан кўрқишади ва Аллоҳ ҳар қандай оловлардан ҳам курдатли эканини

тушунишмайди. Олимлар бўлса буни англаб, Аллоҳнинг Ўзидан қўпроқ кўркишади: «Бандалари орасида Аллоҳдан уламоларгина кўркурлар» (Фотир, 28). Шунинг учун Аллоҳ таоло уларнинг ҳар бирига ўзларининг англаш даражасига караб турлича мурожаат килган.

Шайтон қуидаги сўзлар билан қасам ичган эди: «(Иблис) айтди: «Энди Сенинг кудратингга қасамки, албатта уларнинг ҳаммасини йўлдан оздирман» (Сод, 82). Чунки Аллоҳ таоло бенуқсон ва яратишда беками-кўст бўлгани учун ва шайтон Аллоҳга ҳеч нарса билан зарар етказа олмаслигини билгани учун ҳамда ўзининг бу ҳақда етарли билимга эга эканини билдириш ниятида у Аллоҳнинг қудрати илиа қасам ичмоқда.

«У айтди: «Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли мудом Сенинг тўғри йўлинг устида уларни (одам болаларини) кутиб ўтирурман. Сўнгра уларни олдларидан ва ортларидан, ўнгу-сўлларидан келиб (тўғри йўлдан оздирурман)» (Аъроф, 16-17). Шайтон гапида дунёнинг тўрт томонини тилга олди, лекин юкори ва пастни эсламади, чунки юкори – Аллоҳ қудрати, паст эса – бандалар итоати белгиси. Шунинг учун Аллоҳ таолонинг қудрати олдида ўзини паст тутган бандаларга шайтон йўл тополмайди.

Куръонда «кечириш» ҳакида сўз «жазолаш»дан аввал келади. Китобнинг биринчи оятидаёқ Аллоҳ «мехрибон ва раҳмли» сўзларини келтиради, кейин эса «Жазо кунининг Эгаси» дейди. У кимни хоҳласа – кечиради, кимни хоҳласа – жазолайди, бу Аллоҳнинг доимий сифатларидир.

Кечириш ҳамиша жазолашдан олдин келса-да, факат икки жойда аксинча келган. Ўгриларнинг қўлини кесиши ҳакида оятда бундай дейилади: «У Ўзи истаган кишисини азоблаб, истаган кишисини мағфират қилишини билмадингизми?» (Моида, 40). Бу ерда жазолаш мағфират қилишдан олдин келди, чунки қўлни кесиши – бу дунёда жазолаш усули, шундан кейин у дунёдаги мағфират келади. Шу мазмундаги иккинчи оят Қиёмат кунидаги ҳолатга тааллукли. Аллоҳга сифиниши тарк этиб, пайғамбарнинг ўзига сифинган насронийлар ҳакида Исо алайхиссалом Аллоҳ ҳузурида бундай дейди: «Агар уларни азобласанг, улар Сенинг ожиз бандаларинг. Агар уларни мағфират қилсанг, албатта Сен Ўзинг қудрат, хикмат эгасидирсан» (Моида, 118).

Куръон тилининг ўта нозиклиги ва фикрларнинг ниҳоятда ноёблиги яна шунда намоён бўладики, Куръонда келажакдаги воқеалар ўтган замонда тилга олинади. Қиёмат кунидаги воқеалар ҳам ўтган замонда келади: «Сур чалингач, уларнинг барчаларини тўплайдик» (Каҳф, 99). «Ўша кунда осмон ёрилади, чунки у Кунда заиф бўлиб қолади» (Ал-Хаақко, 16). «Йўлдан озган кимсаларга дўзах кўрсатиб кўйилди» (Шуаро, 91). «Улар саф тортган ҳолларида Парвардигорингизга рўбарў қилиндилар» (Каҳф, 48).

Гап шундаки, ҳозиргача бўлган, ҳозирда мавжуд ва келажакда бўладиган ҳамма нарса – Аллоҳнинг шуурида содир бўлиб ўтган. Аллоҳга ҳеч қандай сир қолмаган, У барча нарсани билувчи, хикмат эгасидир. Булар – Куръон тилининг нақадар фасоҳатга бойлиги, далилларининг ниҳоятда аниқлиги, жумла ва гаплар қурилишида, сўз танлашда катъий тартиб борлиги, истиора-ўхшатишларнинг ажойиблиги, фикрларнинг янгилиги ва тозалиги, услубнинг заргарона нозиклигини исботловчи мисолларнинг бир қисми, холос. Бундай фасоҳатни қадимий китобларда ҳам, янги китобларда ҳам тополмаймиз.

Куръон фасоҳати, унинг инсон ақли ва тафаккурини оқиз қолдириши Аллоҳнинг каломидаги жуда кўп фикр ва қашфиётларнинг ҳозирги асримизга келиб илм-фан кишилари томонидан қашф этилишида ҳам намоён бўлмоқда.

Тўғри, Куръони карим бу мавзуларга кўп тўхтамаган ва ҳаммасини батафсил баён этмаган. Чунки Куръон энг аввало иймон-этьикод китоби, ҳаёт дастури ва шариат асосидир. Агар ўшандада Куръон юкоридаги мавзуларни тўлалигича очиб кўйганида ҳали бу нарсалардан мутлақо бехабар мусулмонлар мавҳумлик билан тўқнашиб, ундаги ахборотларга тушунмаган бўлишарди. Шунинг учун Куръони карим ишоралар, алломатлар, кўрсатма ва солиштирмалар билан кифояланиб кўяқолган. Бу эса – фаннинг келажагини содда қилиб тушунтириш учун, келажакда бу улуғ Китобнинг барча башоратлари очилиб, аста-секин рўёбга чиқиши учун қилинган эди. Бу қашфиётлар юз ва минг йиллардан кейин очилиб, инсонларнинг авлодларидан-авлодларига мўъжиза сифатида, Куръони карим Аллоҳ таоло томонидан юборилгани ҳақиқати тўғрисида манту исбот-далил бўлиб қолиши учун эди: «Токи уларга (ушбу Куръон ростдан ҳам Аллоҳ томонидан нозил қилинган) Ҳақ (Китоб) экани аниқ маълум бўлгунича албатта Биз уларга атроф-офоқдаги ва ўз вужудларидағи далил-аломатларимизни кўрсатажакмиз. Ахир (уларга) Парвардигорингизнинг барча нарсага гувоҳ экани етарли эмасми?» (Фуссилат, 53). Шунинг учун Аллоҳ Ўз китобида мўъжизакор Куръоннинг ажойиб аломатларини кун-бакун очиб бориши ваъдасини берган.

Сўзимиз далили сифатида Куръони каримнинг бир неча башоратлари бугунги олимлар қашфиётлари орқали исботини топгани ҳақидаги маълумотларни айрим келтироқчимиз:

Ернинг думалоқ ёки яссилиги ҳақида қадим-қадимдан тортишувлар бўлиб келган. Муқаддас Китоб оятларида эса унинг думалоқлигига чиройли ишора бор: “У осмонлар ва Ерни ҳақ (ҳикмат) билан яратгандир. У кечани кундузининг устидан ўрап, кундузни кечанинг устидан ўрап” (Зумар, 5). Бунда Ернинг думалоқлиги ҳақида ифодали ўхшатиши қилинган, яъни “думалоқлик” сўзи ўрнига кечани кундуз устидан ўраш маъносидаги ибора келган.

Агар мазкур сўз ҳақида чукурроқ тафаккур қилинса, “тун ва кун” сўзларида Ер думалоқлигига жавоб ва исбот мужассам. Бундан Ернинг куёшдан тўсилган ва зулматга кўмилган ярмида тун бўлиши ҳамда куёшга юзланган ва ёруғ иккинчи ярмида кун бўлишидан бошқа маъно чиқмайди ва булар Ернинг думалоқлигини тасдиқлади. Агар Ер ҳақиқатан ясси бўлганида, ҳамма жойда кечакундузининг бир пайти хукмронлик қилган ҳамда бизга кун ва тун деган тушунчалар номаълумлигича колган бўларди. Агар Ер ясси бўлса, шубҳасиз битта кун чиқиши ва битта ботиши бўлади. Шу тариқа, еттинчи асрда туширилган Куръонда Ернинг думалоқлиги аниқ-равshan айтилган.

Қиёмат куни келганида эса ер юзига кун ҳам, тун ҳам биргалиқда тушади: «Ер чирой олиб, ясан-тусан қилганида ва ер ахли унинг устида кучли-кудратлимиз, деб ўйлай бошлаганида, ерга кечаси ё кундузи Бизнинг фармонимиз келиб, Биз уни гўё куни кеча обод бўлмагандек, вайронага айлантириб қўюрмиз» (Юнус сураси, 24-оят).

Аллоҳнинг Каломида инсон яратилиши ҳақидаги оятларни ўқир эканмиз, бир катор ҳақиқатлар очила бошлайди. Эркак уруғи аёл тухум ҳужайраси билан қўшилгач, бола туғилишидаги дастлабки давр бошланади. Биологияда “зигота” деб аталган якка ҳужайра ўша

захотиёқ бўлинниб кўпая бошлайди ва лахта қонга айланади.

Худди шу ерда Куръоннинг яна бир мўъжизаси ошкор бўлди. Зигота-хужайра ҳақида Аллоҳ таоло бундай дейди: “У инсонни лахта кондан яратган” (Алак, 2).

“Лахта қон” маъносида келган “алақ” сўзи арабчадан “нимагадир осилиб, ёпишиб олган нарса”, деб ҳам таржима қилинади. Франсиялик тиббиёт олими Морис Бокай яқинда “алақ” сўзи қадимий саҳройи арабларда “ловия” маъносини ҳам билдиришини қашф килди. Мўъжизани қарангки, ҳомила илк ривожланиш даврида айнан ловия кўринишида бўлади. Биргина “алақ” сўзи бир неча маъноларни англатишига қарамай, илмий тушунчаларга зид эмас.

Зиготанинг бачадондаги ривожланишининг бу кадар аниқизохланиши тасодифан эмас. Бу Куръони карим чексиз ҳикмат ва билим соҳиби Аллоҳ таолонинг инсонларга марҳамати эканини билдиради. Ундаги мўъжизалар асрлар давомида инсонларга қашф этилаверади.

Куръон каримдаги сиёsat ва ахлоқ-одоб ҳақидаги, ҳарбий стратегия ва тинчлик ҳақидаги, жамият, оила, ҳаёт ва уларнинг жамиятдаги инсон ҳукукларини белгиловчи мустаҳкам пойдеворлари ҳақидаги фикрларни олиб кўрсангиз ҳам улар ниҳоятда ажойиб, таъсирчан, ва ифодали тил билан тасвирланганини кўрасиз ва инсоният тарихида бунга ўхшашини тополмайсиз.

Ибн Арабийдан Куръоннинг инсон ақли бовар қилмайдиган сирлари ҳақидаги фикрини сўрашганида у лўндагина қилиб: «Бу – мутлоқ ҳақиқат!» деган экан.

Куръон сўзлари ўзининг мутлоқ ҳақиқати билан ҳақдир, айни пайтда энг улуг тадқиқотчи олим ҳам факат нисбий ҳақиқатга эришиши мумкин. Ҳар бир киши ҳақиқатни ўз нуктаи назари орқали қўради ва унинг барча тасаввур-тушунчалари чекланган ҳамда кунба-кун, асрмаср ўзгарувчан бўлади. Ҳар биримиз ҳаётнинг мълум бир томонининг ўрганишга кодирмиз, бошқа йўналишларни қамраб олиш ва ёритишга кучимиз етмайди. Бизларнинг бу танлаб олинган йўналишдаги эришганларимиз ҳам нисбий илм бўлади. Ҳар томонлама билимга ва ҳамма нарсани қамраб олишга ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзигина кодир. Ёлғиз Угина мутлоқ ҳақиқат ва мутлоқ илм курдатига эгадир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайхиссаломдан Куръон мазмуни ҳақида сўрашганида бундай деганлар: «Унда (Куръонда) сиздан олдин бўлган нарсаларнинг ахбори ва сиздан кейинги нарсаларнинг ҳабари ва ўрталарингиздаги нарсаларнинг ҳукми бор. У ажратувчи, ҳазл эмасдир. Ким бир жаббордан қўрқиб, уни тарқ қиласа, Аллоҳ уни синдиради. Ким Ундан бошқадан хидоят изласа, Аллоҳ уни залолатта кетказади. У – Аллоҳнинг метин арқонидир. У – ҳикматли зикрdir. У – сиротул мустакиймдир. У – унинг ила ҳавои нафслар тоймайдиган, У – унинг ила тиллар тутилмайдиган, У – уламолар Ундан тўймайдиган, У – кўп тарқалиш билан эскирмайдиган ва ажойиботлари тугамайдиган нарсадир». Пайғамбар алайхиссалом Куръони каримга шундай баҳо берганларида минг бора ҳақ эдилар.

**Аҳмад МУҲАММАД**



# Биродарлик унут бўлди...

Аллоҳ таоло бандаларини «ухувват»га, яъни бирорларига биродар, дўст бўлишга буюрган. Ухувват – Ислом биродарлиги, дин қардошлиги, кондошлиги, барча мўмин-мусулмонларнинг бир-бирларига хайриҳошлиги, дўстлиги, севгиси, шафқати, ёрдами демакдир. У бошқа бирон қавм ёки миллатга раво кўрилмаган, муносиб топилмаган улуғ бир илоҳий ҳадядир. Аллоҳнинг амри ўлароқ мусулмонларга ато этилган неъматдир. Аллоҳ таоло айтади: «Мўминлар хеч шак-шубҳасиз оға-инидирлар». (Хужурот, 10); «Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар» (Тавба, 71) «Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно килиб қўйдию, сизлар Унинг неъмати сабаб биродарларга айландингиз» (Оли-Имрон», 103).

Имом Абу Ҳомид Фаззолий «Иҳёи улумид-дин» асарида ёзишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: «Баъзи амаллар ибодат шаклида бўлмаса ҳам савоби жуда кўпдир». Масалан, намоз шаклий ибодат саналади: таҳорат олиб киблага юзланамиз, «Аллоҳу акбар» деб бошлаймиз, рукуъ, сажда қиласиз ва эвазига савобга эришамиз. Аммо мусулмон биродарлиги каби маънавий ибодат ҳам борки, у зоҳиран кадрсиздай, аҳамиятсиздай туюлса ҳам, аслида у динда муazzам бир савоб, муazzам бир ибодатдир» (Абу Ҳомид Фаззолий, «Иҳёи улумид-дин», IV жилд, «Дорул-иҳҳ», Байрут, 1986).

Асири саодат Ислом биродарлигининг, дин қардошлигининг ибрат ўлароқ ажиб бир замони эди. Ислом тарихига назар солсангиз, бу жабхада дунё ахлоқига олтин ҳарфлар ила ёзилғуси, маданиятларнинг този бўлгуси мисоллар тўлиб-тошиб ётибди. Масалан, Ухуд жангиди бир гуруҳ аскарлар Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатма ва насиҳатларини бузиб, муҳораба майдонини тарқ этишади. Бу ўзбошимчалик мусулмонларга қимматга тушади: қўллари баланд келиб тургани ҳолда мағлубият аламини тушишади, кўплаб курбонлар берилади, ҳатто Расулуллоҳ яраландилар. Агар ухувват бўлмаганида мусулмонлар хиёнаткор дўстларини маломат этишган, килмишларини юзларига солиб шарманда қилишган, ҳатто Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни жазолашни талаб этишган бўлар эди. Аммо, Аллоҳ амрларига содик қолиб, бундай қилишмади, хеч кимни айблашмади. Ҳатто айборларнинг номлари қиёматгача сир бўлиб колди.

Ёки бошқа бир воеани эсга олинг: Саҳобийлардан Қаъб ибн Молик ва шериклари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Табук юришига боришдан хеч қандай сабабсиз қолиб кетишиди. Бу катта жиноят эди. Шунинг учун Пайғамбар алайҳиссалом Қаъб ибн Молик ва яна икки кишидан каттиқ ранжийдилар. Уларнинг хукмини Аллоҳга ҳавола этиб, асхобга улар билан сўзлашмасликни буюрадилар. Қаъб ва унинг икки биродари салкам иккى ой бутун Мадина аҳлиниң таъна-маломатлари ва нафрати остида яшашга мажбур бўлади. Ниҳоят, Аллоҳ таолодан вахий нозил бўлиб, уларнинг гуноҳи кечирилгани, тавбалари

кабул бўлгани эълон этилади. Шунда уларнинг биродарлари канчалик қувонишади. Бири отлик, бири пиёда бўлган икки биродари бу мұждани Қаъбга етказишга ошиқишиади. Қаршисидан чиққанлар эса худди ўз жиноятлари авф этилгандай уни кўкракларига босишар, табассум ила табриклишар эди.

Ёхуд Асхоби суффа билан боғлиқ воқеаларни ёдга олинг: Ахли суффа – ҳовли-жойи, моли ва егулиги, ҳатто тузукроқ кийими бўлмаган саҳобийлар эди. Ҳамиша оч яшашар, тунда масжиднинг бир бурчида мизғиб олишар эди. Аммо иймонлари, дин ғами кучли эди. Битта хурмони кўпинча ўнлаб киши бўлиб ерди. Шеригимга етмай қолмасин, дея мазасини тотиб улгурмай, биродарига узатарди. Расулуллоҳ гоҳо уларнинг оч қолганидан хабар топиб, ўзига тўқрок саҳобийларга Асхоби суфгадан ўн, йигирма ёки ўттиз нафарини таомлантиришни юклардилар. Буларнинг ҳаммаси исломий биродарликнинг кўринишлари эди.

Хўжайнининг каттиқ кийноқ-азобларига жавобан факат «Аҳад, Аҳад» (Аллоҳ ягонадир) деб иймонидан кечмаган Билол Ҳабашийни Абу Бакр Сиддик томонидан сотиб олиниб, кулиқидан ва хўрлиқдан озод этилгани ҳам диний биродарлик эди.

Мадиналиқ ансорларнинг Маккалик мухожирларга кўрсатган дин қардошлиги, биродарлиги, ёрдами хеч қайси дин, миллат ёки тузумда бўлмаган эди. Расулуллоҳ асхобларининг бир-бирларидан молини, таомини, ёрдам ва маслаҳатини қизғамагани ҳам, бир-бирларига насиҳат килиб, ҳидоятга чорлагани ҳам, ҳамиша ҳамкорликка тайёрлиги ҳам дин қардошлиги эди.

Советларнингузоқийлиқистибодимусулмонларимизни ана шу илоҳий неъматдан йироклаштириб, ҳаттоқи узид юборди. Уларнинг исломий биродарлигига раҳна солди. Бир-бирларига гиж-гижлади, фитна ва нифокни урчитди. Оқибати аянчли, аламли бўлди: биродарлик ҳақидаги мезонлар бузилди, қарашлар ўзгарди, тушунчалар бошқача бўлди. Энди бир диндаги, бир ақидадаги, бир миллатнинг фарзандлари бир-бирига ғаним, ёв. Бир-бирига нафрати, ғазаби, ҳасади қайнаб-тошган. «Ким биз билан бўлмаса, у душманимиздир» деган қоида устувор. Улар юртини вайрон, динини поймол, эркини пайхон қилган асл душманларини ҳам шунчалик ёмон кўришмайди.

Бири бенамоз, бетавфиқ, фосик кимсаларнинг хурматини жойига қўядио, аммо бир мўмин биродари билиб-бilmай намозини сал бошқачароқ ўқиб кўйса, ола қараш, кора қарашни бошлайди. Ҳатто масжиддан кувиб солишига тайёр. Бошқаси атрофдаги беҳаёларча, шир яланғоч юрганлар билан иши йўқ, аммо муслим биродари масжидга бошяланг кириб қолса, энг улкан ғанимига дуч келгандай газаби қўзиди. Айримлар кувурга тикилиб колган мушукни кутқариш ҳақидаги жон-жаҳди билан қайғуради, лекин дунёнинг қайсицир бурчагида мусулмонлар қони бегуноҳ тўкилаётгани билан иши йўқ. Қаъбларимиз бир гайридинга ёки динсиз кишига ёрдам кўрсатишга, эхсон қилишга тайёрмиз, аммо ёнгинамиздаги мусулмон қўшни, мўмин

кариндошнинг ночор ахволидан «бехабар»миз. Ҳатто кўмак сўраб келса энсасимиз котади, бурнимизни жийирамиз.

Ваҳоланки, Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом бутунлай бошқача таълим берганлар. Мусулмонларнинг бир-бирларига дўст, биродар, кўмакдош бўлишлари зарурлигини бундан ўн беш аср муқаддам эълон этиб, Ислом умматини ўзаро биродарликка, кардошликка, ҳамкорликка чакирганлар. Абдулоҳ ибн Умардан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Мусулмон мусулмон кишининг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди ва биродарини душманга ҳам топшириб қўймайди. Ким биродарининг ҳожатида бўлса, Аллоҳ ҳам унинг ҳожатида бўлади. Ким мусулмондан ғам-ташвишни кетказса, Аллоҳ таоло уни қиёмат ғам-ташвишларидан холос этади. Ким мусулмоннинг (айини) беркитса, Аллоҳ таоло қиёмат кунида унинг ҳам (айини) беркитади». (Илом Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар. Мусулмон мусулмон билан ака-уқадир. Унга зулм қилмайди, ҳакир санамайди ва хўрламайди. Тақво бу ерда (деб қалбларига уч марта ишора қилдилар). Яна: «Мусулмон биродарини ҳакир санамоги унинг ёмонлигига кифоя қиласи. Ҳар бир мусулмоннинг бошқа бир мусулмон кони, моли ва обўсига тажовуз қилмоғи ҳаромдир», дедилар. (Илом Муслим ривояти).

Анасадан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича комил мўмин бўла олмайди», деганлар. (Илом Бухорий ва Муслим ривояти). Бундай мазмундаги ҳадисларни яна кўплаб келтириш мумкин. Исломий биродарлик ҳакида салафларимизнинг машҳур уламоларимизнинг сўзлари бундан ҳам кўп.

Ислом динининг талаби шундай экан, унда нега бизлар исломий биродарлик ва кардошлиқдан бунчалик узоклашиб кетганимиз? Бир-биримиз билан дўстлашиш, ака-ука тутиниш, қон-кардошлиқ ришталарини боғлаш ўрнига ғаним фитнасига учиб ёки арзимас манфаатлар учун ёвлашамиз, ўқрайишамиз. Энг даҳшатлиси, бир-биримизни жисман ёки руҳан маҳв этишгача борамиз? Ваҳоланки, Пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом: «Бир-бирларингизга биродар бўлмагунингизча мўмин бўлмайсизлар, мўмин бўлмагунингизча жаннатга кира олмайсизлар», деб таълим берганлар-ку! (Илом Муслим ривояти).

Ухувват унут бўлганининг асосий сабаби билимсизлигимиз, жоҳиллигимиз, дин душманларининг орамизга нифоқ, ихтилоф, парокандалик солиши учун тинмай уюштираётган фитна-найрангларига эътиборсизлигимиздир. Бизлар намоз ўқияпмиз, рўза тутяпмиз, Маккага бориб-келипмиз. Аммо Исломнинг асл моҳиятига кириб бормаяпмиз, динимизнинг соғ талабларини тушуна олмаяпмиз. Бир биродаримизнинг ҳаракатида сал нуқсон-камчилик кўрсак, дарров у билан гаплашишни ҳам йиғишириб қўямиз. Бизнинг фикримиздан бошқача фикрдами, зумда уни душманга чиқарамиз. Бир мўмин биродаримизнинг кичкина ҳатосидан фил ясад, дарров уни диндан чиқканликда айблай бошлаймиз. Айловларимиз шунчалик беўхшовки, рақибимизнинг шаъни, жамиятдаги обрўси, иззат-нафси, оиласиб сирларини ҳам аяб ўтирумаймиз. Умматни тўғри йўлга бошлайдиган, ихтилофларни ислоҳ қилишга вазифаланган олимларнинг ўzlари баъзан «гулханга мой қуйиб» туришади.

Баҳс-тортишувларда ҳақиқат изламай қўйилди, бунда Аллоҳ розилиги ҳам унтутилди. Нима қилиб бўлсаем, «душман томон» бир бадном этилса, ёмонга чиқарилса бўлди! «Душман томон»нинг ҳам Исломда эканининг, улар ҳам Каబага юзланиб сажда килишининг мутлақо аҳамияти йўқ! Чунки у томон биз билан бир хил фикрламайди, бизнинг йўлимиздан юрмайди, устозимизни тан олмайди, демак, улар душман, диндан қайтган, уларнинг «қони ҳалол!».

Бундан ҳам ортиқ жоҳиллик, бедодлик бўлармикин?!

Ахир салаф ва ҳалаф олимларимиз Ислом ақидасига жиддий хавф солувчи адашган оқимлар мавжуд замонда ҳам уларга бугунгичалик нафрат ва душманлик кайфиятида бўлишмаган. Масалан, И мом Шоғиъий баҳс-тортишув мажлисларига рақиблари сўзидан ўз ҳатоларини билиб олиш учун борар экан. Бизлар эса, рақибимиз ҳатосини топиш, унинг «танобини тортиб қўйиш» учун баҳслашамиз. Ҳеч ким мухолифиминг ҳам фикри тўғридир, балки мен хато ўйлаётгандирман, демайди. Илмий баҳс-тортишувлар меъёри ва одоби аллақачон унтутилб бўлган. Нафслар лаззати, ғурур иззати йўлида илмий ҳакиқатлар бир четга суриб ташланмоқда. Ваҳоланки, улуғларимиз бундай бўлишмаган, бунга ўргатиб кетишимаган.

Узокқа бориб нима киламиз. Бир неча йиллар олдин шайх Носириддин Албоний исмли машҳур бир олим яна бир атоқли олим шайх Юсуф Қаразовийнинг «Исломда ҳалол ва ҳаром» китобини ўзига хос кескин услубда қаттиқ танқид қилди. Биздақа жоҳил кишилар дарров рақибимизнинг танқидига жавобан раддиялар излаган, унинг камчиликлари топган, жамиятдаги обрўсига қарамай, шармандасини чиқарган бўлардик. Аммо Юсуф Қаразовий бундай қилмади. У: «Албонийдек таникли мухаддиснинг эътибори биз учун шараф» дея жавоб қайтарди. Шу билан масалага нукта қўйилди. Бу одоб, олимлар одоби эди. Учтўрт ҳадисни ёдлаб олиб, ҳар қандай олимни «мот қилиш»га ўзни ҷоғлаган айрим қизиккон укаларимиз учун ибрат ўлароқ одоб эди.



Расули Акрамнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларига бўйсунган ҳар бир мусулмон бошқа диндошларини дўст тутади, уларга ҳамиша ёрдамга ошиқади, хурмат-эҳтиром кўрсатади, шариат талабларига кўра муносабатда бўлади. Исломда дўстлашиш, дўст топиш ва уни мустаҳкамлашга тарғиб ва ташвиқ бор. Янги дўст ортиринг, мўминлар билан биродарлашинг, зиёфат қилиб чорланг, ҳадялар беринг, касаллигига зиёрат қилинг, мухтожлигига ёрдам кўрсатинг, деган даъватлар бор. Билингки, «Янги бир одам билан дўст бўлган мусулмоннинг даражасини Аллоҳ жаннатда бир даража юқори кўтаради», деб марҳамат этилган.

Айниқса, бугунги таҳликали асримизда, айрим хорижий ўлкаларда мусулмонларнинг эътиқоди, иззат-нафси топталаётган, хўрланаётган, иймонига тажовузлар тўхтамаётган ҳозирги даврда мусулмонлар бирдамлиги ва биродарлигининг аҳамияти, қиймати ортиб бораётир. Аллоҳ таоло бизларни, дўст-биродар бўлишга буюрган. Сарвари коинот соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўминларни яхлит бир жасадга ўхшатган эканлар. Шундай бўлгач, нега жоҳилият дарвиринг душманлик ва ёвузликларига таклид қиляпмиз? Ораларимизда низо, кўролмаслик, ғийбат, ҳакорат, адоварат каби ярамас иллатларнинг урчишига йўл қўймоқдамиз?

Ўзимизни ўнглаш вақти келди. Шахсий низолар, тарафкашликлар билан душман тегирмонига сув қўйишга барҳам бериш пайти келди. Аллоҳнинг йўлида, Унинг ризолигига эришиш ниятида бир-биримиз билан дўстлашиш, самимият илиа муомала-муносабатда бўлиш, ёрдам кўрсатиш, ҳайриҳоҳлик қилиш пайти келди. Чунки Ислом биродарлиги – дунёда нусрат, иззат, улуғлик бўлса, охиратда жаннат, фароғат, абадий неъматдир. Бир донишманд айтганидай, «Умматнинг равнақини иттифоқдан излаш керак».

Аллоҳ таоло айтади: «Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва ўз ораларингни ўнглангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳ ва унинг Пайғамбарига бўйинсунингиз!» (Анфол, 1). Ана шу илоҳий амрлардан чекиниб, Ислом биродарлигига хиёнат қилувчи кимсаларга эса Аллоҳ таоло қаттиқ жазони ваъда қиласи: «Аниқ ҳужжатлар келганидан кейин бўлининб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундейлар учун улуг азоб бордир». (Оли-Имрон, 105).

**Нурмуҳаммад ДЎСТМУҲАММАД.**



# ЖАЗАВА - ОЖИЗЛИК БЕЛГИСИ

топишмади, дейсиз. Айниқса кейинги беш юз йил мобайнида бу кураш янада шиддатли тус олди. Биргина Оврупада шу даврда Ислом ва унинг муқаддасотларига қарши ёзилган 10 минг китоб босилиб чиқди. Оврупа режиссерлари Ислом, Куръон ва Мұхаммад алайхиссаломни ёмонотлиқ килиш мавзууда 131 та фильм ишлашди. Биргина Голландиянинг икки кинорежиссери Гирт Вилдерс ва Ван Гоглар ғайриисломий фильмлари билан ўзларида шуҳратга эришган бўлса, дунё мусулмонларининг қаҳр-ғазабига учради.

Фарбнинг «маданият» арбоблари Исломга қарши жазавада усулларнинг ҳар қанакасидан ҳам парҳез қилиб ўтиришмайди. Масалан, шарқшунос Монтгемери Ватт ўз китобида: «Муқаддас Куръон хамр ва судхўрликни факат Мадинада тақиқлаган, чунки бу пайтда Маккада бўлган Пайғамбар Макка мушрикларидан кўркар эди», деб ёзади. Бошқа бир неча шарқшунос эса Куръон Аллоҳ томонида юборилган эмас, балки уни Мұхаммад (алайхиссалом) ёзган, деб даъво қиласи (бу «доно»лар Пайғамбаримизнинг ўқиши-ёзишини билмайдиган оми бўлгандаридан бехабар колишган, шекилли). Шарқшуносларнинг яна бир гурухи Ислом бутун инсониятга юборилган дин эканини шубҳа остига қўймоқчи бўлади. Бир гурух олим эса Мұхаммад (алайхиссалом) Аллоҳнинг элчиси эмас, балки ё улуғ ислоҳотчи, ё сўзамол сиёсатчи, ё даҳо бўлса керак, деб тахмин юритади. Шарқшунослардан бири мусулмонларнинг ҳозирги қолоқлигига Ислом дини айбдор, дея довдираса, бошқаси Ислом зўравонлик ва террорчиликка чақиради, деб вайсади. Исломни колоқ ва ёвуз дин, илм-фан ва маданият душмани, жаҳолат ўчони сифатида кўрсатиш Фарбда айниқса кенг авж олган.

Ислом ғанимлари айниқса Пайғамбаримиз, коинот фахри, инсонларнинг энг комили бўлган зотга қарши бор тухмат ва иғволарини сочишади. «Диншунос»лар Аллоҳнинг элчисига «қўрқоқ, ақлсиз ва жиртгаки одам эди, шоир бўлган, маст ҳолатда вафот этган» каби куракда турмайдиган, ҳатто ёш боланинг ҳам ишониши маҳол «айб»ларни тақаш билан одамларни алдамоқчи бўлишади.

Ҳозир Европа ва Америкада 220 та шарқшунослик институти ишлаб турибди, улар Исломни ўрганиш, таҳлил килиш, унинг тарихи, муқаддасотлари, ҳазораси, ақидаси ва қонунларини тадқиқ этиш билан машғул. Бундан уларнинг мақсади Исломни холис ўрганиш ёки мусулмонларга ёрдам бериш эмас, балки Исломни ёмонотлиқ килиш, мусулмонларнинг «ваҳшийликлари», фарб ҳазорасига «таҳдиди» билан ғайримуслимларни кўркитиши, мусулмонлар орасига фитна ва ғаламислик уруғларини сочиш,

Куфр олами, дин душманлари Исломга қарши жазавали хуружики ҳеч қаён, ҳатто бир соат ҳам тўхтатмаган. Исломнинг илк даврида Макка мушриклари, Рум насронийлари ва Форс мажусийлари унга қанчалик зарба беришга, музafferона юришини тўхтатишга уринишган бўлса, кейинчалик бошқа дин, тузум ва мафкуралар ҳам бу курашдан четда турмаган.

Тарихга «салиб (хоч) юришлари» номи билан кирган насроний оламининг Исломга қарши шармандали кураши бу хуружларнинг энг давомлиси ва қонлиси бўлган. 1095 йили биринчи салиб урушини бошлаган Рим папаси Урбан Иккинчи Кичик Осиё ва Шом ўлкаларини қонга ботирди. Франсия қироли Людовик Еттинчи ва Олмония ҳукмдори Конрад Учинчи биргалиқда иккинчи ва учинчи салиб юришларига бош бўлишди ва мусулмон ўлкаларни вайронага айлантириди. Тўртинчи юришини папа Иннокентий Тўртинчи бошқарди. 1217-1221 йиллардаги бешинчи салиб юришида олмон, можар, инглиз, холланд аскарлари Дамашқ ва Нилнинг куйи ҳавзасига вайроналик-кулфат олиб боришиди. Олтинчи юрища рахнамоликни олмон императури Фридрих Иккинчи зиммасига олди, кагта қўшин билан Куддусни тор-мор этиб, Дамашқкача кириб борди. Еттинчи ва саккизинчи хоч юришларини эса фаранг қироли Людовик Тўққизинчи уюштириди ва Тунисда вабога учраб ўлди. Бир гурух машхур Ислом уламоларининг икки дин мулоқоти масалалари бўйича насроний дини арбобларига юборган мактубига ёзилган жавобда ҳозирги дунё католиклари рахнамоси бўлмиш Рим папаси ўтмишда салибчиларнинг мусулмонларга килган хунрезликлари учун кечирим сўради.

Ислом тарихи давомида дин душманлари, уларга жўр бўлган олимлар ва адиллар Исломга, унинг муқаддасотларига қарши кураш олиб бориш, Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом шаъниларини булғаш учун не-не тухмат-игволарни ўйлаб



холос. Мусулмонлар динларининг бутун инсониятга юборилган сўнгти ҳақ динлиги, Пайғамбарларининг Аллоҳ таолонинг суюмли элчиси эканини билгандари ва иймон келтирганлари учун бу ғаламисларнинг тухматига жавоб бераб ҳам ёки улар билан тортишиб ҳам ўтиришмайди. Шундай бўлса-да адолат тарафида бўлган айрим Исломдан ташкаридаги холис ва инсофли олимлар тухматчиларга асосли далиллар билан жавоб қайтаришпти.

Айникса йигирма биринчи аср бошланиши билан Фарбнинг Исломга қарши кураши қаттиқ авж олиб кетди. 2001 йил 11 сентябрда АҚШнинг Ню-Йорк шаҳридаги икки баланд бинонинг қандайдир «мусулмон террорчилари» томонидан портлатилишини (аслида уни мамлакат маҳфий хизмати ташкил этгани ҳақида ҳозир бемалол ёзишяпти, бу ҳақда қўйироқда батағфисл сўз юритганимиз) баҳона қилиб, янги салиб (хоч) юриши бошлаб юборилди. Буни АҚШ президенти бутун дунёга эълон қилиб юбориб, кейин бошини чанглаб қолди.

Турли баҳоналарни рўйач қилиб жаҳоннинг ҳамма ерида мусулмонлар хўрланяпти, камситиляпти, азобланяпти. Югославия парчаланаётганида Босна-Херсек мусулмонлари серб ва хорватларнинг зўравонлиги, конхўрлигидан жаҳон ҳамжамиятига шикоят қилганида серб «маҳлук»лари Фарба мурожаат этиб: «Наҳотки, Оврўпанинг шундокқина киндиги остида ақидапараст бир мусулмон давлатининг барпо бўлишига ижозат берсангиз?» деб васваса бошлиши билан Фарб бу мусулмон-насроний урушига «бетараф» бўлиб, кўзини юмиб олди. Оқибат аянчли бўлди: Босна-Херсекда минглаб мусулмон қатлиом қилинди, қанчалаб киши бедарак йўқолди, минглаб аёл-қизнинг номуси топталди, ҳатто қарияларни ҳам аяб ўтирайдиди («Ислам. Ру» сайти маълумотлари).

Гиёхванд модда тарқатишда айбланиб, Афғонистонда халқ сайлаган хукумат ағдариб ташланиб, мамлакат НАТО қўшинлари томонидан босиб олинди ва босқин ҳали давом этмоқда (дарвоҷе, якинда «Нэншл географию» телеканали толиблар хукумати наша экишини батамом тақиқлагани холда ғарб қўшинлари кирганидан кейин гиёхванд модда ишлаб чиқариш аввалтидан бир неча баробар ортиб кетгани, Афғонистон бугунги кунда ана шу ажал дориси барча ҳажмининг 93 фоизини етказиб бераётганини ўқинч билан хабар қилди).

Ироқ хукмдори Саддам Хусайнни ялпи қиргин куроли тайёрлашда ва террорчи «Ал-Қоидә» билан ҳамкорликда айблаб, Ироққа бостириб кирилди. АҚШнинг ўзидаги икки нотижорий ташкилот якинда тадқиқот ўтказиб, ана шу урушни бошлашга баҳона қидириб, АҚШ президенти ва олий мартабали етти нафар амалдори 2001-2003 йилларда расмий баёнотлар, матбуот анжуманлари, маъруза ва кўрсатмалар бериш чоғида 953 марта ёлғон ишлатишганини исботлаб берди.

Уйда қамалиб қолган битта ит ҳақида ҳамма ёққа шов-шув соладиган Ғарб демократияси ҳам, холислик ва ҳаққонийлик даъво қиласидиган матбуоти ҳам бу фожиаларни кўриб, кўрмаганга олди, лом-мим демади. Ёки бутун-бутун халқларни ёппасига кириб йўқотиш Ғарб наздида террорчилик ҳисобланмасмикин?

Оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғи орқали, фильмлар, китоблар ёрдамида режали равищда Исломни қоралаш, бутун инсониятнинг муқаддас китоби ва охирги пайғамбари шаънига қилинаётган тухмат-бўхтонлар, Ислом анъаналарига ва мусулмонларнинг ахлоқига қарши қаратилган тинимсиз хуружлар бир дакиқа ҳам тўхтамаётir.

Ислом Аллоҳнинг ҳақ дини бўлганидан ўзини ҳимоялашга муҳтож эмаслигини ҳамма, ҳатто Ислом душманлари ҳам яхши

билишса-да, бундан унга бемалол ҳужум килиш мумкин, деган хулоса чиқаришади. Шуни ҳисобга олиб, мусулмон уммати Европа ва Америка шарқшуносларининг тухмат ва ғаразли хуружларига қарши тўсиқ бўладиган умумжаҳон исломий тузилмалар ташкил этиш ҳақида бош қотира бошлагани ҳам бежиз эмас. Бу борада Миср вақфлар вазири Маҳмуд Ҳамди Закзуқнинг ғоявий мустакиллиқдан маҳрум бўлмаслик учун бирорта ҳам араб ва мусулмон мамлакатига бўйсунмайдиган ҳалқаро Ислом тузилмаси ташкил этиш ҳақидаги таклифи эътиборга молик.

Исломнинг ғолибона юришидан жазавага тушган сиёсатдонлар ва уларнинг садакасига кўз тиккан айрим нохолис ёзувчи-журналистлар Исломни ёмонотлиқ қилиш, у билан бошқа диндагиларни ва динсизларни қўрқитиш, шу йўл билан ҳазораларни бир-бирига гиж-гижлаш, бу борада ҳар қандай ифлос усуллардан ҳазар қилмаслик бўйича ким ўзарга пойга бошлаб юборишган.

«Византия императори Мануил Иккинчи: «Пайғамбар Мұхаммад (алайхиссалом) янги олиб келган нарсани менга кўрсатинг-чи, унда ўзи тарғиб қилаётган ғояни қилич билан тарқатиш ҳақидаги талабидан иборат факат ёвузлик ва ғайриинсонийликни кўрасиз», деган эди. Орадан кўп асрлар ўтиб, 2006 йили Рим Папаси Бенедикт Ўнолтинчи императорнинг машъум сўзларини Регенсбургдаги маърузасида яна қайтарди. Тўғри, шу муносабат билан бошланиб кетган машмашалардан кейин у нутки учун бир неча бор мусулмонлардан узр сўрашга мажбур бўлди. Лекин «айтилган сўз – отилган ўқ», Папа ниятига етиб, Ислом ва охирзамон пайғамбари шаънига лой чаглаб бўлинган эди. Мақсад, дунё ҳамжамиятига «Фарбнинг душмани террорчилар эмас, балки Ислом ҳазорасининг ўзидир», деган ғояни сингдириш керак эди» («Аиғ», 2006 йил 41-сон).

Америка насронийлари уошмаси раҳбари Ваул деган насроний илохиётчisi Ислом ва унинг Пайғамбари шаънига шунақанги бўхтон ва ифво тошларини отадики, бундан хабар топган мусулмонлар ғарб сиёсатдонлари ва ахборот корчалонлари, уларга кўшилиб айрим илохиётчilar Исломга қарши ҳалқаро юриш бошлашибди-да, деган хаёлга бориши турган гап! БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кўмитасига аъзо бўлган «Энг маданиятли» мамлакатларнинг нак ўн олтигаси мусулмонлар ҳуқуқини химоя қилиш ва Исломни ёмонотлиқ қилиш йўлига тўсиқ қўйиш бўйича тайёрланган карорга қарши овоз беришгани бундай хаёлларни янада кучайтириб юборади.

Мусулмонлар бу ҳодисадан ўзларига келмай туриб, АҚШ матбуоти, радио-телевидениесида, улардан ибрат олган Оврупа матбуотида бирин-кетин Ислом динига, мусулмонларга, Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломга қарши қаратилган мақола, кўрсатув ва эшилтиришлар пайдо бўла бошлади. «Вашингтон таймс» газетасининг 2005 йил 11 апрел сонида Диана Вестнинг мусулмонлар террорчилардир, мазмунидаги тухматга тўла мақоласи босилди.

Американинг яна бир «Ю.С. Нюс энд Үорлд Рипорт» газетасининг ўша йил 15 апрел сонида очиқчасига ёзилган мана бу сатрларга дуч келасиз: «Америка Исломнинг ўзининг қиёфасини ўзгартириш учун террорчиликка қарши курашнинг кўринмас фронтига миллионлаб доллар пул сарфлайди». Газета эътирофига яна битта кичкина қўшимча қилмоқчимиз: АҚШ Чеченистондаги урушга ҳар йили икки миллиард доллардан маблағ сарфлаган, бу росмана бир мамлакатнинг бир йиллик бюджетига teng.

Юқорида тилга олинган «Вашингтон таймс» бу билан ҳам тинчимай, Пайғамбаримиз шаъниларига қилинган тухматлардан

иборат бир бузук китобни овоза (реклама) қилган. Бу китобнинг накадар қабиҳлигини ноширнинг китоб муаллифи ҳакидаги биргина жумласидан ҳам билса бўлади: « Муаллиф Роберт Спенсер террорчиликка қарши курашда зафар козониш учун Мұхаммадни (алайхиссалом) ва Исломни обрўсизлантириш накадар мухимлигини яхши тушунади».

Уммон ортидаги оғаларидан ортда қолмасликка тиришган Оврупа матбуоти Исломга лой сочишда «ўзини кўрсатди». Дания, Франсия ва бошқа айрим мамлакатларнинг матбуотида Пайғамбаримизга қарши карикатуralар пайдо бўлди ва бу бутун мусулмонларнинг нафрати ва қаҳр-газабига учради. Голландиялик бузуки кинорежиссер Тео Ван Гог ўз фильмida яланғоч хотиннинг уят жойига мусулмонлар учун мукаддас сўзни ёзиб, жазава гулханига мой қўиди ва бу ҳақсизликка чидамаган бир мусулмон кўлида ўлим топди.

Яқинда Ориана Фаллачи деган италян ёзувчинининг рустилига ўтирилган «Нафрат ва фахр» («Ярост и гордость», Москва, 2004) номли китоби кўлимга тушиб колди. У Ислом ва мусулмонлар ҳакида шунақангি гапларни, ғазаб ва нафрат тўлиб-тошган тухмат ва иғволарни келтирадики, наҳот шу бўхтонлар эслихуши, катта тажрибага эга ёзувчининг қаламидан чиқкан бўлса, дея таажжубга тушасиз: «Сизлар тушунмайсизлар, тушунишни ҳам истамайсизлар, улар (яъни мусулмонлар) учун Ғарб – Ислом босиб олиши ва қул қилиши лозим бўлган оламдир»; «Жаҳондаги кўплаб урушларнинг қаҳрамони – (Ислом деган) тоғ. Бу тоғ 1400 йилдан бўён жойидан жилмаган, ожизлик соҳидан четта чиқолмаган, эшикларини ҳазоралар кўлга киритган ютуқларга очмаган, озодлик, демократия ва тараққиёт ҳакида эшитишни ҳам истамаган. Қисқаси, кўзғолмас бир тоғ. Бу тоғ... қашшоқликка ва саводсизликка гарқ бўлган (ҳар бир мусулмон мамлакатида аҳолининг 60 фоиздан кўпроги саводсиз)... Бу тоғ пинҳона бизга ҳасад қиласи, хаёт тарзимизга ҳасад қиласи, ўзининг моддий ва ақлий қашшоқлиги учун масъулиятни бизга юклайди»; «Пиемонт Ислом жамоасининг диний раҳбари мароқашлик бир кассоб, 1989 йили сайёхлик визаси билан Туринга келиб, ўн йилча вақт ичida бешта қассобхона ва шунча масжид очишига ултурган. Шу тариқа Кавура деган назокатли шаҳарни сассиқ, ифлос ва қашшоқ маҳаллага айлантириб юборган»; «Кўплаб (ҳаддан ташқари кўп) имомлар террорчиликнинг диний раҳнамолари ҳисобланишиади, яъни аслида уларнинг ўзлари террорчилардир».

Бундай алмойи-алжойи «кашфиёт»ларни ҳали анча келтириш мумкин эдио, лекин мухтарам ўқувчимизнинг вақтини олмаслик учун шу ерда нуқта қўянимиз. Фаллачи хонимнинг ғазабнок мулоҳазаларидан хулоса чиқариш ҳам ўқувчининг ўзига ҳавола. Бу тухматларни ўқигач, дабдурустдан жаҳлингиз чиқмасин: етмишга яқинлашиб ҳам ҳалигача турмушга чиқмаган аёлнинг шаҳват уриб кетган миясидан бундан бошқа маънилироқ гап чиқмайди, шекилли!

Исломга қарши тухмат ва ғаламислик жазаваси Ғарбнинг ўзидагина жўш урса майлийди. Йигирма миллиондан ортиқ мусулмон (жами аҳолининг еттидан бир қисми) яшайдиган Россиядаги айрим ноинсоф журналист, ёзувчи ва ноширлар ҳам океан ортидаги ҳаммаслакларининг «қўшиғи»га жўр бўлиб, жамиятда хийлагина безовталик туғдиришга сабаб бўлишди.

Машҳур журналист, ОРТнинг «Времена» кўрсатуви бошловчisi Владимир Познер бу соҳада айниқса «зўр» чиқиб қолди. У Рамазон ҳайитининг биринчи куни (2004 йил 14 ноябр) миллионлаб мусулмонларни байрам билан табриклиш ўрнига

«ёмон» мусулмонлар ҳакидаги телесюжетни шархлар экан, «уларга қараб қўлимга Калашников (автомат) олгим келади», дейишидан ҳам уялмади. Бу ҳам ҳолва экан. Шу кўрсатувга таклиф қилинган яна бир ёзувчи В. Ерофеев: «Балки барча мусулмонларнинг қалласини олсак бўлармикин?» деб савол берди.

Россиядаги машҳур дин мутахассиси А. Игнатенко эса улардан ҳам илгарилаб кетди. Унинг фикрига кўра, мусулмонларнинг ҳаммаси ҳам ёмон эмасмиш, Оврупа мусулмонларининг 18 фоизи ғарб қадриялари билан уйғунашиб бўлганмиш, чунки улар масжидга қатнамас эмиш... Бундан ҳам ортиқ жириллаш бўладими?

Ёшлар газеталаридан бирининг хоним журналисти номдор ва пулдор эрқаклар билан бир кечалик ишрат килиб, кейин унинг бутун тафсилотларини газетада ёзиши билан тирикчилигини бир «чиroyli» ўтказиб юрган эди. Ёши улгайиб бозори ўтмай қолдими ё жин уриб кетдими, ҳар қалай у ҳам россияликларни Ислом билан кўркитиш, мусулмонлар шаънига бўлар-бўлмас тухмат тошлари отишга «иҳтинослашиб» олди.

Ислом ва унинг Пайғамбарини ёмонотлиқ қилиш, бу билан мусулмонларнинг газабини кўзгашиб илингизда уйқуси қочган олим ва қаламкашлар билан тортишиб ўтиրмайлик-да, яхшиси уларни ўзларидан чиқкан холис, инсофли, адолатпарвар ҳамкасларига рўпара қилиб кўяқолайлик:

Атоқли файласуф Шебол бунда ёзади: «Ҳазрати Мұхаммаднинг одам боласи бўлгани бутун инсониятга катта фахрdir. Чунки у зот уммий бўлса-да, ўн тўрт аср аввал шундай конун ва асосларни келтирдики, биз, оврупаликлар икки минг санадан кейин уларнинг қиймати ва ҳақиқатини англаб етсан, энг масъуд, энг саодатли насллар бўламиз».

Франсиялик таниқли олимлардан Ла Мартиннинг мана бундай сўзлари бор: «Агар кишининг буюклиги унинг қилган ишларига, қозонган зафарларига, имконияти оз бўлса-да кўп иш килганига қараб баҳоланадиган бўлса, Мұхаммад (алайхиссалом) инсонларнинг энг булогидир. Мұхаммад (алайхиссалом) бир пайтинг ўзида пайғамбар, нотик, даъвагчи, қонуншунос, жангчи, қалблар химоячиси, гоялар тарғиботчиси, имом, давлат арбоби, ер юзининг йигирма минтақасида исломий салтанат қура олган зот эди... Унга хеч қандай инсон тенглаша олмайди! Наҳотки у ўлчовларга сиғса?!»

Таниқли шарқшунос Вилям Муирнинг қуйидаги фикрлари ҳам эътиборга молик: «Ҳазрати Мұхаммад (алайхиссалом) ҳакида гапирғанларимиз бир нуқта устида тўпланади. У ҳам бўлса унинг хулқ-атвори олийлиги, ахлоқининг покизалигидир. Булар шундай улуғ фазилатларки, у замоннинг маккаликлари орасида жуда нодир эди».

Франсия Коммунистик партияси котиби Роже Гароди бундай ёзади: «Мұхаммад пайғамбар ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлмаган ҳолда Форс ва Византия каби қудратли салтанатларни ягона Парвардигор низоми билан яшашга даъват этгандилар».

Олмон шоири Гётенинг мана бундай дегани ҳаммасида ўтиб тушади: «Мен дунё тарихини ўқиб бир хулосага келдим: дунё подшоҳлари тўплаган жамики салтанату бойлик, қасрлару саройлар Мұхаммаднинг (алайхиссалом) ямоқ яктакларига ҳам арзимас экан»

# ТАРИХДАГИ “ҮЙИН” ЛАР



## МУЛЛА НИҚОБИ ОСТИДА

1833 иили Оренбург ҳарбий губернатори В. А. Перовскийнинг топшириғи билан Оренбургдаги Неплюев ҳарбий билим юртида араб, форс, татар тиллари муаллими бўлиб ишлаётган Петр Иванович Демезон Бухорога юборилди. Бу одам асли италиялик бўлиб, Сардинияда туғилган эди. У Русияга кандок келиб қолгани номалум бўлса-да, кейинчалик у рус фуқаролигини кабул қилган. Унинг Бухорога тўтўп ойлиқ сафаридан мақсад «Ўрта Осиё вилоятларида содир бўлаётган хамма нарсалар ҳақида ишончила ва батағсил маълумотлар тўплаш» эди. Бу борада Петербургдаги чор ҳукуматининг Афғонистон ва Хиндистон орқали келаётган инглиз молларининг Ўрта Осиё бозорларида ракобатбардорлиги кучаяётганидан, умуман чет эл агентурасининг бу ердаги фаоллиги ортаётганидан ташвишга тушаётгани ҳам ана шу сафарга турткни бўлгани аниқ эди.

Демезон Бухорога татар мулласи Мирза Жаъфар номи остида бухоролик тожир Ниёз Мұхаммаднинг савдо карвони билан жўнатилди. Бухороликлар асосан суннитлар бўлгани учун суннит мулла Жаъфар никобидаги Демезонга барча масжид ва мадрасаларнинг эшиги ланг очиб қўйилди ва бу шаҳарнинг барча таникли кишилари билан танишиш ва Бухоро муллалари билан илмий мунозара олиб бориш имконини берди.

(Б. Лунин, «История Узбекистана в источниках», Ташкент, 1990 г.).

**Бизнинг изоҳ:** ҳозиргача никоби ва номини ўзгартирган, аммо мақсадлари эскича қолган яна қанчалаб демезонларнинг иркит қадами табаррук ерларимизни топтишидан тўхтагани йўқ, Леонид Орловский тадқиқотларидан маълум бўлшичча, Россияда

## АСОСИЙ МАҚСАД БОШҚА

Штабс-капитан Александр Осипович Корниловичнинг Россия императорига мактубидан: «Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларига ҳам кириб бориш қулав бўлиши учун Каспий денгизининг шарқий соҳилидан Хивага йўл очиш лозим бўлади. Жаноби олийларига маълумки, адашмасам, подшоҳ Петр Биринчи 1720 йилдаёқ бу ишга экспедитсия жўнганди. Бу юриш унинг раҳбари гвардия капитани Бековичнинг эҳтиётсизлиги ва туркманларга ҳаддан ташқари ишониб юборгани учун барбод бўлди. Уни тугаллашга кейинчалик императорнинг ўлими халал берди. Бу иш император Екатерина Иккинчи томонидан ҳам ўйланди, аммо хеч қандай харакат бўлмади. Ниҳоят, генерал Ермолов бундан олти йил муқаддам хукуматга Хива хони Мухаммад Раҳимнинг ўшандаги Муравъённи хибсга олганини рўйкаш килиб Хивани эгаллаш ҳақидаги таклифини айтганида подшохимиз ўзларига хос сулҳарварликка содик қолиб ва Британия хукуматининг Ост-Хинддаги мулклари соҳасида шубҳа туғдирмаслик учун бу таклифга рози бўлмадилар.

Савдо ишлари бўйича хусусий корхона тузиш бундай юришга баҳона бўлиши мумкин. Асосий мақсад эса Ўрта Осиё ўлкаларидағи аҳвол, кучлар, ўзаро муносабатлар, ишлаб чиқариш, айниқса савдо имкониятлари ҳақидаги энг аниқ маълумотларни тўплаш бўлади»

(А. О. Корнилович, «Сочинения и письма», Москва-Ленинград, 1957 г.).

**Бизнинг изоҳ:** русларда «Текин пишилоқ қопқондагина бўлади», ўзбекларда эса «Бир балоси бўлмаса шудгорда куйруқ на қилур» деган халиқ мақоллари бор.

## БЕВАФО БОЙЛИКЛАР

«Худоёрхон (Кўкон хони) хижрий 1292 иили шошилинч ҳолда ўттизта казақдан иборат рус отряди химоясида Тошкентта кетишига маҳбур бўлди... Кўкон шаҳридан Худоёрхон хотин, бола-чакаларини олиб, хизматкорлари билан олтин, кумуш, лаъл, жавохирлар тўла сандикларни ортиб, Хўжанд орқали чиқиб кетди. Шаҳардан саккиз чакирим юригача, хон ҳамроҳларига дам беради. Шунда унинг 1000 пиёда, 2000 сипохи, 68 замбараги бор эди. Танаффусдан сўнг йўлга чиқилганида қанотида 500 сипохи қолган, бошқалари эса хонни ташлаб кетганди. Кейинроқ сандиқдаги бойликлар ҳам иззиз йўқолди»

(«Таснифи Фариб» кўлдэзма китоби, шахсий кутубхона).

\*\*\*

Бухоро амири хазинасида у таҳтдан кетиши олдидан куйидаги бойликлар бўлган: 1 миллион 148 минг 380 дона Бухоро тилласи, 4 миллион 365 минг дона рус тилласи, 17 тонна 728 кило ёмби ҳолатидаги Гамбург тилласи, 45 тонна 494 кило Гамбург ёмби кумуши, 22 тоннадан зиёд рус кумуш танглари ва жами 34 номдаги бошқа қимматбахо буюмлар рўйхатга олинган. Уларнинг умумий қиймати 73 миллион 252 минг сўмдан ошган. Бунга амир ва унинг оиласига тегиши 3 миллион 300 минг сўмлиқдан ортиқ қимматбахо тақинчоклар ва инжу-марваридлар кирмаган (Бу пулларнинг қанчалигини билиш учун солиштириб қўринг: ўша пайтда бир пуд (16 кило) ун – 95 тийин, бир пуд писта – 35 тийин, шунча бодом – 70 тийин, бир бош семиз кўй 2 сўм бўлган). Ана шунча бойликтарни тақдирни ҳанузгача маълум эмас


(Х. Узоков, С. Холбоев, «Бухоро амирининг олтинлари», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1991 йил).

\*\*\*

«Ўзбеклар иши»ни ташкил этиб амалга оширган Т. Х. Гдлян ва Н. В. Иванов каби терговчилар юкори мартабали шахслар ва уларнинг оила аъзоларидан тортиб олган, мусодара килган бойликлар 40 миллион сўмлиқдан ошик эди. Бундан ташқари бошқа терговчилар ва ҳуқук органлари томонидан мусодара қилинган пул ва бойликлар 100 миллион сўмга етган эди. Ана шу миллион-миллион пуллар, олтин, заргарлик буюмлари, қимматбахо магнитафон, соат каби буюмлар, заём облигатияларининг бари Москвага олиб кетилди ёки нопок терговчилар томонидан гумдан килиниб, ўзлаштирилди (Изоҳ: тўқсонинчи йиллар бошида ВАЗ-2106 маркали «Жигули» автомобили 8 минг сўм турарди)

(В. Илюхин, «Қабоҳат ёхуд...», Тошкент, 1993 йил).

**Бизнинг изоҳ:** катта пул-бойлик хеч қачон вафо қилмаслигини билса ҳам одам боласи уни ийгиб-босаверар экан-да!



# МУШТУМЗЎРНИНГ ДАСТИДАН ДОД!

*(Соли сўтакнинг дийдиёлари)*

Ҳай, санга гапнинг пўскалласини айтадиган бўлсам, маҳалламидан бир муштумзўр зўравон чиқиб қолган. Отини ҳам ҳеч ким билмайди, шунинг учун уни осонгина Муштумзўр деяверай. Ўзи асли ношудгина, кўрқоқцина, иши ҳам унча юришмаган, менга ўхшаган сўтак бир одам эди. Қонида сал муттаҳамлик, аперислик бор эканми, бирданига кучайиб, бўйни йўғонлашиб кетди. Энг олдин маҳалладаги ҳамма одамнинг пулини йифиб олди. “Менда яхши сақланиб туради, зарур бўлганида бераман, сизлар йўқотиб ё ишлатиб қўясизлар” деб лақиллатиб, бор пулларимизни “даранг-дурунг” қилиб очиладиган темир сандигига босди. Норкўзибойнинг пачка-пачка бели букилмаган, қарс-курс қиладиган червонларию Мўминжон отанинг нафақага олган “ёғли” пуллари ҳам бир кечада Муштумзўрнинг темир сандигида фойиб бўлди.


Кейин маҳалладаги одамларни “дўст-душман”га ажратса бошлади. Ўзига ўхшаган дasti дароз, “керилма ғоз” одамларни ёнига олиб, омади юришмаган, қўли қисқароқ ёки ҳаёти ночорроқ одамларни четлатиб ташлади. Муштумзўрнинг ялтоқи шотирлари нима деса – ҳақиқат, бошқаларнинг гапи “адолатсизлик, маҳалла тартибларини бузиш, белгиланган тамойилларга хиёнат” саналади. Энди қаерда тўй-маҳрака бўлса, ана шу саноқли одамгина таклиф қилинади. Маҳалладошлар пули устидан дамланган ёғли паловларни еб, устидан газли шарбатларни ичиб, “гар-гар” кекириб, тишларини ҳафсала билан кавлаб чиқишиди. Пулларини сўнгги тийинигача Муштумзўрга топшириб қўйган “тили қисик” ночорлар бу кўргиликларга “ғиринг” дия олишмайди. Деб ҳам кўришсин-чи! Муштумзўрнинг шериклари бир зумда барини маҳаллада “яккамохов” қилиб қўяди.

Ҳай, бу ҳақсизликларга ҳам чидаб, зўравонларга Худодан инсоф тилаб юрувдик. Аммо ҳангомаларнинг зўри кейин чиқди.

Ҳамманинг бор пулини қўлга киритиб, маҳалладошларини роса қўрқитиб олган Муштумзўр бошлиқ зўрлар яна бир юзсизлик қилишди. “Мушукнинг кўнгли қийма тилабди” дегандай, энди бутун маҳаллага якка хўжайндай одамлар хонадонидаги ички икирчикирларга ҳам бемалол аралашаверадиган бўлиб олишди. Маҳаллада тўлақонли ҳукмдор бўлиш учун беш-олти “гапга юрадиган” оқсоқоллардан ўзларича бир ҳайҳат – Бошқариладиган Маҳалла Ташкилоти тузишди. Уйида сал ғиshawa чиқсан одамнинг оёғини ерга теккизмай, идорага судраб чиқишиди: “Хўш, нега хотинингнинг айттанини қилмаяпсан, тўшакка таклиф қилса, “касалман” деб бош тортибсан?” Шўрлик минг тавба-тазарру билан кечирим сўраб, бир амаллаб улар дағдағасидан кутулади. Эртасига иккинчи бир одамнинг гирибонидан олишади: “Сенга кўччанинг чап четидан юришни буюрудик, нега ўнг томонга ўтиб олдинг?” Буниси: “Машиналар тўзитган чангни шамол чап томонга учириб келганидан қочувдим”, деб аранг гап топади. Яна бирини “Нега боланг наша чекаман деса, пул бермай қийнайсан?” дия адабини беришса, бошқасини “Хотинга феодалларча муносабат даври ўтиб кетган, энди этаги тиззадан юқорида туришига, “кўксига шамол тегиши”га чидайсан!” деб дўйуришади.

Хулласи, улар дастидан ё қочиб, ё кўз очиб бўлмай қолди. Хонадонларда ахлоқ, тартиб, удум, итоат деган нарсаларнинг “уйи куйди”, оиласи тотувлик анқонинг уруғига айланди. Эр ва хотин бир-бири билан ит-мушук... Болалар оталарига ғаним... Фарзандларига сўзини ўтказа олмай отанинг боши қотган. Оила катталари насиҳат қилай, тарбия берай деса, болалар дарров идорага чопишиди: “уйимиздаadolat бузиляпти, отамиз (ё онамиз) бизни таҳқиб қилияпти!”.

“Ҳай, бу кунлар ҳам ўтар-кетар, кампирнинг куйган ери битар” деб ўзимизни овутиб,



ёнган юракларни совутиб юрувдик. Бир куни де, ишнинг янам “йўгони” чиқиб қолди. Раҳматли бобомларнинг “Киройи кофир шавед, губернатур шавед” деган гаплари бўлар эди. Шуни ҳам тушунмайсанми? “Кофир бўлдингми, энди ҳеч йўқ губернатурликни эгалла” дегани. Муштумзўр бошлигидаги муттаҳамларнинг иштаҳаси ана шунақа ҳаккалак отиб кетди: “Зўрмизми, энди бутун маҳаллага зўрлигимизни бир кўрсатиб қўйалик” деб, ўзига тўқроқларнинг хонадонига “Қоч!” юриши бошлашди. Қани энди қочмай кўрчи! Бунга сабаб-баҳоналар ҳам осонгина топила қолди: “Хусайн мўйлов уйига бомба яшириб қўйибди, эртага у бехос портлаб кетса, бутун маҳалланинг қули қўкка совурилади-ку!” Гулдургулдур, ваҳшат-ҳайбат билан пичок-болталарини ўйнатиб Мўйловниги кириб келишди. Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб, бомба тугул, ҳатто унинг суратини ҳам топишолмади. Аммо бундан асло хижолат бўлишмади. Ҳатоларини яшириш учун Мўйловга сохта айб (“нега мўйловни катта қўйгансан?”) тақаб, ўласи қилиб роса калтаклашди. Кейин уйидагиларни кўчага ҳайдаб чикиб, бор мол-мулкларини эса ташиб чикиб кетишиди.

Орадан бир ҳафтача ўтиб, талаба ўғиллари билан тор ҳовлисида тинчгина яшаб юрган Усмон чўлоққа навбат келди. “Сан ҳовлингга қизилча экибсан, нима, қизилларга хайриҳоҳмисан?” деб уйига ўт тортиб юборишиди. Талаба ўғиллари аранг қочиб жон асрости. Усмон чўлоқнинг куни битган шекилли, зўравонлар ўлигини ярим тунда бекитиқча кўмиб келишди.

Энди ман санга айтсам, буларга ҳам бир амаллаб, тишимизни тишимизга босиб чираб юрувдик. Ишлар бундан ҳам расво бўлиб кеттида, ахир! Бугунга келиб зўравонлар янги “ўйин” бошлаган. “Анқовлар қиши” деган пўписа остида хонадонларда минг йиллардан буён ҳукм суриб келаётган, ҳеч кимга зарари тегмаган, ҳамма кўнишиб бўлган тартиб-қоидаларни ўзгартирамиз, деб туриб олишиди. Нима учун бунақа қарорга келишди, дейсанми? Э, менданам сўтак, овсар экансан-ку! Каллани ишлат оғайни, манави хомкаллангга сал “заряд”дан юбор. Ҳамманинг пули чўнтақда, “тиринг” дегани гирибонидан олишга куч етади. Қўлни қаёққа узатса, етиб турибди. Олдинлари мушугини “пишт” дейишга қодирлар ҳам ҳозир зўравонлар билан тиклашишга юраги бетламай, жон олдириб қўйган.

Маҳалланинг ҳамма тан олган энг зўравони, ягона хўжайини бўлиш учун эса вахима-қўрқитишини янам кучайтириш, одамларга

ўзининг кимлигини яна бир карра билдириб қўйиш керакми?. “Анқовлар қиши” деган вахимали найранг худди шунинг учун ўйлаб топилди. Бир-икки довдир маҳалладош: “Ўғлимни ўйлатмоқчи эдим, шунга пулимдан бироз бериб турсангиз” ёки “Ҳадеб бизга дўқ ураверманг, биз ҳам тагли-тугли одамлармиз, насл-насабимиз нақ Худоёрхонга бориб тақалади-я”, дейишга журҳат қилгандай бўлувди. Муштумзўр шотирларини ёнига олиб, уларнинг таҳзирини беришга астойдил енг шимарди. Бирининг оиласида шунақанги жанжал-тўпалон чиқардики, бечора шикоятчи бошқа маҳаллага кўчиб кетиб аранг жон саклади. Иккинчисининг хонадонида шунақа бир фитна бошлаб юборишиди-ки, айтишларича, ҳозир оила бошлиғи рўзгорининг бутун жиловини болаларига топшириб, ўзи чойхонада ту nab юрганмиш. Учинчи хонадонда ҳам уруш-жанжал тинмай қолди.

Аммо осонгина адабини берамиз деб ўйлашганига қарамай, маҳалланинг Тарвуз кўчасидаги Маъмур қассобга кучлари етмай, ишлари битмай қолди. Уйидагиларни оила бошлиғига қарши қайраб қўришди, аммо бундан ҳеч бир иш чиқмади. Ҳовлисини тошбўрон қилишди, шунда ҳам Маъмур қассоб ён беришни ўйламади. “Энди пулларингни музлатамиз, ундан сариқ чақани ҳам ололмайсан!” деб пўписа ҳам қилиб қўришди, Кўсанинг парвосига келмади. Ота ва унинг жангари ўғлини маҳалла судига тортмоқчи бўлишди, лекин бу ҳам фойда бермади. Кўса занғарнинг юраги тошдан ясалганми, Муштумзўр ва унинг «гвардияси» қилаётган зўравонликлар кўсага чивин чаққанчалик таҳсир қилмасди. Энди Муштумзўр ва унинг шотирлари Маҳмур кўсани маҳалладан бутунлай бадарға қилишнинг қандайдир янги режаларини тузатганди...

Мана шунақа гаплар, оғайничалиш! Бу муштумзўрларнинг дастидан маҳаллада тинчгина, ўз билганингча яшаб бўлмай қолди. Барча ишингга бурнини сукади улар. Ҳамма нарсангга, ҳатто қандай нафас олиб, қандай чиқаришинггача аралашади. Устидан бирор кишига арз қилай десанг, “Қонунни чиқарувчи ҳам, ижро қилувчи ҳам, хоҳлаган томонимизга бурувчи ҳам ўзимиз, додингни Худога айт”, деб пўписа қиласди. Ҳақиқатан додимизни Худога айтишдан бошқа йўл қолмади шекилли, нима дейсан, оғайни?!

*Соли сўтакнинг чаққон котиби  
Шолтой БОЛТОЕВ.*



# Рамазон ойида бўлган муҳим воеалар

**Рамазоннинг биринчи куни:** -Ҳазрати Иброҳимга (алайҳиссалом) саҳифалар туширилди; милодий 624 йили 26 февралда (ҳижерий 2 йил) мусулмонлар илк бор рамазон рӯзасини тута бошлиши; милодий 641 йили 13 августда (ҳижерий 20 йил) Миср фатҳ этилди.

**Рамазоннинг иккинчи куни:** -ҳижерий 82 йили Рамазон ойининг иккинчи куни Магрибул-Асват (Мароккаш) давлати фатҳ этилди; милодий 750 йил 13 апрелда (ҳижерий 132 йил) Абдуллоҳ Абул Аббос Дамашкини эгаллади, умавийлар хукмронлиги тугатилиб, аббосийлар давлати қурилди.

**Рамазоннинг учинчи куни:** -милодий 632 йил 21 ноябрда (ҳижерий 11 йил) Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) қизлари Фотимиа-Захро (розийаллоҳу анҳо) вафот этиди.

**Рамазоннинг тўртинчи куни:** -милодий 1664 йил 12 апрелда (ҳижерий 1074 йил 4-Рамазон) Усмонийлар давлати ерига руҳсатсиз қалъа қурган Олмонияга қарши муҳораба бошланди.

**Рамазоннинг бешинчи куни:** -милодий 1268 йил 9 ноябрда мусулмонлар 170 йил салибчилар қўл остида бўлган Антокия шаҳрини қайтариб олишиди.

**Рамазоннинг олтинчи куни:** -милодий 1138 йил 17 майда (ҳижерий 532 йил) мусулмонлар Шимолий Суриянинг Ҳалаб шаҳрида илк бор салибчилар устидан галаба қозонишиди.

**Рамазоннинг еттинчи куни:** -милодий 971 йил 22 майда (ҳижерий 361 йил 7-Рамазон) Мисрнинг Қоҳира шаҳрида Ислом оламидаги энг ўшик ўқув даргоҳларидан “Ал-Азҳар” жомеъига асос солинди.

**Рамазоннинг саккизинчи куни:** -милодий 630 йил 18 декабрда (ҳижерий 9 йил) Табук шаҳрига юриши бошланди.

**Рамазоннинг тўққизинчи куни:** -милодий 712 йил 18 июнда (ҳижерий 93 йил) Андалусия фатҳи бошланди.

**Рамазоннинг ўнинчи куни:** -милодий 620 йили Рамазоннинг 10-куни мўминлар онаси Хадича Кубро вафот этдилар.

**Рамазоннинг ўн биринчи куни:** -милодий 477 йил 25 майда (ҳижерий 129 йил) Хурсонда умавийларга қарши ҳаракат бошланди.

**Рамазоннинг ўн иккинчи куни:** -милодий 879 йил 7 майда (ҳижерий 265 йил) Қоҳирадаги машҳур Ибн Тулун жомеъ масжиди куриб битказилди.

**Рамазоннинг ўн учинчи куни:** -милодий 636 йил 18 октябрда (ҳижерий 15 йил) Умар ибн Хаттоб Қудус шаҳрига кириб бордишлар ва шаҳар ахолисига омонлик аҳдномасини ёзиб бердилар.

**Рамазоннинг ўн тўртинчи куни:** -милодий 1347 йил 18 декабрда (ҳижерий 748 йил) илм-маърифатга катта ҳисса кўшган Миср хукмдори Ҳасан ибн Носир Муҳаммад Қаловун хукмронлиги бошланди.

**Рамазоннинг ўн бешинчи куни:** -милодий 625 йил 1 марта (ҳижерий 3 йил) Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) севимли набиралари Имом Ҳусайн тугилди.

**Рамазоннинг ўн еттинчи куни:** -милодий 660 йил 24 январда (ҳижерий 40 йил) Ҳулафои рошидиннинг тўртинчиси Ҳазрати Али (каррамаллоҳу важҳаҳу) ҳамда 676 йил 12 июлда (ҳижерий 56 йил) мўминлар онаси Ҳазрати Оша (розийаллоҳу анҳо) вафот этишиди.

**Рамазоннинг ўн саккизинчи куни:** -милодий 642 йил 20 августда (ҳижерий 21 йил) “Сайфуллоҳ” лақабини олган ва умрини Ислом равнақига багишлаган Ҳолид ибн Валид (розийаллоҳу анҳу) вафот этиди.

**Рамазоннинг йигирма иккинчи куни:** -милодий 630 йил 12 январда (ҳижерий 8 йил) Тоиф шаҳри мусулмонлар қўлига ўтди.

**Рамазоннинг йигирма учинчи куни:** -милодий 652 йил (ҳижерий 31 йил) сосонийлар давлати тўла фатҳ этилди.

**Рамазоннинг йигирма бешинчи куни:** -милодий 1070 йили (ҳижерий 463 йил) Салжуқийлар сultonи Алӣ Арслон қўшини Малазирт яқинида Византия империяси ва салибчиларини тор-мор этди.

**Рамазоннинг йигирма олтинчи куни:** -милодий 1401 йил 16 марта (ҳижрӣ 808 йил) машҳур қомусий олим ва тарихчи Абдурраҳмон ибн Ҳалдун вафот этиди.

**Рамазоннинг йигирма саккизинчи куни:** илодий 631 йил 1 январда (ҳижерий 9 йил) Тоифдаги Сақиф қабиласи Расулуллоҳ (алайҳиссалом) хузурларида Исломни қабул қилди.

**Рамазоннинг йигирма тўққизинчи куни:** -милодий 624 йил 24 марта (ҳижерий 2 йил) мусулмонларга Ислом арконларидан закот, фитр садакаси, ҳайит намози буюрилди.

**Рамазоннинг ўттизинчи куни:** -милодий 869 йил 31 августда (ҳижерий 256 йил) буюк муҳаддис, “Саҳиҳул Бухорий” муаллифи Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий вафот этиди.

Чуст шаҳридаги “Саид Насимхонтура”  
жомеъ масжиди имом-хатиби  
Баҳодир ШАРИПОВ тайёрлади.



## Исломда воқеълик


Исломнинг умумий хусусиятларидан бири воқеъликдир. “Воқеълик” деганда биз коинот, ҳаёт ва инсон воқеъликларини назарда тутяпмиз. Ислом ўзининг фикрий кўрсатмаларида, ахлоқий таълимотларида ва қонуний ташриотларида ушбу воқеъликларни унутган эмас, доим уларни ҳисобга олган. Чунки инсонга қонун чиқарган, уни йўналтирган ва таълимот берган Зот коинотни, ҳаётни ва инсонни яратган Аллоҳдир. Яратилмишга нима тўгри келади, нима бузади, нима уни фаришталар даражасига олиб чиқадио, нима ҳайвон мақомига туширади фақат У билади: “(Ахир) яратган Зот (Ўзи йўқдан бор қиласан нарсаларни) билмасмиди?! У меҳрибон ва (ҳар нарсадан) хабардор Зотдир” (Мулк, 14).

Инсоний фалсафа, йўл ва мафкуралар эса бирор дастур ёки қонун ишлаб чиқаётгандаридан муаяйн замон ва макондаги воқеълиқдан таъсирланадилар. Улар инсоннинг кеча ва эртага бўладиган воқеълигини ҳозирги воқеълигига тўлиқ қамраб ололмаганлик сабабидан шундай ҳолга тушадилар. Шу сабабли улар ишлаб чиқсан низомларда воқеълик билан келишолмайдиган кўплаб ваҳималар ва хаёлий тахминларга йўл қўйилади. Мисолни яқин ўтмишда қулаган коммунистик тузумдан келтиришимиз мумкин. Уларнинг мафкураси барча одамлар ўртасида иқтисодий тенгликни барпо қилиш асосига қурилган эди. Бу фалсафа “кучи етганича бериб, эҳтиёжига қараб олиш” гоясини олдинга сурарди. “Иқтисодий тенглик” фалсафаси хаёлий, воқеъликка таянмаган тушунча бўлгани учун у асосий мақсадини амалга ошириш у ёқда турсин, бу йўлда эркини йўқотган халқлар устига бало бўлиб ийқилди.


Бундай ҳолатни Аллоҳ маҳдуд босқич ва муайян қавмга, махсус муаммолар муолажаси учун юборган динлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, насронийлик моддага муккасидан кетган ва ҳакиқий дин рухиятидан узоқ бўлган яхудийлар намоён этган хос бир ҳолатнинг мувакқат муолажаси учун келган диндир. Шу сабабли насронийлик моддиятга ғарқ бўлиш иллатини руҳониятга ғарқ бўлиш муқобили билан муолажа этди. Моддият балчиғига ботганларни мисолийлик (идеаллик) осмонига кўтармоқчи бўлди. Совуқни совуқ кесади, кескинлик кўпинча кескинлик билан даволанади. Лекин бу маҳдуд, вақтинча муолажа бўлиб, ҳеч қачон доимийлик ва шомиллик касб этмаган. Асл самовий дин бўлган масиҳийликнинг ҳар замон ва маконга татбиқ этиш мумкин бўлмаган мисолий таълимотлар соҳиби эканининг сири мана шудир.

Энди Исломга келсак, у бутун инсониятга юборилган Аллоҳнинг боқий қалималариридир. У оқса ҳам, қорага ҳам шомил, абадий Аллоҳнинг ҳидояти ва барча оламларга раҳматидир. Шундан Ислом инсон қаерда, қачон ва қандай ҳолатда бўлмасин, унинг ҳолига мувофиқ таълимотларни ўз ичига олди ва ақида, ибодат, ахлоқ ва ташриотларида воқеъликларга риоя қилди.

*Мубашишир АҲМАД тайёрлади.*



# Бир куни Ҳазрат Али...



## ОГИЗ ВА ҚАЛБ

Ривоят қилиншишича, ҳазрати Али бир дарахт соясида дам олиб ўтирган эди. Ёнига бир факир киши келиб, ўз ҳолидан шикоят қиласди. Ҳазрати Али ердан бир сиқим қум олиб унга дуо ўқийди ва қумни факирга узатади. Факир қумнинг олтинига айланниб қолганини кўриб хурсанд бўлади ва Ҳазрати Алига ёлвора бошлиайди:

- Эй мўминлар амири, Парвардигор ризоси учун менга ҳам шу дуони ўргатинг.

Ҳазрати Али ўзи ўқиган дуо Фотиха сураси эканини айтади. Факир ҳам ердан бир сиқим тупроқ олиб, айни сурани ўқийди, аммо қумда ҳеч қандай ўзгарши бўлмайди. Ўҳазрати Алидан:

- Бунинг сири нимада? - деб сўрайди.

Шунда ҳазрати Али:

- Иккимиз ҳам бир сурани ўқидик, демак, фарқ оғиз ва қалбларимизда, - дейди.

## НЕГА ЎЛДИРМАДИНГ?

Ҳазрати Али рақиби билан узоқ урушиб, ниҳоят уни ерга йиқитди ва ўлдирмоқчи бўлди. Шунда душман аскари ҳазрати Алиниг юзларига тупуриб юборди. У киши эса бу воқеадан кейин душманни озод қилиб юбордилар. Ўринларидан туриб, унга:

- Бор, кетавер, сени ўлдиришидан воз кечдим, - дедилар.

Душман аскари бу ҳолдан ҳайрон бўлиб сўради:

- Мени ўлдиришишингга бир баҳя қолганди, нимага бундай қилмадинг?

Ҳазрат Али бундай жавоб берди:

- Мен сенга қарии Алоҳ ўйлида ва фақат Унинг розилигига эришиши учун жсанг қилаётган эдим. Сен юзимга тупурганингда эса жаҳшим чиқди. Ага шу аснода сени ўлдирсам, сенга қарии адоватим тифайли ўлдирган бўлардим. Бунда сени Алоҳ ўйлида эмас, ўз нафсим учун ўлдирган бўламан. Шу сабабли сени қўйиб юбордим.

Бу сўзларни эшишган рақиб адолат ва нозик фаҳм-фаросат қаршиисида иймон келтириб, мусулмон бўлди.

## МЕҲМОН КЕЛМАДИ...

Бир куни Ҳазрати Алиниг йиглаб ўтирганини кўришиди. Бунинг сабабини сўрашганидау: «Еттиқундирки, уйимгабирорта меҳмон келмади. Аллоҳ даргоҳида ҳурматим қолмадими, деб кўрқяпман», деб жавоб қилди.

## БИР ЯХШИЛИККА ЎН ЯХШИЛИК

Пайгамбар алайҳиссаломнинг қизлари ҳазрати Фотима бир куни касал бўлиб қолди. Негадир қўнгли анор тусади. Буни эри - ҳазрати Алига айтди. Ҳазрати Али бозорга чиқиб, бир дона анор сотиб олдилар. Чунки пуллари фақат биттагина анорга етди.

Бозордан қайтаётсалар, йўлда тиланчи учраб, қўлларидағи анорни сўради. Иймон ва ҳаёлари қўймай, анорни иккига бўлиб, ярмини гадога бердилар. Тиланчи хурсанд бўлди. Уйга келиб, ҳазрати Али анорнинг ярмини аёлларига бердилар ва узр сўрадилар. Ҳазрати Фотима узрни қабул қилиб:

- Аллоҳ сиздан рози бўлсин, ажр-мукофот бересин, - деди.

Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмаган ҳам эдики, эшик тақиљаб қолди. Ҳазрати Али очиб қарасалар, эшик олдида Салмон Форсий турибдилар. Қўлларидағи идишида тўққиз дона анор.

- Бу анорларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бериб юбордилар, - дедилар Салмон.

- Бўлиши мумкин эмас, агар Расулуллоҳ бериб юборганиларида ўн дона бўлиши керак эди. Чунки Аллоҳ бир яхшиликка ўн яхшилик берилади, деган.

Шунда Салмон Форсий ҷўнтақларидан ўнинчи анорни чиқариб:

- Баракот учун олиб қолган эдим, - дедилар.



## *Американи нималар күтпөти?*

2 август куни Америка Күшма Штатлари ўзиии сиигаи (банкрот) деб эълон қилиши ва бутун дунёни иқгисодий бўхрон чохига судраб кетиши мумкин.

Худди шу куии АҚШ Конгресси давлат қарзининг энг юқори даражасини кўтариш (акс ҳолда Америка бундан ортиқ қарз ололмайди) масаласини овозга қўймоқчи. Агар энг юқори даража кўтарилиб, Вашингтон афтидан дефолт (қарзларни тўлашдан воз кечиш) эълон қиласиданга ўхшайди. Чунки ҳозирги қарзларини тўлаш учун янгидан қарз олишига тўғри келади.

АҚШнинг ҳозирги қарзи 14,218 триллион АҚШ долларига етди. Мамлакат президенти Барак Обама эса бу миқдорни яна 2,4 триллион долларга кўпайтиришни таклиф этяпти. Президент Америка халқини ва сиёсатдонларни дефолтнинг даҳшатли оқибатлари ва агар у содир бўлса 27 миллионли американалик нафақахўларга пул тўлай олмай қолиши билан кўркитмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи ҳақиқатан ташвишли: АҚШ бюджетидаги камомад 1,6 триллион долларга етди. Буни ёпиш учун пул босиши дастгоҳлари тинимсиз ишлаб турибди. Агар Обама хукумати қарз олмаса, ўз мажбуриятларини коплашга пулсиз қолади.

Шу муносабат билан Россия Бош вазири Владимир Путин бундай деди: «АҚШ ўзи нима қилмоқчи? Оддийгина безорилик бу! Пул босадиган дастгоҳларини тўхтовсиз ишлатиб, пулинини бутун дунёга сочяпти ва ўзининг зарур ишларини бажарип оляпти».

## *Оила кушандалари*

Россияликларнинг ярмидан ортиѓи, аникроѓи 52 фоизи эр хотиннинг бир бирига хиёнатини оилани энг кўп барбод қилувчи омил, деб ҳисоблайди.

Бутунrossия жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази ўтказган кенг қамровли тадқиқотлар натижаси шундай хулоса чиқаришга асос бўлди. Оила кушандаларининг қора рўйхатида бундан кейинги ўринларни ичкиликбозликка рўжу кўйиш (45 фоиз), гиёхвандликка муккадан кетиш (39 фоиз), зўравонларча куч ишлатиш (38 фоиз), ҳаддан ортиқ рашқ қилиш (25 фоиз), хасислик (22 фоиз), ўз жонига қасд қилиш билан кўркитиш (19 фоиз) ва пул етишмовчилиги (7 фоиз) каби омиллар туради.

Шуниси қизиқки, сўров натижасида россияликлар оила ҳаётининг энг муҳим жиҳатларини эътиборга лойиқ бўлмаган «кўшимча» омиллар санаши маълум бўлди. Масалан, жинсий ҳаётни сўровда қатнашганларнинг атиги 10 фоизигина оилани барбод қилувчи омиллар қаторига қўшади. Сўралганларнинг 9 фоизи турмуш ўртоғининг яқинларига ёмон муомала қилишни, 7 фоизигина эр ёки хотиннинг фарзанд кўрмаслигини шу рўйхатга киритган. Булардан кўриниб турибдики, узоқ йиллар дин-диёнатдан узокда қолган россияликларнинг оила ҳақидаги тушунча ва ўлчовлари анча бузилиб кетган.

*(Хориж матбуюти ва Интернет  
материаллари асосида тайёрланди).*



## ЗАРАРЛИ НАРСА ФОЙДА БЕРАРМИДИ?

1833 йили Оренбург ҳарбий губернатори В. А. Перовскийнинг топшириғи билан Оренбургдаги Неплюев ҳарбий билим юртида араб, форс, татар тиллари муаллими бўлиб ишлаётган Петр Иванович Демезон Бухорога юборилди. Бу одам асли италиялик бўлиб, Сардинияда туғилган эди. У Русияга қандоқ келиб қолгани номаълум бўлса-да, кейинчалик у рус фуқаролигини қабул килган. Унинг Бухорога тўрт ойлик сафаридан мақсад «Ўрта Осиё вилоятларида содир бўлаётган ҳамма нарсалар ҳақида ишончли ва батафсил маълумотлар тўплаш» эди. Бу борада Петербургдаги чор хукуматининг Афғонистон ва Хиндистон орқали келаётган инглиз молларининг Ўрта Осиё бозорларида рақобатбардорлиги кучаяётганидан, умуман чет эл агентурасининг бу ердаги фаоллиги ортаётганидан ташвишга тушаётгани ҳам ана шу сафарга туртки бўлгани аниқ эди.

Демезон Бухорога татар мулласи Мирза Жаъфар номи остида бухоролик тожир Ниёз Мухаммаднинг савдо карвони билан жўнатилди. Бухороликлар асосан суннийлар бўлгани учун сунний мулла Жаъфар ниқобидаги Демезонга барча масжид ва мадрасаларнинг эшиги ланг очиб қўйилди ва бу шаҳарнинг барча таникли кишилари билан танишиш ва Бухоро муллалари билан илмий мунозара олиб бориш имконини берди.

(Б. Лунин, «История Узбекистана в источниках», Ташкент, 1990 г.).

Бизнинг изоҳ: ҳозиргача ниқоби ва номини ўзгартирган, аммо мақсадлари эскича қолган яна қанчалаб демезонларнинг ирkit қадами табаррук ерларимизни топташдан тўхтагани йўқ.

Ҳозирги пайтда бутун дунё ичқилик балосига мубтало бўлган. Базм-давраларда, тўй-гаштакларда қўлларидаги шароб тўла қадаҳни бир-бирларининг

соғлиғи учун кўтараётганлар ёнгин ичига кириб салқинламоқчи бўлган кимсаларга ўхшамайдими?

Ўрта асрларнинг улуғ тасаввуф олими Зуннун Мисрий: «Маст одамни даволаётган табибдан жоҳилроқ инсонни кўрмадим. Ахир у маст-ку, унинг мастилигига даво битта: кўзини очиб тавба қилиш», деган. Шароб ишишибозларига вальз-насиҳат кор қилмай қўйгани учун, яхшиси уларга тушунарлироқ илмий далилларни келтира қолайлик:

2007 йилда Буюк Британия хукумати жуда ташвишли маълумотларни эълон қилди. Унда айтилишича, алкохолли (спиртли) ичимликлардан кўриладиган зарар йилига 20 миллиард фунт-стерлингдан ошар экан. Ичкилик сабаб бўладиган карахтлик ва турли касалликлар натижасида бир йилда 17 миллион иш куни йўқотилиб, иш берувчилар салкам 6,5 миллиард фунт-стерлинг зарар кўришади. Мамлакат солиқ тўловчиларининг 1,7 миллиард фунт-стерлинг маблағи йилига ана шу бемаъни ишга сарф бўлиб кетади.

Одамлар ароқ ва вино кабиларнинг соғлиқ учун қанчалик ҳавфли эканидан хабардор қилинган. Соғлиқни сақлаш хизмати маълумотларига кўра, мастилик натижасида Англияда йилига 1 миллион 200 минг зўрлаш ҳодисаси содир бўлади. Касалхонага тушган ҳар ўн кишидан бири ичқилик туфайли азият чекади. Дам олиш кунлари, ярим кеча, тонгга яқин бу кўрсаткич еттитадан ўнтагача кўпаяди. 1 миллион 300 минг мактаб ўқувчиси майхўр ота-оналаридан зулм кўради.

Буюк Британияда ичқиликбозлик йилига 22 минг кишининг ўлимига, 150 минг кишининг хасталиқдан ёки кўнгилсиз воқеадан касалхонага тушишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ҳар иили 1 миллион 200 мингтacha



зўрлаш, номусга тажовуз қилиш ҳолатлари қайд қилинади. Сиёсатчилар, бу соҳанинг мутахассислари бу ҳолатга қарши киритган таклиф алкоголли ичимликлар билан савдо қилувчи савдо шохобчалари иш вақтини узайтириш, уларнинг кун бўйи очик туришини таъминлашдан иборат бўлди.

Америкалик тадқиқотчи олим доктор Эдвард Хилл спиртли ичимликларнинг асаб тўқималарига, бош мия фаолиятига заарли таъсири шу кунгача эълон қилинган маълумотлардан аслида икки баравар ортиқ эканини аниклади. Унинг фикрича, ичувчи ёшларда миянинг бошқарув фаолияти сустлашиб, эслаб қолиш ва фикр юритиш қобилияти ичмайдиган ёшларга нисбатан 10-20 фоиз заиф бўлади. Америкалик майхўрларнинг аксарияти ичишин 12 ёшидан бошлайди. Кузатишлар уларнинг дарс ўзлаштириш қобилияти тенгдошларига нисбатан жуда паст эканини кўрсатди. Доктор Эдвард Хиллнинг айтишича, ичкилик сабабидан пайдо бўлган руҳий хасталиклар туғайли Ғарбда ўз жонига қасд қилишлар тобора кўпаймоқда.

Ичкиликнинг ҳаромлигини бугунги кунда илм-фан ҳам исбот этмоқда. Франсуз шифокори Дэмме 28 йил мобайнода ўнта оилани кузатган. Бу оилаларда ота ҳам, она ҳам ичкиликка мубтало бўлгандардан эди. Мазкур хонадонларда дунёга келган 57 та боладан 25 таси ёшига етмасданоқ нобуд бўлган. 17 таси руҳий жиҳатдан хаста бўлган, 5 нафарининг бош миясида сув үйифилган, фақат ўнтасигина рисоладагидай ўсган.

Машхур доктор Алфина Деброҳ ҳаёт ва ароқ ҳақидаги мулоҳазаларида бундай ёзади: «Спиртли ичимликларни кўп истеъмол қиласидиган миллатларда ўлим кўпайиб, туғилиш камайиб кетади. Ароқнинг мудхиш оқибати миллат фаолиятини сусайтиради, жиноятларни авж олдиради, ижтимоий иллатлар урчиб кетади. Сархушлик оқибатида кўплаб фалокатлар рўй беради. Касалманд, мажрух-майиб болалар туғилади, уларнинг ўлеми тезлашади. Ҳар бир инсон миллатини сақлаб қолишини ўйласа, ичкилик деб аталувчи заҳри қотилга қарши ўт очмоғи лозим».

Биргина Россияда 2007 йилнинг беш ойида қалбаки ароқдан заҳарланиб, 10 000 киши ҳалок бўлди.

Рус шифокори И. В. Стрелчукнинг ёзишича, ароққа мубтало бўлган алкашларда кўкрак қисиши (стенокардия), юрак мушагининг емирилиши (инфаркт) ёки юракнинг фалажланиши каби баҳтсиз ҳодисалар кўп юз беради.

Олим В. Кутснинг ҳисоб-китобига қараганда, ичилган юз грамм спиртли ичимлик спортчини икки ҳафтага ишдан чиқаради.

Тадқиқотчи Ашаффенбург шундай дейди: «Ароқхўр оиласида наслий ногиронликдан ташқари кўплаб фалокатлар рўй беради. Унинг боласи ифлослик ва қашшоқликда ўсади, маст отанинг қилмишларига

беихтиёр гувоҳ бўлади, жанжалларни, уриш-сўкишларни кўради. Шундай шароитда ўсган боладан нима кутиш мумкин?»

Бугунги тиббиёт ароқ ҳақида бундай дейди: «Спиртли ичимликлар одам танасининг барча хужайра ва тўқималарига заҳарли таъсири кўрсатади ва энг аввало, сурункали гастрит, ошқозон яраси касалликларини юзага келтиради».

Доктор Т. П. Симпсон маълумотларига кўра, 1000 нафар тентак бола текшириб кўрилганида 500 тасининг отаси, 70 тасининг онаси, яна шунчасининг ҳам отаси ва ҳам онаси алкоголли ичимлик истеъмол қилиши аниқланди. Тутқаноқ касаллигига дучор бўлган юзта боланинг 60 тасида ота-онаси ароқхўр бўлган.

Леонид Орловский тадқиқотларидан маълум бўлишича, Россияда спиртли ичимлик ичувчиларнинг 16-17 фоизида иш унумдорлиги пасайиб кетган, 20 фоизида оилавий қўйди-чиқди бўлган. Жами жиноятларнинг 85 фоизи, безориликларнинг 90 фоизи, котилликнинг 70 фоизи, кўча жиноятларининг 47 фоизи, уйдаги фалокатларнинг 22 фоизи, ишхоналардаги баҳтсиз ҳодисаларнинг 45 фоизи мастликда содир бўлган.

Академик Иван Павловнинг шогирди М. Петрова тажриба учун итларга 15-20 граммдан алкоголни сутга аралаштириб бериб юрган. Асаби кучли итлар 40 дақиқадан сўнг маст бўлиб, эртасига ўзларини соппасоғ сезишган. Асаби кучсиз итлар эса уч кунгача ўзлаарини хаста ҳис қилишган. Бу итлар тезда алкоголга ўрганиб қолган, қанча берилса ичаверган. Асаби кучли Жой лақабли ит сут билан 15 грамм алкогол ичганидан сўнг бир соат чамаси ғалати бўлиб юрган, кейин қайт кила бошлаган, кийн бўйи овқат емаган. Шунда қилиб ичкиликка қарши бош мия ғалаёни етти кун давом этган. Саккиз кундан кейин Жойга яна икки марта ўша миқдорда алкогол ичиришган. Ит яна олти кун касал бўлиб ётган. Шундан сўнг у алкогол аралашган сутни бутунлай ичмай кўйган. Қизиғи шундаки, итнинг қорни очса-да, кейинчалик алкогол қўшилмаган сутдан ҳам ҳазар қиласидиган бўлиб қолган.

\* \* \*

*Мусулмонлар учун бундай кенг қўламли фожиа билан боғлиқ муаммолар деярли бегона. Биз бу ҳаром ичимликлар соглиққа ёки ҳушёрликка зарар етказгани учунгина ичкиликтан тийилмаймиз. Бизга Аллоҳнинг бу ёмон, гуноҳ ишдан қайтаргани кифоя. Аллоҳ таоло бандаларининг берилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, тўғри ҳаёт кечиришини истайди. Ғарбда юзага келган муаммоларни ўрганар эканмиз, Аллоҳ таолонинг қатъий тақиқлари инсоният учун қанчалар фойдали эканига ишончимиз комил бўлаверади.*



# Ҳалол нима?



«Ҳалол» сўзи арабчада «рухсат этилган» маъноси бор. Истеъмол қилиниши жазо берилишига сабаб бўлмайдиган ҳар бир нарса; қилиниши шариат манъ этмаган нарсалар ҳалол саналади. Мўмин-мусулмонларнинг нима ҳалолу нима ҳаром эканини билишлари фарздир. Чунки Аллоҳ таоло биз, мўминларга ҳалол, шубҳалардан холи нарсаларни ейишимиизни буюрган (Моида, 88). Ҳалол, шубҳалардан холи нарсаларни ейиш (истеъмол қилиш) барча яхшиликларнинг асоси ва фарз амалларнинг улуғидир. Ҳалол луқмани ҳалол касб билан, шариат ман этмаган йўл билан топиш ҳам фарздир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийаллоҳу анху) Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганларини ривоят этгандар: «Ким қирқ кун ҳалол, шубҳадан холи нарсани еса, Аллоҳ таоло унинг қалбини нурли қилади ва ҳикмат чашмаларини унинг қалбидан тилига оқизиб қўяди».

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳалол касб ҳақида бундай деганлар: «Ким ҳалол касб қилиб, кечқурун чарчаган ҳолда уйқуга кетса, унга жаннат вожиб бўлади. Аллоҳ таоло ундан рози бўлади».

Ана шуларга кўра, уламолар еб-ичиш ва касб қилиш илмини (нималарни еб-ичиш ҳалол, уларни қандай йўл билан топиш ҳалоллигини билиши) ибодат илмидан олдин ўрганиш лозим, дейишган. Зеро, ибодат қилишга куч-кувват еб-ичиш орқали пайдо бўлади. Ейилган таом, кийилган кийим ҳалол бўлмаса ва ҳалол йўллар билан топилмаса, ибодат мақбул бўлмайди.

Машхур тобеъинлардан Ибн Сириндан (раҳимаҳуллоҳ) бир киши ибодатларни ва уларни қандай адо этишни сўраганида, Ибн Сирин ундай қандай овқатланишини сўрабдилар. У киши: «Тўйгунимча ейман», дебди. Ибн Сирин унга: «Ҳалигача ҳайвонлар каби еб-ичасанми?! Бор, аввал еб-ичишни ўрган, сўнг ибодат ва уни адо этишни ўрганасан», деган эканлар.

Мўмин, тоат-ибодатларимга куч бўлсин, деб еб-ичади. Ҳалол еб-ичиш эса қайси йўллар билан топилган мол ҳалол эмаслигини, қайси нарсалар истеъмоли шариатда ман қилганини билишни тақозо этади. Нарса ўзи ҳалол бўлсада, шариат манъ қилган йўллар билан: ўғрилик, босқинчилик, товламачилик, судхўрлик, қимор, порахўрлик, тарозидан уриб қолиш каби йўллар билан топилган бўлса, уни истеъмол қилиш ҳалол бўлмайди.

«Ҳалол» ҳақида сўз борганида кимлар билан никоҳланиш ҳалол бўлади, қайси ҳолда ҳалол жуфти ўзига ҳалол бўлмай қолади, деган мисолларни ҳам ўрганиш лозим. Чунки никоҳ, оила масалалари жуда нозик масалалар қаторида бўлиб, ҳалоллик чегараси бузилса, унинг сабабидан инсониятга хатар етади. («Ширъатул Ислом»).



**Халқимиз мөхмөндүстлиги ва саҳиътиги билан ном чыкырган. Мөхмөнгө уйидан жой бериси, уни зиёфат қилиши, иззат-хүрматини жөйига күйин ҳар бир ўзбекнинг бүрчига айланган. Айниқса мөхмөнга ёқадиган мислий таомлар билан сийлашып, ўзининг пазандачылык маҳоратини намойини қилишини қайси уй бекаси орзу қылмаган дейсиз!**  
**Үй бекаларини боиқа халқыар пазандачылыги ҳам қызықтыриши табиий. Шуну назарда тутуб, мусулмон мамлакатлар халқыари дастурхонига тортадиган түрлү таомларни тайёртуда усуллари билан журналхоняримизни танишитириб боршини маъкүл кўрдик. Булар мустима аёлгаримизга яхши тухфа бўлади, деган умиддамиз.**

## Жаҳон пазандачылыги таомлари



**ЕРЁНГОҚЛИ ТОВУҚ  
(Нигерия ва Конго)**

Тозаланган товукни бўлак-бўлакларга ажератиб, кастриюлкага соласиз, устидан уни кўмгудай сув қўйиб, ярим соат мобайнида қайнатасиз. Кейин унга ерёнгок магзини қўшиб, яхшилаб аралаштирасиз. Кейин кастриюлкага майдо қирқилган пиёз, картошкининг тўрт бўлак қилингани ташланади. Тузини ростлаб тайёр бўлгунича қайнатасиз. Тарелкага паррак-паррак кесилган тухум, устидан пиишган гурунч солиб, уларнинг тепасига товук бўлакларини қўясиз. Тепасидан товук қайнаганда ҳосил бўлган соусни қўясиз. Таомни янги бодринг ёки банаан билан безаи мумкин.

**Масалик:** унча катта бўлмаган товук, 300 гр. ерёнгок (арахис), икки бои пиёз, бир кило қайнатилган гурунч, 2 та картошка, 6 та сувда пиишилган тухум.

**САБЗАВОТЛИ БАЛИК  
(Ирек)**

Баликни тозалаб, икки томонидан кесиб олинади, туз, қалампир сениб ёг суртиб чиқилади. Кейин духовканинг патнисига соласиз. Атрофига тўрт бўлак қилингани картошка, икки бўлак қилиб кесилган помидор, уруги олинган ширин гармдори, лимон парракларини териб чиқасиз. Устидан лимон шарбати ва бир стакан сувга аралаштирилган шаффран қўйиб чиқасиз. 20 дакиқа мобайнида духовкада пииширилади.

**Масалик:** 1 кило балик, 700 гр. картошка, 4 та помидор, 4 дона ширин гармдори, 2 та лимон, 60 грамм зайдун ёзи, мурч, бир чимдим шаффран, туз.

**ИСТАНБУЛЧА КОТЛЕТ  
(Туркия)**

Гўшитни ғўшитқималагичдан ўтказасиз. Кейин унга картошка, сабзи, пиёз ва олдиндан сутга бўқтирилган нон қўшиб, яна бир бор қиймалагичдан чиқарасиз. Таъёр бўлган массага зираор, туз, майдо кертилган петрушикани аралаштириб, унча катта бўлмаган саккизта котлет ясайсиз (кими бошига тўрттадан). Ҳар бир котлетнинг ўртасига иккитадан майиз жойлаб қўясиз. Котлетларни унга белаб, қиздирилган ёғли қозон ёки фритюрда пииширасиз.

**Масалик:** 200 грамм мол ғўшити, 100 грамм ёғли қўй ғўшити, биттадан картошка, пиёз, сабзи, оқ нон бурдаси, 2 ош қошигига сут, бир ош қошигига майиз, битта тухум, янчилган хушибўй қалампир, мурч, зира, петрушикай қўжати, туз, қовуриши учун мой.

**ХОРЕШ БУРАНИ  
(курд халқы таоми)**

Бақлажоннинг пўстини ишилиб, майдо бўлакларга бўласиз. Устидан икки ош қошигига туз сениб, ярим соат қутасиз ва кейин намини кетказиб ёгда қовурасиз. Алоҳида ёғиз қиймани майдо тўргалган пиёзга қўшиб қовурасиз. Кейин унга помидорни парраклаб кесиб, қиймага қўшиасиз ва туз сениб, ярим соатга димлаб қўясиз. Кейин уни бақлажон билан бирга дастурхонга тортасиз.

**Масалик:** 2 та ўртача катталикдаги бақлажон, 700 грамм қийма, 1 та пиёз, 1,5 кило помидор, 2,5 ош қошигига туз.



*Замона бузилишига сабаб бўлувчи уч нарса борки,  
уларнинг биринчиси олимнинг тойилишидир.*

*Умар ибн Хаттоб.*

*Мен учун «риёкор эмасман» деб тавба қилишдан  
«риёкорман» деб тавба қилиши ёқимлироқдир.*

*Фузайл ибн Иёз.*

*Мусулмон биродарлигига билимли, бой бўлган  
бир инсон устунман деб даъво қилишига, ўзини  
китта тутишига асло ҳақни эмас. Зеро, у ҳолда  
мусулмонлар орасида тафриқа (бўлинши)  
бошлиданади.*

*Муҳаммад Зоҳид Кўтку.*

*Одамлар нафратига учраса ҳам Аллоҳ  
розилигини истаган кишини Парвардигор  
уларга муҳтоже қилиб кўймайди.*

*Ошия бинти Абу Бакр.*

*Имон – кўролмаганларимизга шонииш, бу  
имоннинг мукофоти эса шонгандаримизни  
кўришимиздир.*

*Августин.*

*Яратган йўз бандасидан на узоқдир, на яқин, У  
узоқдан кўп узок, аммо яқинларга яқин.*

*Кабир Дехлавий.*

*Агар борлиқни пайдо бўлган деб ҳисобласак,  
унда у пайдо бўлгунига қадар умуман мавжуд  
бўлмаган. У мавжуд бўлмаган экан, демак, ҳеч  
нарса бўлмаган. Ҳеч нарсадан борлиқнинг пайдо  
бўлиши мумкин эмас.*

*Мелисс.*

*Ақл-фаросатдан маҳрум ҳолда баҳтли  
яшагандан кўра ақл-фаросат билан баҳбахт  
бўлган аълороқдир.*

*Эпикур.*

*Комил инсон шуки, уни мақташганда ҳам,  
қоралашибганда ҳам ўзгармайди.*

*Абдуллоҳ ибн Масъуд.*

*Хатолари айтилмаган киши хатоларини тўғри  
деб ўйлайди.*

*Саъдий Шерозий.*

*Энг аввал Тангрини муносиб тарзда улугла.  
Кейин эса подиоҳни иззат қил. Чунки подиоҳ  
ва Тангри ҳукми тенгдир. Устозингни ота-  
онанг қаторида ҳурматла.*

*Эзоп.*

*Манманликдан ортиқ адабсизлик бўлмайди.*

*Зенон.*

*Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиглашади,  
китта бўлғанларида эса турли қилиқлар  
қилишади. Бу – марбиянинг оқибати.*

*Сюн-Сзи.*


*Ким шайтоннинг зулми ва васавасасидан  
қочмоқчи бўлса, шаҳватига ҳоким бўлсин.*

*Молик ибн Динор.*

*Бир банда терак каби (ингичка) бўлгунга қадар  
Аллоҳга ибодат қилсаю, аммо егани ҳалол ёки  
ҳаром эканини билмаса, унинг ибодати қабул  
бўлмайди.*

*И мом Абу Ҳанифа.*

**RAMAZON - DUNYO BO'YLAB!!!**





Рамазон	Бомдод	Пешин	Аср	Шом	Хуфтон
1	3:27	12:30	5:33	7:41	9:26
2	3:28	12:30	5:32	7:40	9:24
3	3:30	12:30	5:31	7:39	9:22
4	3:31	12:30	5:31	7:38	9:21
5	3:33	12:30	5:30	7:37	9:19
6	3:34	12:29	5:29	7:35	9:17
7	3:36	12:29	5:28	7:34	9:16
8	3:37	12:29	5:27	7:33	9:14
9	3:39	12:29	5:27	7:32	9:12
10	3:41	12:29	5:26	7:30	9:10
11	3:42	12:29	5:25	7:29	9:09
12	3:44	12:29	5:24	7:28	9:07
13	3:45	12:28	5:23	7:26	9:05
14	3:47	12:28	5:22	7:25	9:03
15	3:48	12:28	5:21	7:24	9:01
16	3:50	12:28	5:20	7:22	8:59
17	3:51	12:28	5:19	7:21	8:58
18	3:53	12:27	5:18	7:19	8:56
19	3:54	12:27	5:17	7:18	8:54
20	3:56	12:27	5:16	7:16	8:52
21	3:57	12:27	5:15	7:15	8:50
22	3:58	12:27	5:14	7:13	8:48
23	4:00	12:26	5:13	7:12	8:46
24	4:01	12:26	5:12	7:10	8:44
25	4:03	12:26	5:11	7:09	8:42
26	4:04	12:25	5:09	7:07	8:41
27	4:05	12:25	5:08	7:06	8:39
28	4:07	12:25	5:07	7:04	8:37
29	4:08	12:25	5:06	7:02	8:35
30	4:10	12:24	5:05	7:01	8:33

